

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

М.Лафасов, М.Хўжамов

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ТУРИЗМ

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2007 йил

К И Р И Ш

Мустақилликнинг ҳалқимизга берган улуғ неъматларидан бири-ўзликни англашга, азалдан шу она-заминда истиқомат қилиб келаётган аждодларимиз орзу этганидай, хур ва озод яшашга, буюк истиқбол йўлида завқ билан ҳаёт кечириш ва меҳнат қилишга шароит туғдирди.

Эндиликда бу ўлка нафақат ўзбек халқига, унда яшаётган турли миллат вакиллари учун ҳам муқаддас ошён, табаррук диёр ҳисобланади.

Қадимшунос олимларимиз эътироф этишларидай, ўтмиши инсоният илк аждодларининг вакиллари яшаган узоқ тарихга тенгдош бўлган қадимий ва бу жозибали ватанимизга, унда яшаб, этно-маданий ривожланиш, юксалиб бориш баробарида дунё тамаддуни (Цивилизацияси) нинг бойишига самарали таъсир кўрсатган буюк алломалар, қаҳрамонларни вояга етказган халқимизнинг ўтмишини рўй-рост ўрганишга, ҳозирги ҳаёти билан яқиндан танишишга кенг имкониятлар юзага келди.

Ватанимизни бой тарихини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва қудратига дахлдор асоосли далиллар билан танишиб бориш орқалигина кишиларда уларни қадрлашга иштиёқ, ардоқлашга доир мақсад камол топади.

Ушбу дарслик айнан шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда юзага келади.

Бу ўлкада ота-боболаримиз, аждодларимизнинг ақл-заковати, маҳоратли кўллари билан IX-XII, XIV-XVII асрлар давомида киши ақлини лол қолдирадиган даражаданафис ва нозик қилиб ишланган нақшлар, қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро, Хиванинг кўркам деворларида ёрқин кўринишда ўз аксини топган. Ўша давр услубларида барпо этилган муҳташам бинолар ва улардаги Шарқ услубига хос ўймакорлик нақшлари ўз тараққиётининг юксалиш даврига кўтарилганидан гувоҳлик беради. Бундай ўймакорлик нақшлари билан бир қаторда ислимий услубда ишланган нақшлар, яъни гул ва новдаларнинг мураккаб услубдаги нақшинкор кўрнишлари ҳамда ҳозирга қадар яхши сақланиб келаётган тиллада қорилиб ишланган бошқа безаклар аждодларимиз юксак санъатининг тимсоли сифатида бугун ҳам барчанинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Қадимги ва ўрта асрлар меъморчилик обидаларини сақлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш ҳозирги замон ёш авлодни, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу дарсликда ўзбек халқининг тарихий тараққиёти, маънавий, моддий ва тарихий манбаалар-ёдгорликларини тарихий ўлкашуносликнинг асосий манбаалари бўлган археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатлари орқали ўрганиши берилган.

Шунингдек ўлкада туризм (сайёҳлик)нинг шиклланиши, ривожини ва истиқболларига доир бўлган масалаларнинг ёритилганлиги ўз аксини топган.

Ушбу дарсликда ватанимизнинг ўтмишига доир муҳим масалаларга эътибор қаратилган. Ўзбекистон халқларининг қадимий тарихини унинг

жаҳон тарихий тараққиётига қўшган катта ҳиссасини ўз бағридан Муҳаммад Мусол Хоразмий ва Али қушчи сингари машҳур математиклар, Аҳмад Ғарғоний ва Улуғбекдек фалақийёт билимдонлари, Ибн Сино каби табиблар, Наршахий ва Абулғозихон сингари тарихчилар, Ал Фаробийдек файласуфлар, Муҳаммад Исмоил ал Бухорий, Ат Термизий каби машҳур муҳаддислар, Замаҳшарий каби лингвистларни етиштириб, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини далилий ашёлар воситаси билан исботлаб беради.

Мазкур қўлланма яна шуниси билан аҳамиятлики, унда тарихий, маънавий ёдгорликлар, археологик, антропологик, этнографик, этник, топонимик материаллар ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг тарихий, маданий ва меъморчилик ёдгорликлари, жаҳон маданий меъросининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган ғоят катта улушдир. Мана шундай муҳим, нодир, қимматли аҳамиятга молик бўлган моддий ва маънавий ёдгорликларни ҳар томонлама илмий ва амалий жиҳатдан ўрганадиган ва таҳлил қиладиган фан ҳам «Тарихий Ўлкашунослик»дир.

Мазкур ўқув қўлланмаси асосан, қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Тарихий ёдгорликлар. Бунга инсоният ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиш босқичлари, инқилобий ҳаракат бўлиб ўтган жойлар, атоқли саркардалар, йирик давлат, фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ воқеа жойлари, ўтмишдан қолган қўлёзма асарлари ва шу кабилар киради.

Археологик ёдгорликлари. Бунга кўхна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар, каналлар, шунингдек йўлларнинг қолдиқлари, қадимий Дафн жойлари, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирлар ва бошқалар киради.

Шаҳар қурилиши ва меъморчилик ёдгорликлари. Буларга меъморчилик ансамбллари ва комплекслари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларнинг қолдиқлари: фуқаро, саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоатлари киради.

Санъат ёдгорликлари. Бунга монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарлари киради.

Ёдгорлик ҳужжатлари. Бунга марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларидан қолган турли ҳужжатлар, бошқа ёзма ва чизма ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлари ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий қўлёзмалар ҳамда архив материаллари, фольклор ва муסיқа ёзувлари, нодир босма нашрлар киради.

Этнографик ва топонимик материаллар. Бунга халқ урф-одатлари, модий ва маданий маданият, халқларнинг эртак, фольклор, мифологияси ҳамда жой номларининг илмий жиҳатдан келиб чиқишини ўрганиш киради.

Булар билан бир қаторда тарихий, илмий, бадиий қимматга ёки бошқа бир маданий қимматга эга бўлган объектлар ҳамда музейда сақланадиган

экспонатлар ва улардан ўқув, таълим-тарбия ишларида фойдаланиш ҳақидаги масалалар ўз аксини топган.

Олий ўқув юртлирида ўқитилаётган тарихий ўлкашунослик ва туризм фани маълум икки мақсадни: биринчидан, ўз ўлкасининг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти тарихини ҳар томонлама илмий асосда ўрганиш йўли билан тўпланган археологик, этнографик, топонимик, нодир қўлёзмалар, архив ҳужжатларини саралаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишни; иккинчидан, тўпланган ўлка материалларидан ўқув тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кўзда тутди.

Шунингдек, Ўзбекистонда туризм (сайёҳлик)нинг вужудга келиши ва ривожланиши, унинг турлари ва шаклларига доир масалаларга эътибор қаратилган. Туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти, маданий ҳаётидаги тутган ўрнига аҳамият берилди.

Дарсликни ёзишда маҳаллий материаллардан, Ўзбекистон Республикасига доир ўлкашунослик ҳужжатларидан, тарихчи олимларнинг асарларидан, архив материалларидан фойдаланиш масалаларини ёритишда ЎМДА ходимлари томонидан тайёрланган картотека ва кўрсаткичлардан, музей экспонатларини ёритишда эса Ўзбекистон тарихи Давлат музейи материалларидан, Ўзбекистонда туризмнинг аҳволини ёритишга доир материалларни эса «Ўзбектуризм» миллий компаниясига тегишли матбуот – журналларидан ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

I. БОБ. ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ТУРЛАРИ, ҚАДИМГИ ЁЗМА МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИЛИШИ

I.1-§. «Тарихий ўлкашунослик ва туризм» фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Ушбу фан олий ўқув юртларининг баъзи гуманитар йўналишдаги бакалавр талабалари учун мўлжалланган.

Фаннинг предмети. Ўлкани ва халқ ҳаётини, уни энг қадимги қаврлардан то ҳозирга қадар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатларини, яъни: ҳудудда илк одам зотининг пайдо бўлиши ва маконларни, улуғ, қабилаларини, шунингдек, элат, миллат, халқнинг шаклланиши ва ривож биан боғлиқ этно-маданий жараёнларни, қишлоқ, шаҳар, давлатларнинг ривожланиши, буюк тарихий сиймолар ва халқ қаҳрамонлари, уларнинг Ватан равнақидаги ўрнини, тарихий ёдгорликлар ва жой номлари биан боғлиқ ўлка топонимикасини, мустақилликка эришув ва илк даврдаги амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини, шунингдек, мамлакатимизда туризмнинг вужудга келиши, ривож ва истиқболларига қадар бўлган масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Фаннинг вазифаси. Тарихий ўлкашунослик ва туризмнинг 5 та асосий манбаси бўлиб, улар: археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экпонатларидан иборат. Бу фан орқали эса ўлка ва халқ ҳаётини, уни энг қадимги даврлардан то ҳозирга қадар ҳар томонлама ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатларини юқорида қайд этилган 5 та асосий манбалар орқали татқиқ этилиши берилган бўлиб, талаба ёшларни улар билан яқинроқ таништиришга эътибор қаратилган.

Дарслик 6 та бобдан ташкил топилган бўлиб, икки бобда археологиянинг ўлкашуносликдаги, роли, яъни ҳудудда шаклланган моддий маданият ёдгорликлари билан биргаликда маънавий маданият илдизларнинг чуқур асосга эга эканлигига доир масалалар ёритилган.

III боб эса этнографиянинг ўлкашуносликда тутган ўрни ҳақида бўлиб, ўзбек халқининг этник шаклланиши, урф-одатлари, қадриятлари, байрамларига доир маълумотларга кўпроқ эътибор қаратилган.

IV бобда топонимика орқали ўлкани ўрганилишига бағишланган бўлиб, жой номлари, шунингдек, кишиларнинг исм маънолари ҳамда тарихий ёдгорликлари, уларнинг бунёд бўлишига боғлиқ тафсилотлар қайд этилди.

V бобда эса ўлкада туризм ва унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларга эътибор қаратилган.

VI боб ўлкашуносликда далилий ҳужжат асров муассасалари бўлган архивлар ҳақидаги ҳамда тарихимиз, ўлка ҳаётининг кўзгусига қиёс этиладиган музейлар ва улардаги кўргазма воситалар-экпонатлар тўғрисида бўлиб, келтирилган маълумотларнинг аҳамияти яққол аксини топган.

Фаннинг энг муҳим вазифаларидан бири, ёшларга ўзи яшаб турган ўлка – Ўзбекистон ҳақида унинг тарихий ва маданий ёдгорликлари, халқнинг ўтмиши ва бугунги ҳаёти, этно-маданий жараёнлари ҳамда юртимизда эришилган мустақиллик туфайли бунёдкорлик ишларига, шу билан бирга туризм соҳасининг эркин ривожланиши ва аҳамияти ҳақидаги маълумотларни талабаларга етказишдан иборат.

Фаннинг мақсади. Ўлка ва халқ ўтмишини энг қадимги даврлардан то ҳозирга қадар ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатларини ўргатиш, тадқиқ этиш ҳамда уларни ўқувчи ёшларга тушунтириш орқали уларда музейга ҳурмат, Ватан ва халққа муҳаббат, бугунги мустақиллик кунларимизни қадирлаш, келажак буюк юртимизнинг истиқболига ишонч каби туйғуларни шакллантиришдан иборат.

Шу билан талаба ёшлар ушбу фан билан танишиш орқали ўзлари яшаётган ўлка – Ўзбекистон ҳақида, шунингдек, халқ ўтмиши, бугунги ҳаётига алоқадор муҳим маълумотларга эга бўладилар. Гўзал диёримиз, унинг бой ўтмиш, мустақиллик, даврида амалга оширилаётган кўплаб бунёдкорлик ишларига доир тафсилотлар билан танишиш орқалигина кишиларда ҳаётга иштиёқ, юртга садоқат туйғулари шаклланади.

1.2- . Ўлкашуносликнинг турлари ва қадимги ёзма манбаалари

Ўзбекистон катта ижтимоий – сиёсий, маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий аҳамиятга эга. Айниқса, миллий қадриятларни аниқлаш ва оммалаштиришда Ўзбекистоннинг ўрни жуда катта, беқиёс.

Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севиб, унинг тупроғини ардоқлаган аجدодларимиз халқимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Зардуштийликнинг муқаддас китоби – «Авесто»да ҳам таъкидланганидек: «Ҳар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган зами, мамлакатни муқаддас билмоғи шартдир».

Шунинг учун ҳам Ватанни семақ иймондандир, деймиз. Зотан, она юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурч ҳисобланади.

Тарихий ўлкашунослик ўзининг ташкилий шаклига кўра қуйидаги учта турга бўлинади:

- 1. Илмий ёки давлат ўлкашунослиги;*
- 2. Жамоат ўлкашунослиги;*
- 3. Мактаб ўлкашунослиги.*

Ўлкашуносликнинг ҳар учала тури ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

Давлат ўлкашунослиги билан республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш кўмиталари махсус музейлар, Республика Фанлар академияси қошидаги Тарих,

Археология илмий-тадқиқот институти шуғулланади. Шунингдек, тадқиқот маълумотлари тўпланади, топилмалар махсус музейларда кўргазмаларга қўйилади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, овул, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоят худудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қилиш билан бирга жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқишлари (этногенези), урф-одатларини ўрганади. Жамоат Ўзбекистон маҳаллий ҳокимиятининг бевосита раҳбарлигида тегишли жойлардаги табиий, тарихий ва археологик, этитопонимик ва бошқа ташкилотлар мутахассислари томонидан олиб борилади.

Бундан ташқари, жамоат ўлкашунослигига мустақил равишда танга пулларни ўрганувчи мутахассислар–нумизматлар, муҳрларни ўрганувчи–сафрагистлар тамға (герб)ларини ўрганувчи-гералдист-лар, тош, металл, сопол ва ёғочдан ёзувларни ўрганадиган олимлар – этнографистлар, эски асбоб-ускуналар ва қурол-аслаҳа ҳамда шу каби нарсаларни тўпловчилар ҳам уюшади.

Мактаб ўлкашунослигининг аъзолари V-X(XI) синфларнинг энг интизомли ва аълочи ўқувчилардан тузилиб, улар ўлка материалларини тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда тўплайдилар. Тўплаган археологик, этнографик, топонимик ва архив ҳужжатлари мактаб ўлкашунослик ва тарих музейларида намойиш қилинади.

Мактаб. У умумий таълим мактабларида тарих, география, ботаника, зоология, тил ва адабиёт ўқувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил этилади. Ўлка табиати, тарихи, аҳолиси, хўжалиги, маданияти, этнографияси, топонимикаси, археологиясига оид далил ва топилмалар мактаб Ўзбекистон музейларида намойиш этилади.

Мактаб ўлкашунослиги таълим-тарбияни турмуш, ишлаб чиқариш, янги жамият қуриш тажрибаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганади. Ўқитиш жараёнида ўлка материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини билиб олишга, чуқур билим олишга, мустақил ижод қилишга бўлган қизиқишини орттиради ва келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишга ёрдам беради.

Мактаб ўлкашунослиги иккига бўлиниб, ўқув жараёнида (ўқув дастури асосида) ва дастурдан ташқари (мактабнинг тарбиявий ишлар режасига асосланган ҳолда) амалга оширилади. Ўқув жараёнида (синфда) олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари ҳам икки мақсадни кўзлайди. Бири- ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топонимик, қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва ўлкашунослик материалларини бир тизимга солиш: иккинчиси-тўпланган ўлкашунослик материал-ларидан тарих дарсларида фойдаланиш. Синфда олиб бориладиган ўлкашунослик ишларига барча ўқувчилар жалб этилади.

Мактабдан ташқари олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари, яъни саёҳатлар, археологик илмий сарфларда Ўзбекистон Фанлар академияси тарих ҳамда археология институтининг тавсияси билангина шу ишга даёқатли ўқувчилар ихтиёрий равишда иштирок этадилар. Мактаб

ўлкашунослиги тарихи фанларидан олган билимларни ойдинлаштиради, кенгайтиради ҳамда ҳар хил фанларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди.

Мактаб ўлкашунослиги тарихий обидаларни сақлаш ва ҳимоя қилиш, қадимий манзилгоҳларни топишда ҳам катта рол ўйнайди. У жамоа бўлиб яшаш, ишлаш, ижод қилишга ўргатади. Ўқувчиларда синчиковлик тиришқоқлик, теvarак-атрофга ҳавас билан боқиш тадқиқотларга қизиқиш, Ватанни севиш ва уни ардоқлаш ҳислари шаклланиб боради.

Дарҳақиқат, мактаб ўлкашунослиги ўқувчиларда ўз Ватанига меҳр уйғотиш билан бирга, уларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ватанга бўлган меҳр туйғуси ўз ўлкасини ўрганишда бошланади. Мактаб ўлкашунослигида ана шундай туйғу шаклланди.

Ўзбекистон ҳудудида еозлит (ўрта тош) даври милоддан аввалги 12 минг йилликдан 7 минг йилликкача давом этган бўлиб, ўша вақтда тасвирий санъат бошқа жойлардагига қараганда анча ривожланган. Ҷорларда яшаган одамлар қоя тошларга қизил бўёқ билан нақш чизиш ёки ўйиб ёзиб, ажойиб ов манзараларини қолдириб кетганлар. Бундай нодир санъат обидалари Сурхандарёда Зараутсой, Жиззахда Такатош, Бухорода Сармиш, Қораунгурсой, Тошкент воҳасида Қоразов, Хўжакент, Паркент ҳудудларидан топиб ўрганилганлиги ҳақиқат. Бу Ўзбекистон халқларининг ибтидоий жамият тарихий ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжатдир.

Термиз яқинидаги Айритомда тошга ўйилган бўртма расмлар, Хоразмнинг қадимги пойтахти – Тупроқларда чиққан хайкалу деворга ишланган расмлар ҳамда Сурхандарёдаги Холчаён, Далварзинтепадан топилган гил ва ганчдан ясалган хайкаллар, қадимдан ўзига хос бетакроп усуллар билан юксакликка кўтарилган тасвирий санъат маданиятини аллақачон яратилган-лигини кўрсатади. Масалан, ўлкамиздан минерал бойликлар қидирган, кўрғошин ва феруза конларини топган хўжандлик Мулла Сангин, Чимкентда ўлкадаги биринчи рус – тузем мактабини очишда фаоллик кўрсатган, Кўқон шаҳар мактабида ишлаган ҳамда «Туркистон вилоятининг газетаси»да масъул муҳаррирлик қилган, Туркистон муаллимлар семинариясида ўзбек ва форс тилларида дарс берган. 1876 йилда Петербургда ориенталистлар III халқаро конгрессида маъруза қилган, ўлкадаги туб жой аҳоли орасида дунёвий билимларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Сатторхон Абдуғаффоров, ўзбек археологияси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган, нумизматик коллекциялар тўпланган, ҳозиргача бой коллекцияси Давлат Эрмидажида тилга олинмаган самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Убдуллоларнинг номлари унитилди. Ваҳоланки, шу истеъдодлардан бири – ажойиб санъаткор - хатто мирзо Барот Мулло Қосимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликларнинг расмини сизган, Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ чизмасини тайёрлаган эди.

Тарихий ўлкашунослик фанининг содиқ ташкилотчиларидан бири Ақромполвон Асқаров жуда ажойиб ёдгорликлар - Ўрта Осиёда энг қадимда зарб этилган танга-чақалардан 15 мингдан кўп коллекция тўплаган.

Бухорода қадимги гиламлар, қўлёмалар, нодир сопол идишлар тўплаган Муҳаммад Вафо жуда машҳур бўлган. Ҳаваскор – географлардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар рус география жамияти Туркистон бўлимнинг жонкуяр ходимлари эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Республикамиз худудидан топилган қадимги ва ўрта асрга оид танга пуллар кўпгина номаълум қадимги шаҳарлар «ёши»ни аниқлаб олишда катта ёрдам беради. Масалан, бухоро, термиз, Кат, Кува ва бошқа жойларда зарб этилган олтин, кумуш ва мис танга пуллар шу худудда ташкил топган Хоразм, Канха, Фарғона, даҳия, Кушан, Сўғд, Самонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва бошқа подшолик-ларининг иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини, айниқса бу давлатлардаги пул ҳамда ташқи ва ички савдо муносабатларини ўрганишда жуда қимматли ашёвий далил бўлиб хизмат қилади. Шуниси ачинарлики, 1917 йилдан сўнг мустақиллик давригача ўлкашунослик фани ўлкамиз тарихини даврма-давр ўрганишдан иборат ўз вазифасини бажармай кўпроқ Россиянинг Европа қисмидаги ўлкаларни ўрганиш билан машғул бўлиб келверади. Биз эса индамадик. Ўрта Осиё халқларидан бошқа деярли барча халқлар ўз тарихини озми-кўпми биладилар. Биз эса рус князларини, рус давлатини, Москванинг ташкил топиши ва унинг биринчи князи Юрий Долгорукий 1147 йилда Москвага асос солганини биламиз-у, аммо ўз она диёримиз милоддан олдинги III асрда Грек-Бактрия давлатига асос солиб биринчи танга зарб этган Диодот ҳақида ўйлаб ҳам кўрганмисиз.

Она диёримизни араб босқинчиларидан ҳимоя қилган Ҳаким ибн Хошим бошчилигидаги кўзғалон хусусида чала-чулпа маълумотларга эга бўлган халқимиз Хоразмда арабларга қашқатғич зарба берган ажойиб қаҳрамон Хоразм шоҳи ёки Самарқанд ҳокими Гуракларнинг, Қусам ибн Аббосга қарши олиб борган шиддатли жанглари Шоҳи Зинда ансамбли билан боғлиқ тарихий афсоналар ҳақида тасаввурга эгами? Йўқ албатта.

Ўзбек мактабларидан ўқувчиларимизга Дмитрий Донский ва унинг қаҳрамонлиги, рус давлати, иқтисодиёти, ички ва ташқи сиёсатини марок билан тушунтириб берсак-да. IX-X асрларда дунёга машҳур бўлган Самонийлар давлатида етишиб чиққан илм-фан дарғалари-ю, ўз шеърляти билан жаҳон афғор оммасини хайратга солган Рудкий, Фирдавсий, Саъдий Хофиз каби забардаст даҳолар ҳақида деярли ҳеч нарса демаганмиз. Улар Шарқ поэзиясининг асосий хусусиятларини белгилаб берган бўлсалар-у, уларнинг ижодий фаолият билан ўқувчиларни таништирмасак нима деган одам, қандай ўлкашунос олим бўламиз?

Ўша давр илм-фанини жаҳонга таратган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби мутафаккир олимлар ҳаёти ҳамда ижоди тараққийпарвар инсоният томонидан ўрганилса-ю, биз нега ўрганишимиз мумкин эмас? Мана эндигина мустақилликни мустаҳкамлаб бориб, мактаб дастурларига алломалар ва қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятларини киритаётимиз.

Ўлкамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганда ўзбек тилининг қадимги тил эканлигини исботлаб беришда асосий манба маҳмуд

Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг нечоғли улкан аҳамияти бор эканлиги озми кўпми маълум бўлса ҳам бу даҳо мутафаккир ернинг думалоқлигини исботлаб, дунё харитасини чизиб қолдирганлиги ҳақидаги маълумотни ўрганишнинг вақти келмадимикин?

Ҳозирги кунда ўлкашунослик фани олдида қуйидаги энг масъулиятли вазифалар турибди: кўхна Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Шахрисабз каби шаҳарлардаги саёҳат мазмунини тушунтирувчиларга тўғри илмий йўналиш бери: вилоят, воҳа ва водийлардаги ўлкашунослик музейларига маълумотнома ва йўл кўрсаткичлар тайёрлаш: вилоят, воҳа ва водийлардаги ҳамда жумҳурият марказий архивидаги ҳужжатларни ўрганиш: Шарқшунослик имтиҳони ва қўлёзмалар илмгоҳида сақланиб турган 5000 дан ортиқ нодир қўлёзма асарларни ўрганиб, уларни аҳоли кенг оммасига етказиш.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. *Ўлкашуносликнинг қандай турларини биласиз?*
2. *Ўлка тарихи ҳақида маълумотлар қолдирган қайси маҳаллий тадқиқотларни биласиз ва уларнинг асарлари ҳақида?*
3. *Қадимги ёзма мактаблар ўлкани ўрганишида қандай рол ўйнайди.*

Таянч тушунчалари

Сфрагистика – муҳрларни ўрганувчи фан

Гералдики – танга (герб)ларни ўрганувчи фан

Эпиграфистлар – тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганувчи тадқиқотчилар.

II. БОБ. ТАРИХИЙ УЛКАШУНОСЛИК ВА АРХЕОЛОГИЯ

1- . Археология ҳақида тушунча ва унинг ўлкашуносликдаги аҳамияти

Тарихий улкашунослик фанининг 5 та асосий манбаси булиб, улар: археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатларидан иборат. Шуларнинг ичида Улар узаро боғланадиган булиб, бири – бирисиз улкани, халк ҳаётини мукамал урганиб булмайди. Шуларнинг ичида даставвал археология ҳақида тухта оламиз.

“Археология” сузи лотин тилидан олинган булиб, “архайос”- кадимги, “логос” - фан, яъни кадимги даврни урганувчи фан деган маънони билдиради. Археология – улкашунослик ва тарих фанларининг асосий манбаларидан биридир. Дунё халқларининг бир неча юз минг йилларидан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узок тарихий тараккиётнинг энг кейинги 5-6 мингинчи йилларидан бошлабгина ёзма асарлар булиб, ундан аввал халқларда ёзув ва тарих булмаган.

Ёзув пайдо булгандан кейин ҳам купгина воқеалар ёзилмай колган. Подшоларнинг буйруклари, рухонийларнинг диний таълимотлари, ҳазиналарининг ҳисоб – китоблари, ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса уз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг маишатини етарлича акс эттирмаган. Демак шаҳар ва кишлоқлар казиб курилганда у ерлардан кадимги халқларнинг уй жой колдиклари. Уй рузгор колдиклари зеб зийнат буюмлари , эътиқод юдгорликлари топилади. Бу нарсалар эса ёзма тарихдаги маълумотларга караганда уша давр турмушини хар тарафлама ва аниқроқ ёритиб беришга ярайди. Ёзма тарих пайдо булгунгача бир неча юз минг йиллик давр тарихини ҳамда ёзма тарих чиккандан кейинги давр ҳаётини тула урганиш зарурияти уша давр халқлардан колган буюмларни текшириб куришни таказо этади. Бундай ёдгорлик буюмларни текширувчи фан археологиядир. Археология ибтидоий одамлар яшаган маконларни, синфий даврдан колган шаҳар, кишлоқ ва мазорларни казиб куриб, тарихни аниқлайди.

Археологлар казишма усули билан иш курадилар. Айниқса ёзувлар пайдо булмасдан бурунги давр тарихини археология казишмаларида топилган буюмлар тулдиради, (археология казишмасининг натижалари матбуотда кенг ёритиб борилади).

Археология: (архе... ва логия), кадимшунослик - кад, моддий маданият ёдгорликларига асосланиб кишилик жамиятини утмишини урганувчи фан. Мехнат куруллари, уй – рузгор буюмлари, курул – яроғлар, зеб- зийнатлар, уй – жой , устахоналар, мудофаа ва иригация иншоатларининг колдиклари ҳамда утмишга оид турли топилмалар А.нинг бош манбаи булиб, уларни илмий урганиш асосидад утмишдаги кишилик жамиятлари ижтимоий – иқтисодий ривожланиш тарихининг умумий

манзараси тикланади. Шу сабабли археология тарих фанинг бир тармоги хисобланади.

А. Сузини мил. ав. 4-асрда Плотон (Афлотун) кад. Вокеалар маъносини ишлатган. Илмий мақсадлардаги даслабки археологик казишлар 18 аср бошидан бошланган. 19 аср йирик археологик кашфиётлар даври булиб, А. фан сифатида шакилланиб борди, 19 аср Аси асосан 4 қисмга булиниб урганилар эди; юнонистон ва Римнинг кулдорлик даври ёдгорликларни урганувчи мумтоз А., ибтидоий А., урта аср моддий – маданий ёдгорликларни урганувчи умумий А. ва шарқ А.си 20- аср бошидан улар бирлашиб, кенг мазмунли хоз. Замон. А. си шакилланди.

Ўзбекистонда археологик текширишлар 19 асрнинг охириги чорагида, туркистонни Россия босиб олганидан сунг бошланди. Россия империяси Туркистоннинг утмиши, халкнинг урф одати, кад кулёмаларини урганиш оркали улкада узининг мустамлакачилик режимини мустахкамламокчи эди. Туркистон осори атикаларини урганишни даставвал рус А. хаваскорлари ва улкашунослари бошлаб берди. 1895 й.В.В Бартольднинг ташаббуси билан Туркистон археология хаваскорлари тугараги тузилиб, А. ишлари шу тугарак назоратида олиб борилади. Уша даврда утказилган А. таджикотларида В.В.Бартольд, В.Л.Вяткин, Н.И.Веселовскийларнинг хизмати катта булди. Аммо археологик ёдгорликларни хали хар томонлама. кенг урганилмаганлиги хамда топиламалар яхши аниқланмаганлиги сабабли бу вақтда ибтидоий ва ундан кейинги илк даврлар мутлако ёритилмади. Шундай булса хам 19 аср охири 20 аср бошиларидаги Туркистонда олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим ахамиятга эга булди. Урта Осиё халқларининг кадимги моддий маданий ёдгорликларини урганишда дастлабки кадамлар куйилди.Махаллий халқ уртасида уз ватанинг утмиш ёдгорликлари билан кизикувчи акром полвон Аскарров, МирзаАбдулла Бухорий, Мухаммад Вафо каби кадимги буюмлар хамда чакатангаларни тупловчи хаваскор улкашунослар пайдо булди. Бу даврда Туркистон археологияси хаваскорлик даражасида булиб турли (купрок нумизматикага доир) топилмаларни туплашдан иборат булган. Афросиёб, Улугбек расадхонаси ва Пойканд харобаларида даслабки казишмалар олиб борилган. Ўзбекистонда А. фани 20-30 й. Ларда шаклланди В.Л. Вяткин Афросиёб харобасини (1925,1929-30). Б.П.Денике кад. Термизни (1926-27), М.Е.Массон Охангарон водийсини (1925-28), Айритом харобаларини (1932-33) казиб ургандилар. 30- йилларда кенг куламда казиш ишларини А.Ю.Якубовский Зарафшон водийсида (1934,1939), М.Е.Массон кадимги Термизда (1936-38), В.А. Шишкин Тали Барзуда (1936-39), Варахшада (1937-39), С.П.Толстов, Я.Г.Гуломов кадимги Хоразм вохасида (1937-50), А.П.Окладников Тешиктош ва Мачай горларида

(1938-39), В.В.Григорьев Ковунчитепа харобаларида (1934-37) олиб бордилар. Тупланган археологик материаллар Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда муҳим манба булди, янги археологик маданиятлар

(Калтаминор, Тозабог'еп, Ковунчи маданиятлари) ва урганилиб, фанга киритилди. Тешиктош горидан неандирталь типига одам скелетининг топилиши Ўзбекистон археологиясида буюк кашфиёт булиб, дунё олимларида катта кизиқиш уйғотди. Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришда Урта Осиё давлат Университетида археология кафедрасининг очилиши (1940), УзФА Археология булимининг ташкил этилиши (1943) катта ахамиятга эга булди. Археологик ёдгорликларни районларга булиб урганишда Термиз археологик комплекс экспедицияси,

Помир Олой ва Помир Фаргона экспедициялари катта роль уйнайди. 50- йилларда Ўзбекистон археология экспедицияси отрядлари Тошкент водийсида мазоркуртонларни (Т.Аъзамхужаев), Замонбобо жез даври кабрисонини (Я.Гуломов), Болаликтепа ёдгорлигини (Л.И.Альбаум) ва бошқаларни урганишга киришди. 60- йилларда Мохондарё археологик отряди Я.Гуломов раҳбарлигида Зарафшоннинг куйи оқимида мил. ав. 4- 2 минг йилликка мансуб 60 дан ортиқ неолит ва жез даврига оид манзилгоҳлар, Учтут чакмоктош қонлари (А.Аскарлов, М.Косимов, У.Исломов ва Т.Мисоатов), Муминобод кабрисони (А.Аскарлов), самарқанд макони (Д.Н.Лев, М.Журакулов), Чуст жез даври қишлоғи харобаси (В.Спришевский), Далварзинтепа (Ю.А.Заднепровский), Холчаён (Г.А.Пуганчева) ва бошқа археологик обидаларда қенг қуламда қазилар олиб борди. Тупроққалъа, Варахша, Болаликтепа, Афросиёб, Кува подшоҳ саройлари ва ибодатхоналарининг урганилиши, Самарқанд ва Муг тоғида қадимги Сугд, Хоразмда хоразмий ёзувларининг топилиши Ўзбекистон маданиятининг юқори даражага қутарилганини қурсатади.

Ўзбекистон Ф.А Археология институтининг ташкил этилиши (1970) Ўзбекистонда археологик тадқиқотларни янада қенгайтиришга имқон берди. 70-80 йилларда институт жамоаси томонидан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида қенг қамровли археологик қузатув ва қазилар утқазилиб, утмишининг энг қадимги даври – тош асридан то сунгги урта асрларга мансуб қуплаб қодир ёдгорликлар топилди. Масалан Бухоро, Тошкент, Сурхандарё, Фаргона, самарқанд вилоятларида Тешиктош, Амир Темур, Омонқутон, Обираҳмат, Хужакент, Қапчиғай, Обишир, Қоратог, Хужамазғил (М.Косимов, У.Исломов, Н.Тошкентбоев, Р.Сулаймонов, М.Хужаназаров) қабил қадимги тош даври қор маконлари қамда Хоразм қулларида янги тош (неолит) ва жез даври маконлари (А.Виноградов, М.Итина) урганилиши диққатга сазовордир. Бу ёдгорликлардан топилган ашёвий материаллар Ўзбекистон тарихининг энг тарихининг энг қадимги даври манзарасини тиклашда асосий манба булиб қизмат қилди. Айниқса Ўзбекистоннинг жанубий туманларида қадимги дехқончилик маданиятига тегишли қуплаб ёдгорликларнинг Сополлетепа, Жарқўрғон, Қучуктепа, Миршоди) топилиши ва урганилиши (А.Аскарлов, Т.Ширинов, Ш.Шайдуллаев) қадимги Бактрия маданиятининг генезиси, таракқиёт босқичлари ва бу ерларда илк шаҳар маданиятининг шақилланиш қараёнини қузатиш имқонини берди. Махсус тадқиқотлар Самарқанд,

Бухоро, Тошкент, Сурхандарё, Кашкадарё, Хоразм вилоятлари ва Фаргона водийси, Коракалпогистон худудидаги қадимги шаҳарларни урганишга бағишланди. Айниқса қадимги шаҳарлар – Еркургон (Р.Сулаймонов, М. Исомиддинов), Канка (Ю.Буряков), Эски Термиз (Ш.Пидаев, Т.Аннаев), Далварзинтепа (Э.Ртвеладзе, Б.Тургунов), Шоштепа ва Октепа (М.Филанович), қадимги Бухоро ва Пойкенд (А.Мухаммаджонов, Ж.Мирзахмедов, Ш.Одилов), Ахсикат ва Поп (А.Анорбоев, Б. Матбобоев), Афросиёб (Х. Охунбобоев, М.Исомиддинов), Хива (М.Мамбетуллаев), Миздахкон (В.Ягодин) каби ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар самарали бўлди. Хоразм ва Зарафшон водийсида Я.Гуломов, Б.В. Андрианов, А.Р. Мухаммаджонов ва б.нинг қадимги ирригация ва дехқончилик воҳаларининг вужудга келиши жараёнларини урганиш борасида олиб борган археологик ва этнографик изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда Зарафшон водийси, Хоразм, Сурхандарё ва Сирдарё воҳалари ҳамда Фаргона водийсида олиб борилган Археологик ва антропологик изланишлар туфайли Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ерларида яшовчи аҳолининг асосий антропологик типларига бўлинганлиги уларнинг шакилланиш тарихини ёритиш имконини берди. Ўзбек этносининг ўзига хос хусусиятлари, туб этник элементларнинг уларга келиб қўшилган этнослар билан қоришиб кетиш жараёни кузатилди. Бу масалага ойдинлик киритишда Т.Хужамов, К.Шониёзов ва б., хиссаси салмоқли бўлди. Шу аснода А.фанинг турли давр ва йуналишлари бўйича илмий мактаблар таркиб топди. Уларга Я.Гуломов, С.П. Толстов, А.П. Окладников, М.Е. Массон ва Г.А. Пугаченкова каби олимлар асос солди. Ўйриқ асар ва рисолалар нашр этилди.

Мустамлака даврида Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон худудидан топилган энг нодир археологик топилмалар, кулёзма асарлар талон тарож этилиб Москва, Манк – Петербург, шунингдек бошқа хорижий мамлакатларга ташиб кетилди. Мас., машҳур Амударё хазинаси Лондондаги Британия музейига олиб кетилган.

Археологик изланишлар мақсади ва натижаларини ўзбек халқи тарихи билан боғлаш том маънода муваффақиятлик йилларидан бошланди.

Ўзбекистон А.си уз тадқиқотларнинг самараси билан жаҳон илмий даражасига кутарилди. Франция, Германия, Япония, Италия ва Польша билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Россия (Москва, Санкт- Петербург) олимлари билан илмий алоқалар мавжуд.

Қайд этилган маълумотлар орқали ҳам билса бўладики/ археологларимизнинг асосан ўлкамиз энг қадимги даврини ўрганиш борасидада амалга оширган ва ошираётган илмий изланишлари туфайли худудда маданий ривожланиш, давлатчилик ва шаҳарсозлик тарихининг илдизлари ўзоқ ўтмишга, ўзининг тадрижий ривожланиш жараёнларига эга эканлиги исботланмоқда.

Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар

- 1. Улкашуносликнинг кандай асосий манбалари бор?*
- 2. Улкашуносликда археология фанинг ахамияти кандай?*
- 3. В.Л.Вяткиннинг археология соҳасидаги тадқиқотлари хақида нима биласиз?*
- 4. Ўзбекистонда археологиянинг ривожланишига доир кандай*
- 5. Маълумотларга эгасиз?*

Таянч тушунчалари

“Моддий ёдгорликлар – инсон томонидан яратилиб бизгача сакланган бигиз, болта, такинчоклар каби ашёвий нарсалар.”

“Маданий катлам – утмишнинг маълум бир даврларига хос одамларнинг хаёт тарзи кечган жой”

III БОБ. ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ЭТНОГРАФИЯ

III.1-.. *Ўзбекистонда этнография фанининг ривожланиши*

1.1. *Этнография тушунчаси ҳақида.*

Этнография (этнос – халқ, грапто - ёзиш)- халқ ҳақидаги фан бўлиб, у халқни ўрганувчи, таърифловчи фан ёки халқшунослик фани деб ҳам юритилади. Бу фанини айрим вақтларда «Этнология» (лотин тилида “этнос – халқ, «логос»)- сўз, тушунча, фарклаш) деб ҳам аташган. Баъзи олимлар этнография билан этнология ўртасида маълум даражада чегара борлигини таъкидлайдилар. Баъзи олимлар эса буни инкор этадилар. Аксинча, бу икки фан ўртасида ҳеч қандай чегара йўқ, балки уларнинг бири иккинчисини тўлдирди, изохлайди.

Этнография дунё халқларнинг дунё халқларнинг маданиятини, маиший ҳаётини, келиб чиқиши (этногенези)ни, жойлашиши (этник географияси)ни ва маданият тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларни ўрганувчи фандир. Этнографиянинг таркибий қисмларидан бири бўлган. Тарихи эса йўқолиб кетган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараён, маиший турмуш ва маънавий маданият хусусиятларини тадқиқ қилади.

Этнография тарихи фанлар, айниқса, археология, антропология, география ва тилшунослик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, у ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маиший материалларидан ҳам фойдаланилади. Мана шу хусусиятлари билан этнография бошқа тарихий фанлардан фарқ қилади.

Инсон ақл – заковати ва қўли билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ҳам ўз навбатида иккига бўлинади. Транспорт, архитектура, иншоатлар, кийим–кечак, зеб–зийнат, қурол–яроғ, меҳнат қуроллари ва шу кабилар моддий маданият ташкил этади. Инсоннинг илмий фаолияти билан яратилган санъат, адабиёт, ёзма манбалар, фан, фалсафа, оилавий ҳаёт, диний маросимлар, диний эътиқодлар ва шу кабилар маънавий маданиятга киради.

Этнография фақат моддий маданий маданият ўртасидаги асосий фарқларнигина ўрганиб қолмай, балки улар орасидаги ўхшашлик ва умумий қонуниятларни ҳам ўрганади.

Бу қонуниятларни тадқиқ этиш эса инсониятнинг умумий тарихий тараққиётини қонунларини билиш имконини беради. Этнографлар олдида турган кенг ва хилма хил масалалар этнография фанини бошқа яқин фан соҳалари билан узвий боғлабгина қолмай, унинг ўзини ҳам бир қатор ихтисосларга бўлиб юборди. Булар ҳўжалик ва техника тарихи, халқ меъморчилиги ва тасвирий санъат, урф – одат ва маросимлар, оилавий тузум, кийим–кечак ва уй–рўзғор, ижтимоий ва маиший турмуш ихтисослари ва ҳақозолар. Лекин, одатда, этнография айрим қитъалар, мамлакатлар ёки халқларга қараб, масалан, Африка, Австралия, Америка, Европа, Ўрта Осиё халқларини ўрганиш, шунингдек, янада торроқ доирада

рус, украин, озарбайжон, тожик, ўзбек халқлари ва этнографияга оид гуруҳларни ўрганиш бўйича ихтисосларга бўлинади. Бундан тор ихтисосчилик асосида этнография фани турмуш йусинидаги ҳодисаларни бевосита кузатиш усулларига таяниб, инсоният тарихининг бевосита кузатиш усулларига таяниб, инсоният тарихининг ҳамма босқичлари—энг ибтидоий шакилларида то ҳозирги замондаги кўп қиррали, юнон маданиятли турмуш йусинларигача ўрганади.

Этнографик билимлар халқларнинг ғоят бой маданият меросидан фойдаланиш имкониятини беради. Этнографларнинг марказий вазибаларидан бири барча халқларга хос янги турмуш тарзининг умумий хусусиятларини ўрганишдан иборат. Ижтимоий ва оилавий турмушдаги янги прогрессив формаларни тадқиқ қилиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб, уни мустахкамлаётган ҳозирги шароитда унинг ўтмиш анъаналарини, наврўз сингари қадимий байрамларни нишонлаш жонажон ўлкамиз янги фуқаросини камол топтириш имконини беради.

Этнографик билимлар қадим замонлардан пайдо бўлган бўлсада, лекин мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида шакилланиб бўлди. Дастлаб, бу атамани XVI асрнинг охирида немис ёзувчиси И.Зуммер ишлатган, кейин эса XVIII асрнинг охирларида ва 1808 йилларда махсус журналлар шу ном билан чиқа бошлаган. Э. Суузи машхур француз табиатшуноси ва физиги Жан Жак Ампер таклифи билан Париж антропологлари конгрессида алоҳида фан сифатида қабул қилинган (1839.)

Этнография дастлаб фактик билимларни туплайди, кейин уларни тахлил этиш орқали мохиятини тушуниб олиб, назарий хулосалар чиқаради. Этнография фани, бошқа фанлар сингари узига хос махсус тадқиқот усуллари ва махсус атамаларга эга. Унинг услуби муайян дунёкараш ва назариялар (методология) билан боғлиқ, уз тадқиқотларини айрим фан сохалари антропология, археология, лентгвистика, социология, санъатшунослик билан алоқадор холда амалга оширади.

Мазкур фанларнинг узаро боғликлиги тупайли кейинги йилларда кушалок илмий сохалар ҳам юзага келди, мас, этник, антропология, палеография, этнолингвистика ва бошқалар. Ҳозирги даврда этник жараёнларни теран ва кенг миқёсда тадқиқ қилишда кейинги йилларда утказилаётган социологик тадқиқотлар яхши самара бермокда. Натижада — этносоциология, этнопсихология каби янги илмий сохалар юзага келиши муҳим ахамиятга эга. Бундан ташқари, табиий - географик шароитга қараб ёввойи усимликларни экиб устириш ёки ёввойи хайвонларни хонакиллаштириш, урчитиш каби узига хос тупмиш хусусиятларига эга элатларнинг хужалик хусусиятларини аниқлашда Этнография билан ҳамкорликда этноботаника ва этнозоология каби янги сохалар фаолият курсатмокда.

Халкларни урганишда Этнография фани нихоятда кенг ва хилма хил манбалардан ва усуллардан фойдаланади. Бир жойда узок яшаб, кузатиш йули билан утказилган тадқиқотлар энг самарали эканлигини машхур этнографлар (Л.Морган, Н.Н.Миклуха – Маклай, В.Г.Богороз) алохида кайд килганлар. Киска муддатда, айрим мавсумларда утказиладиган тадқиқот ишлари экспедитция усули булиб, хозир кенг таркалган ва у мавсумий усул дейилди.

Дала ишларида, асосан, ахборотчидан сухбат йули билан ёзма ёки магнитофон оркали маълумотлар туплаш, муайян маиший – маданий турмуш ходисалари, оила – никох муносабатлари ва маросимлари, халк сайиллари ва уйинларини кузатиш, уларда бевосита иштирок килиш ва уларни жиддий урганиш (ёзиш, чизиш, расмга олиш) каби усуллар кулланилади. Маънавий маданиятни тадқиқ килишда (айникса, айрим урф-одат ва маросимлар, халк уйинлари, ибодат, миллий рақслар) замонавий техника (фото, ведио ва киноапаратуралар) воситаларидан кенг фойдаланилади.

1.2. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида этнографик маълумотлар

Этнограф олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири – халкларнинг келиб чиқишини, улар ҳақидаги этнографияга оид маълумотларни туплаш, йиғиш, умумлаштириш ва тадқиқ килиш ҳамда шулар асосида илмий хулоса чиқаришдан иборатдир. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ булиб шакилланиши жуда ҳам мураккаб жараёни бошидан кечирган. Қуп вақтлардан бери тадқиқотчилар орасида ўзбек халқининг келиб чиқиши тугрисида ҳар хил, айрим ҳолларда чалқаш фикрлар ҳам ҳуқум суриб келмоқда. Ўзбеклар алохида этник бирлик (элат) булиб, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари – Моварауннаҳрда, Хоразмда, Еттисувда, қисман Шарқий Туркистоннинг гарбий минтакаларида шакилланган. Ўзбек халқининг асосини хозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан утрок яшаб, сугорма дехқончилик, ҳунармандчилик билан шугулланиб келган маҳаллий сугдийлар, бахтарийлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим чорвадор қанглилар, қучманчи сак – массагет каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек жанубий Сибирь, олтой Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларидан турли даврларда моварауннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам. Ўзбек этногенезида иштирок этганлиги тарихдан маълум.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижасида Амударё ва Сирдарё оралигида сунгги жез даврдаёқ номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жихатдан дастлабки аралашуви содир булганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, утрок ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон тарқиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига ҳос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Маълумки ми.ав3 асрда Сирдарёнинг Ўрта оқидамида туркий ва сугдийлар иттифоқи асосида Қанг давлати ташкил топган. Қанг давлати даврида Мовароуннаҳр ва унга туташ минтакалардаги

халкларнинг иктисодий сиёсий ва этномаданий алоқаларининг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик килиб, узига хос уйғунлашган маданият шакилланди. Кексалар давраси. Этнографик асарларда бу маданият Ковунчи маданияти номини олган. Антрополог олимларнинг таъкидлашларича айнан шу даврларга келиб, Ўрта Осиё икки дарё оралиги антропологик типи (киёфаси) тулик шакилланган (Помир фаргона ирки) Ўзбекистон этногенезида катнашган навбатдаги этник компонентлар кушонлар ҳамда мил 4-5 асрларда Ўрта Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига жанубий Сибирдан, Жунгориядан, Шаркий туркистондан силжиган хионийлар, кидарийлар ва эфталийлардир. Шунингдек, Ўзбекистон этногенезига фаол таъсир утказган туркий этник компонентлар асосан Турк хоконлиги (6-8 асрлар) даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхандарё вохалари, Фаргона водийси) ва хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир тарихий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият исми утроклашди. Турк хоконлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли Ўртасидаги этник маданий муносабатларнинг ривожини худуддаги этник жараёнлар тараққиётига катта таъсир утказди. Ушбу туркий катлам маданий ютуқларнинг маҳаллий маданий - хужалик анъаналари билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий – сугдий симбиозни хал килувчи боскичлардан бири булган. 8 асрда араб ва ажам (Араб булмаган яқин ва Ўрта Шарк) халкларининг Ўрта Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳоли этник таркиби маълум бир узгаришлар булган булса- да Моварауннахрдаги утрок ва яримутрок туркийзабон аҳоли сугдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси уз худудларида қолиб араблар (7-8 асрлар) ҳукумронлиги остида яшаганлар. Умуман олганда 9 асрдан бошлаб Моварауннахр минтақасида яхлит туркий этник катлам, жонли туркий тил мухити вужудга кела бошлади ва уз навбатида сугдийлар ва бошка маҳаллий этносларда ҳам туркийлашиш жараёни жадаллашган. Этнограф олим К.Шониёзовнинг қайд этишича 9-10 асрларда тигиз этногинетик жараён натижасида қуплаб туркий қабила ва элатларнинг утрок хаётга утиши жадал давом этган. Бу асрларда Сирдарёнинг шимолида Моварауннахр ва Хоразмда туркий этник катлам кучли этник асосга эга булган. Табиийки, бу кучли этник катлам асосининг аксарият қупчилигини утроклашган тургун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида (11-12 асрлар) Моварауннахр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулоларга утиши муносабати билан узбек халқи этногенезининг яқуний боскичи бошланди. Гарбий Қорахонийлар давлати доирасида ҳозирги Ўзбекистонга хос туркий этнос қарор топди ва мазкур даврда Узбек халқига хос туркий этнос қарор топди ва мазкур даврда узбек халқига хос элатни белгиловчи худуд, тил, маданият, тарихий қисматнинг умумийлиги, этник узликни англаш, этноснинг уюшқоклиги маълум бир давлат доирасида булиши, дин умумийлиги ва бир қанча шу қаби бошка этник аломатлар шакилланган. Бу даврда узбекларнинг умум

элат тили карор топди. Мовароуннахр ва унга туташган мсинтакаларда яшовчи туркийзабон ахоли: карлук, чигил, ягмо, тухси, халач, аргин, угуз, кипчок, уз, кангли сингари уруглар узларини бир халк сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, 11-12 асрнинг 1-ярмида Узбеклар халк сифатида шакилланган. 13 аср бошларида Чингизхон истилоси даврида мугул кушинлари таркибида куп сонли туркий этнослар хам кириб келди. 15 асрга кадар эса ушбу этносларнинг деярли куп кисмида махаллий ахоли билан аралашув жараёни содир булди ва улар шакилланган узбек элатининг кейинги тараккиётида маълум даражада из колдирдилар. Чигатой улуси тилининг ривожланиши хамда кейинчалик Амир темур ва темурийлар даврида юз берган юксак иктисодий ва маданий тараккиёт натижасида Мовароуннахрда адабий тил такомиллашиб, бу тил илмий адабиётларда “туркий” ёки “чигатой турк” тили деб номланган. Айникса, тараккий этган узбек адабий тили Алишер Навоий даврида энг юкори нуктага кутарилди. Аммо халкнинг жонли тили куп диалектли булиб, адабий тил шакилланишида учта асосий шева - карлук, кипчок ва угуз диалектлари асос булган. Маълумки, шакилланган узбек элатининг Амир Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараккиётига барлос, жалойир, кавчин, арлот, кипчок каби этник гурухлар хам фаол таъсир килган. Узбек этник тарихида 15 асрда 16 асрлар хам мухим давр хисобланади. Ушбу боскичда Ўрта Осиёга мангит, кунгирот, найман, уйгур, сарой, катагон, кушчи, дурмон, кенагас, кирк, юз, минг, бахрин ва бошка Дашти кипчок этник гурухларининг навбатдаги тулкини кириб келди. Натижада Мовароуннахр ахолисининг этник кифасида уларнинг аломатлари фаолашган. Дашти Кипчокдан 2 дарё (Амударё, сирдарё) оралиги ва Хоразмга келиб урнашган этник гурухлар “узбек” номи остида махаллий ахоли этник ранг баранглигини бирмунча купайтирган булсалар хамки, лекин унинг этник таркибини тубдан узгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шакилланган узбек халкининг таркибига келиб кушилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннахр ва Хоразм ахолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хужалик фаолиятига сезиларли таъсир курсатган янги типдаги маданий катлам хосил килган. Айникса, Зарафшон, водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтакалари ахолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Махаллий ахолига улар “узбек” номини беришган ва бу ном Мовароуннахр ва унга кушни вилоятларга ахолиси учун расмий равишда умумий ном булиб колган. Уз уринда айтиб утиш лозимки, узбек этнонимининг келиб чиқиши буйича фанда якдил фикир мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Г.Вамбери, Г.Ховорс, М.П.Пельо) Дашти Кипчокда кучиб юрган турк мугул кабилаларининг бир кисми узларини эркин утганликлари сабабли “узбек” яъни “уз- узига бек” деб атаган десалар, бошкалар (П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хукхэм) “узбек” этнонимини Олтин Урда хони Узбекхон (14 аср) номи билан боғлайди, бошка яна бир гурух олимлар эса (В.В. Григорьев, А.А. Семёнов ва Б.Ахмедовлар) узбек номи Ок Урда (Дашти Кипчокнинг шаркий кисми) кучиб юрган турк мугул кабилаларига таалукли булган деган фикирни

билдирадлар. Темурийлар салтанати урнида дастлаб 16 аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари (к. Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги), 18 аср бошларидан Кукон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халклар сиёсий жихатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб колган булса-да, бу холат узбек элати бирлигига жиддий путур етказа олмаган. Сиёсий чегаралар булишига карамасдан 3 давлат таркибига ахоли узаро доимий этник, иктисодий ва маданий алокада булиб келганлар. Тарихий манбаларда келтирилган 92 узбек уруглари нафақат Ўзбекистон худудида, балки бутун Ўрта Осиё худудларида тарқалган. Бу 92 узбек уругларига мугуллар истилосидан олдинги ва истило даврида ҳамда шайбонийлар даврида келган этник гурухлар ҳам киради. Шунингдек, Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган чигил, ягмо,, усун, тухси, халач ва бошка туркий этник гурухлар ҳам 92 узбек элати таркибига кирган. Ўрта осие халқларининг 19 аср 2 ярми – 20 аср бошларидаги тарихий тақдири ва тараккиёт босқичлари чор россиянинг мустамлакачилиги даври билан боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет хокимиятининг урнатилиши билан Ўрта Осиёда миллий худудий чегараланиш утказилиб, 5 та миллий республикалар тағкил этилди. Шу билан шақилланган элатлар тараккий этаётган тарихий макон сунъий равишда булиб юборилди. Минтақа халқларнинг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир утказилиши ва кейинчалик “Сове халқ” номли ягона этник бирликни яратиш хақидаги назарияни амалга оширилиши борасидаги олиб борилган сиёсат ҳам Узбекларнинг миллий этник киёфасига, минталитетига рахна сола олмади.

Узбек халқининг ривожланиши жараёни Ўзбекистон мустақилликга эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этди. Тарихий томирларидан куч олган узбек миллий маданияти, тафаккури, урф одатлари, турмуш тарзи узига хос уйғониш ва янгиланиш палласига қадам куйди.

Узбеклар – халқ, Ўзбекистон Республикаси ахолисининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон нафақат Ўзбекистон балки Ўрта Осиёдаги энг куп сонли халқдир. Ўзбекистонда (20млн 800 минг киши, 2005), Тожикистонда (1,2 млндан зиёд), Киргизистонда (550-600 минг киши), Козогистонда (320-330) минг киши, Туркменистонда 320-330 минг киши яшайди. Бундан ташқари, Авғонистонда 2,5 млн дан – 4 млн гача, Рфда (Тахминан 123минг киши, 2002), Сауди Арабистонда (550-600 минг киши,) (ХХРда 13,7 минг киши, 1998 киши), Туркия, Германия, АКШда ҳам Узбеклар яшайди. Узбекларнинг умумий сони 25 млндан ортик (2000минг) Узбеклар узбек тилида сузлашадилар диндорлари сунний мусулмонлар.

1.3.Ўзбекистонда этнография фанининг ривожланиши

Ўзбекистонда этнография фани Ўзбекистон худудида истикомат қилган қабила ва элатлар тугрисида энг қадимий этнографик маълумотлар илк ёзма манбаларда, юнон ва рим муаллифлари Гикатей, Страбон, Геродот, Арриан, Птоломей ва Ктесий, сицилиялик Диодор, Помпей Трог, Тацит асарларида учрайди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги аждодлари ва

уларнинг турмуш тарзи, урф одат ва маросимлар тугрисида кимматли маълумотларни зардуштийлик дининг муаддас китоби “Авесто” да ҳам куриш мумкин. Мил.ав. 6-1 асрларда араб истилосигача Ўрта Осиё халқларига тегишли маълумотларни кадимги ахмлнийлар даврига оид қоя тош битикларида, парфиёний, сугдий, хоразмий, бахтрий ёзма ёдгорликларида, хитой сайёхномаларида, сосонийлар Эронининг Ўрта форсий - пахлавий тилдаги ёдгорликларида, арман тилидаги манбаларда, кадимги. Туркий ёзма ёдгорликларда учратамиз.

Илк Ўрта аср (9-12 а-лар) муаллифлари географ ва сайёхлар Ибн Хурдодбех, ал- Балхий, Истахрий, Ибн Ховкал, Маъсудий, Ёқуд Хамавийлар уз сайёхатномаларида Шарк халқлари Этнографияси буйича кимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Халқ оғзаки ижоди намуналари булган “Дада- Куркут”, “Алпомиш”, “Манас”, “Гуругли” дostonлари тарихий ва этнографик жихатдан ниҳоятда муҳим манбалардир. Муҳаммад Хоразмийнинг “Сурат ал-Аарз”, Абу Райхон Берунийнинг “Конуни Маъсудий”, “Амударё тарихи”, Махмуд Кашгарийнинг “Девони луготит турк”, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарлари Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон шаҳарлари, уларнинг тарихи, табиий-географик шароитга, этнотопонимияси, айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий- сиёсий ҳаёти, маиший турмуши ва маданиятининг баъзи жихатлари, диний эътиқодларига оид ноёб маълумотлар мужассамлашганлиги билан муҳим илмий аҳамиятга эга.

Амир Темур ва унинг ворислари ҳуқумронлик қилган даврда яшаган сарой тарихчилари ва солномачилари, жумладан, Хофиз Абурунинг “Зубдат ут- таворих” (“Тарихлар қаймоғи”), Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Хусайн Кубравий, Али қушчи ва бошқаларнинг асарларида шу даврга оид этнографик маълумотларни учратиш мумкин.

Шунингдек, испан элчиси рюи Гонзалес де қлавихонинг асарида, рус солномаларида, машхур сайёх Марко Полонинг сайёхатномасида ҳам муҳим маълумотлар жамланган.

Бобурнинг “Бобурнома” асарида мовароуннаҳр ва қушни мамлакатларда яшаган элатларнинг этник таркиби ва тарихи, урф одати ва маросимлари маданияти ва маиший турмуши ҳақида, Гулбадамбегимнинг “Хумоюн- нома” номли тарихий – биографик асарида Тошкент ва Андижондан то қашқар ва Хинд океани буйларидаги қандай шаҳарлар, вилоятлар борлиги, уларнинг аҳолиси ҳақида маълумотлар қелтирилаг. Ўрта асрлар илмий мероси булган Хофиз Таниш ал- Бухорийнинг “Абдуллонома” (“Шарафномаи шохий”), Маъсуд ибн Қухистоннинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Камоллид Биноийнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ Рузбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Абдулғозий Баходирхоннинг “Шажараи Турк” қаби асарларида кимматли тарихий – этнографик маълумотлар бор.

16-17 асрларда Бухоро, Хива ва қукон хонлиқларининг вужудга қелиши ва Россия давлати билан мунтазам савдо ва дипломатик муносабатлари

урнатилиши натижасида рус элчиларининг узбек хонликларига килган сафарлари жараёнида тупланган материалларида ҳам этнография маълумотлар мавжуд булиб, улар маълум илмий эгадир.

Туркистон улкасини жадал этнографияни урганиш улкани мустамлака килиш максоди билан боғлиқ булиб, узбек халқи этнографиясига оид илмий ахамиятга эга материаллар туплаш даври 19 асрдан бошланди.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, узбекларни этнографик жихатдан урганиш йулида 1872 йиллар Москвада очилган политехника кургазмаси муносабати билан тайёрланадиган “Туркистон альбоми”, шунингдек, рус география жамиятининг туркистон булими, Тиббиёт, антропология ва этнография хаваскорлари жамиятининг Туркистон булими, Туркистон археология хаваскорлари тугараги, Туркистон кишлок хужалик жамияти, Хомутов тугараги, Ўрта осий олимлари жамияти, рус техника жамиятининг Туркистон булими, Шаркшунослик жамиятининг Тошкент булимининг роли катта булди.

19 аср охири 20 аср бошларида этнографик билимларининг ривожини улкада фаолият курсатган рус шаркшунос, тарихчи, этнограф олимлари, сайёхлари ва давлат арбоблари В.В.радлов, В.В.бартольд, М.С. Андреев, А.А.Диваев, В.Л.Вяткин, Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошин, Н.Г.Маллицкий, эр хотин Наливкинлар, И.И.умняков, А.А.Семёнов, Е.Д. Паливановлар номи билан боғлиқдир. Улар амалга оширган ишлар мустамлакачиликга хизмат килган булса- да, тупланган катта этнографик материаллар 19 аср охири 20 аср бошларидаги Туркистон хаёт тарзини тавсифлашда мухим илмий ахамиятга эга.

1918 йилда Туркистон халқ университетиде узбеклар этнографияси буйича махсус курс киритилиб, бу мавзу буйича маърузулар уқитила бошланди.

1920-30 йиллар Ўзбекистонда этнография илмининг вужудга келиш, ташкилий, таркибий шаклланиш даври булди. 1930 йиллар охири махаллий аҳоли орасидан етишиб чиккан мутахассислар Г.Алимов, М. Бикжанова, А.Болтаев. Я.Гуломов, Ш.иногомов. Т.Миргийёсов М.Саиджонов, Х..Хусанбоев, К.Юсупов ва бошқалар. Ўзбекистонда музей иши йулга куйиш ва ривожлантириш музейларда этнографик коллекциялари кургазма куйишга тайёрлаш буйича мухим ишларни амалга оширишди.

1943 йил 4 ноябрда Уз.ФА Тил, адабиёт ва тарих институти асосида Тарих ва археология институти ташкил этилиб, унинг таркибиде 6 булим, шу жумладан академик. М.Андреев рахбариятидаги 3 булими ҳам бор эди. Булим республикада этнографик тадқиқотларнинг етакчи маркази булиб колди.

Хоразм археология - этнография экспедициясининг ташкил этилиши ва фаолият олиб бориши (рахбарлари С.Тольстов, Т.Жданко) Ўзбекистонда этнография фанинг ривожланишида мухим боскич булди. Хоразм экспедицияси мобайнида коракалпоқлар этнографиясининг махсус урганилганлиги, Коракалпоғистонда этнографик фикирларнинг шаклланиши учун асос булди.

1960-80 йилларда ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқларининг этногенез ва этник тарихи буйича фаол тадқиқотлар олиб борилди (В.П.Алексеев, А.А.аскаров, О.Сухарева, Т.К.Ходжаев ва бошқалар) ўзбеклар этник тарихини урганиш бевосита акад. К.Шониёзов номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон халқлари фольклори, Ўзбекистон декоратив ва амалий санъатининг турли соҳалари, халқ мусиқаси, театри, рақс санъати, кийимлари, анъанавий халқ таомлари, кишиларнинг маънавий ва моддий ҳаётни ўрганиши этнографик манбалардан бири сифатида этнографиянинг диққат марказида бўлади. 1960 йил, айниқса 1980 йиллар Ўзбекистон этнография фани учун аввалги тарихшунослик даврига нисбатан ғоят сермахсул, айти вақтда, зиддиятли кечди. Бу зиддиятлар этнографиянинг долзарб масалаларини белгилаш ва ишлаб чиқишда, сиёсий шароитга оғишмай ва сўзсиз амал қилишда; монографик ва умумлаштирувчи тадқиқотларда уларнинг таҳлилий-танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқилмаганлигида; катта кўламдаги илмий тадқиқот ишларнинг этнос хўжалик амалиёти ва маданий ҳаёти вазифаларига мос келганида намоён бўлди.

III.2.-. Мустақиллик ва ўзбек халқи этнографияси

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан Республикамизда этнография фани янги сифат босқичига ўтди.

Ўзбекистон этнография фанининг илмий тадқиқот услублари, назарий асослари ривожланиш устиворликлари ва иқболларини аниқловчи тадқиқотлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи анъанавий маданиятини ўрганишда «европацентризм» нуқтаи назаридан ёндошишга, қатор ижтимоий интилиш ва ҳодисаларга «ўтмиш сарқити» деб қарашга чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш» ҳақидаги қарори (1998 йил 27 июль) тарих фани ва унинг қисми этнографиянинг вазифаларини мазмун-моҳият жиҳатдан тубдан ўзгартирди. Ўзбек халқининг этногези, этник тарих муаммоларини, ўзбек этномаданий жараёнларини янгича мушоҳада қилиш, холисона ёритиш имкони пайдо бўлиб, ушбу мавзу этнографик тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Бу йўналишни тадқиқ этишда академик К.Шониёзовнинг асарлари («Қарлуқ давлати ва қарлуқлар», 1999 йил «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» 2001 йил) муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. 1990 йилларда К.Шониёзовнинг илмий раҳбарлиги остида тарихий этнография муаммоларини (А.Аширов, У.Абдуллаев), Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмуш анъаналарини (С.Соатова, М.Ўроқов, В.Ҳақлиев, С.Шарипов) тадқиқ қилувчи олимлар гуруҳи шаклланди. Этнография Фарғона (С.Абдуллаев, С.Губаева), Бухоро (А.Жумаев, М.Қурбонова), Сурхандарё, Қашқадарё вилоятлари (С.Турсунов, А.Қаюмов, О.Бўриев, К.Насриддинов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг (Т.Есбергенова, Р.Комолов, Н.Тлеубергенов) минтақавий ўзига хос

ёритувчи тарихий – этнографик ва этнографик – социологик махсус тадқиқотлари вужудга келди.

З.Орифхонова, Г.Зуннунова, М.Қамаритдинова каби олимларнинг маҳалланинг ўтмиши ва бугунини, ҳозирда ўз-ўзини бошқариш органи сифатида аҳамиятини ўрганишга бағишланган этнографик экспедициялари, этносоциологик тадқиқотлари натижалари асосида махсус асарлар нашр этилди. Олий ўқув юртлари учун этнография фанидан махсус дарслик (И.Жабборов «Ўзбек халқи этнографияси», Т., 1994), ўқитиш услуги кўлланмалари (О.Бўриев, Б.Исохов) этнология атамалари луғати (О.Бўриев) чоп этилди.

Ўзбекистонда этнография фанининг шаклланиши, ривожи динамикаси, тарихшунослиги муаммолари махсус тадқиқот мавзуси бўлди (А.Дониёров ва Д.Ҳошимова). бугунги кунда мамлакатимиз илмий муассасаларида этнография фанининг долзарб муаммолари тадқиқ қилинмоқда. 2000-2001 йилларда Термиз ва Қаршида этнографик тадқиқотлар маркази ташкил этилди. Ўзбекистон ФА Тарих институти этнология бўлими бу тадқиқотлар йўналишини белгилаш ва мувофиқлаштириш вазифасини бажариб келмоқда.

2.1. Ўзбек халқи тўғрисида этнографик маълумотлар

Этнограф олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири – халқларнинг келиб чиқиши, улар ҳақидаги этнографияга оид маълумотларни тўплаш, йиғиш, умумлаштириш ва тадқиқ қилиш ҳамда шулар асосида илмий хулоса чиқаришдан иборатдир. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ бўлиб шаклланиши жуда ҳам мураккаб жараёни бошидан кечирган. Кўп вақтлардан бери тадқиқотчилар орасида ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил, айрим ҳолларда чалқаш фикрлар ҳам ҳукм суриб келмоқда.

Ўзбекистон алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб, Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари – Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Еттисувда қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўртоқ яшаб, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган маҳаллий суғдийлар, бахтарийлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим чорвадор, қанғлилар сак-масагет каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам Ўзбекистон этнонегизида иштирок этганлиги тарихдан маълум.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик ва антропологик тадқиқотлар натижасида Амударё ва Сирдарё сўнгги жез давридаёқ юқорида номлари зикр этилган қабила ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви содир бўлганлиги ва ассимиляция жараёни натижасида антик даврга келиб, ўртоқ ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон таркиб топганлиги ҳамда ўзбек халқига хос антропологик типнинг макон ва замони аниқланган. Маълумки, мил. Ав. 3- ва суғдийлар иттифоқи

асосида Қанғ давлат ташкил топган эди. Қанғ давлати даврида Мовароуннахр ва унга туташ минтақалардаги иқтисодий сиёсий ва этномаданий алоқаларининг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон қилиб, ўзига хос уйғунлашган маданият шаклланди.

Антропологик олимларнинг таъкидлашича айнан шу даврларга келиб, Ўрта Осиё икки дарё оралиғи антропологик типи (қиёфаси) тўлиқ шаклланган (қадим Помир – Фарғона ирқи). Ўзбекистон этнонегизида қатнашган навбатдаги этник компонентлар кушонлар ҳамда мил. IV-V асрларда Осиёнинг марказий вилоятларига Жанубий Сибирдан, Жонғориядан, Шарқий Туркистондан силжиган хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар. Шунингдек, Ўзбекистон этнонегизида фаол таъсир ўтказган туркий этник компонентлар асосан, Турк ҳаққонлиги (VI-VIII асрлар) даврида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхандарё воҳалари, Фарғона водийси) ва Хоразмга келиб жойлашиб, маълум бир туркий давр мобайнида, бу этник компонентнинг аксарият қисми ўртоқлашди. Турк ҳаққонлиги даврида кириб келган туркий компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этник-маданий муносабатларнинг ривожини ҳудудидаги этник жараёнлар тараққиётига таъсир ўтказди. Ушбу туркий қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий, маданий-хўжалик анъаналари билан жадал уйғунлашуви юз берди. Бу давр туркий – суғдий симбиозни ҳам қилувчи босқичлардан бири бўлган.

VIII асрдан араб ва ажам (араб бўлмаган яқин ва ўрта Шарқ) халқларининг Ўрта Осиёга кириб келиши минтақадаги этник жараёнларга катта таъсир этмаган. Бу даврда аҳвол этник таркибида маълум бир ўзгаришлар бўлган бўлса-да. Мовароуннахрдаги ўртоқ ва яримўртоқ туркийзабон аҳоли, суғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида қолиб, араблар (VII-VIII асрлар) ҳукмронлиги остида яшаганлар.

Умуман олганда IX асрдан бошлаб Мовароуннахр минтақасида яхлит туркий қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга кела бошлади ва ўз навбатида, суғдийлар ва бошқа маҳаллий этнослар ҳам туркийлашиш жараёни жадваллашган. Этнограф олим К.Шониёзовнинг қайд этишича, IX-X асрларда тифиз этногенетик жараён натижасида кўплаб туркий қабила ва элатларнинг ўртоқ ҳаётга ўтиши жадал давом этган. Бу асрларда Сирдарёнинг шимолида Мовароуннахр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлган. Табиийки, бу кучли этник қатлам асосининг аксарият кўпчилигини ўртоқлашган турғун туркий этнослар ташкил қилган.

Қорахонийлар даврида (XI-XII асрлар) Мовароуннахр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати билан ўзбек халқи этногенезининг якуний босқичи бошланди. Ўзбекистонда Қорахонийлар давлати доирасида ҳозирги Ўзбекистонга хос туркий этнос қарор топди ва мазкур даврда ўзбек халқига хос элатни белгиловчи ҳудуд, тил, маданият, тарихий қисматининг умумийлиги, этник англаш, этноснинг уюшқоқлиги маълум бир давлат доирасида бўлиши, бин умумийлиги ва бир қанча шу каби бошқа этник аломатлар шаклланди. Бу даврда Ўзбекистоннинг умум элат тили

қарор топди. Мовароуннахр ва унга туташган минтақаларда яшовчи туркийзабон аҳоли: қарлуқ, чигил, яғмо, тухси, халач, арғин, ўғуз, қипчоқ, уз, қанғли сингари уруғлар ўзларини бир халқ сифатида англай бошлаганлар. Умуман олганда, XI-XII асрларнинг 1-ярмида ўзбеклар халқ сифатида шаклланган.

XIII аср бошларида Чингизхон истилоси даврида мўғул қўшинлари таркибида кўп сонли туркий этнослар ҳам кириб келди. XV асрга қадар эса ушбу этносларнинг деярли кўп қисмида маҳаллий аҳоли билан аралашув жараёни содир бўлди ва улар шаклланган ўзбек элатларининг кейинги тараққиётида маълум даражада из қолдирдилар.

Чиғатой улуси тилининг ривожланиши ҳамда кейинчалик Амир Темур ва темурийлар даврида юз берган юксак иқтисодий ва маданий тараққиёт натижасида Мовароуннахрда адабий тил такомиллашиб, бу тил илмий адабиётларда «туркий» ёки «чиғатой турк» тили деб номланган. Айниқса, тараққий этган ўзбек адабий или Алишер Навоий даврида энг юқори нуқтага кўтарилди. Аммо халқнинг жонли тили кўп диалектик бўлиб, адабий тил шаклланишида учта асосий шева - қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз диалектикалари асос бўлган. Маълумки, шаклланган ўзбек элатининг Амир Темур ва темурийлар давридаги этник тарихи ва этномаданий тараққиётига барлос, жалойир, қавчин, арлод, қипчоқ каби этник гуруҳлар ҳам фаол таъсир қилган.

Ўзбекистон этник тарихида XV аср охири XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, катағон қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ юз минг бахрин ва бошқа дашти қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келди. Натижада Мовароуннахр аҳолисининг этник қиёфасида уларнинг аломатлари фаоллашган. Дашти қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиги ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳлар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг-баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳамки, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди холос. Улар Мовароуннахр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий қатлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар «ўзбек» номини беришган ва бу ном Мовароуннахр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган. Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Г.Вамбери, Г.Ховарс, М.П.Пельо) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли «ўзбек» яъни «ўз-ўзига бек» деб аталган десалар, бошқалар (П.П.Иванов, А.Ю.Якубовский, Хилда Хуккэм) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (XIV аср) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (В.В.Григорьев, А.А.Семёнов ва Б.Аҳмедовлар) ўзбек номи Оқ

Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк-мўғул кабилаларига таалукли бўлган деган фикрни билдирадilar.

Темурийлар салтанати ўрнида дастлаб XVI аср бошларида вужудга келган Бухоро ва Хива хонликлари (қадимий Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги), XVIII аср бошларидан Қўқон хонлигининг вужудга келиши натижасида ягона тарихий маконда яшаган халқлар сиёсий жиҳатдан турли давлатлар тасарруфига тушиб қолган бўлса-да, бу ҳолат ўзбек элати бирлигига жиддий путур етказа олмаган. Сиёсий чегаралар бўлишига қарамасдан 3 давлат таркибидаги аҳоли ўзаро доимий этник, иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар.

Тарихий манбаларда келтирилган 92 ўзбек уруғлари нафақат Ўзбекистон худудида, балки бутун Ўрта Осиё худудларида тарқалган. Бу 92 ўзбек уруғларига мўғуллар истилосидан олдинги даврида ҳамда шайбонийлар даврида келган этник гуруҳлар ҳам киради. Шунингдек, Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келаётган чигил, яғмо, тухси, халач ва бошқалар туркий этник гуруҳлар ҳам 92 ўзбек элати таркибига кирган.

Ўрта Осиё халқларининг XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларидаги тарихий тақдирлари ва тараққиёт босқичлари чор Россиясининг мустамлакачилиги даври билан боғлиқ. Кейинчалик минтақада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, 5 та миллий республикалар ташкил этилди. Шу билан шаклланган элатлар тараққий этаётган тарихий макон сунъий равишда бўлиб юборилди. Минтақа халқларининг ассимиляция, консолидация жараёнларига жиддий таъсир ўтказилиши ва кейинчалик «совет халқи» номли ягона этник бирликни яратиш ҳақидаги назарияни амалга оширилиши борасидаги олиб борилган сиёсат ҳам Ўзбекистоннинг миллий-этник киёфасига, менталитетига раҳна сола олмади.

Ўзбек халқининг ривожланиш жараёни Ўзбекистон мустақилликка эришган санадан бошлаб янгича мазмун касб этади. Тарихий томирларидан куч олган ўзбек миллий маданияти, тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи ўзига хос уйғониш ва янгилиниш палласига қадам қўйди.

Ўзбеклар – халқ, Ўзбекистон республикаси аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистон балки, Ўрта осиедаги энг кўп сонли халқдир. Ўзбекистонда (20 млн. 800 минг киши, 2005), Тожикистонда (1,2 млн.дан зиёд), Қирғизистонда (550-600 минг киши), Қозоғистонда (320-330 минг киши), Туркманистонда (320-330 минг киши) яшайди. Бундан ташқари Афғонистонда (2,5 млн.дан 4 млн.гача), РФда (тахминан 123 минг киши 2002), Саудия Арабистонида (550-600 минг киши), ХХР.да (13,7 минг киши 1998), Туркий, Германия, АҚШ.да ҳам ўзбеклар яшайди. Ўзбекларнинг умумий сони 25 млн.дан ортиқ (2000). Ўзбеклар ўзбек тилида сўзлашадilar. Диндорлари – сунъий мусулмонлар.

4. Узбек халкининг урф одатлари анъаналари хакида.

Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданияти узига хос ва бойдир. Унинг энг яхши томонлари анънага айланиб, хозиргача сакланиб келмоқда. Унинг кадимги аجدодлари табиий шароитдан келиб чикиб сугорма дехкончилик, чорвачилик, хунармандчилик каби узига хос хужалик маданий типларни яратганлар. Хужалик – маданий типларнинг ушбу йуналишлари, уз навбатида, теварак – атрофдаги табиий мухит билангана эмас, балки муайян этносларнинг ижтимоий – иктисодий риводи даражаси билан белгиланди. Узбекларнинг купкиррали дехкончилик анъаналари асрлар оша тупланган тажрибага таянади. Дехкончилик – Узбекларнинг кадимги машхулотларидан биридир. Минг йиллар давомида дехкончилик хужалигини юритиш борасида куплаб тажриба ва усуллар хамда фенологик (усимликлар ва хайвонот дунёсидаги мавсумий узгаришлар) кузатишлар тупланган. Дехкончилик борасидаги тажрибалари узликсиз холда аждодлардан авлодларга утиб борди. Ёгингарчиликнинг кам булиши, иссик хаво иклим Ўзбекистон худудида мураккаб сугориш тизими воситасида махсулдор дехкончиликнинг кенг таркалишига олиб келди. Илмий тадқиқотлардан куринадики, сугорма дехкончилик мил.ав. 3 асрда Хоразм, Зарафшон вохалари хамда Фаргона магистрал каналлар куриш, хар хил сув боглаш, таксимлаш ва сув чикариш иншоатларини барпо килиш оркали ривожланган. Узбек дехконлари арпа, бугдой, тарик, нухат, ясмик, сабзи, пахта, бодом, урик, зигирпоя, бугдой каби зироатчилик махсулларини кадимданок етиштирганлар. Сугорма дехкончилик хужаликлари асосан кадимги вахоларда Хоразм, Бухора, Самарканд, Тошкент вохаларида, Қашқадарё ва Сурхандарё хавзаларида, Фаргона водийсида жойлашган. Тошкент вохаси, Фаргона ва Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхандарё тоғ этаги минтакасида асосан бахорги экинлар етиштирилган. Махаллий дехконлар маданий этниканъаналар асосида далачилик, полизчилик ва богдорчилик сохаларида турли усул ва йулларни ишлаб чикканлар. Куп асрлар давомида турли чорвадор этник гурухларнинг утроклашуви натижасида улар махаллий ахолидан дехкончилик тажрибаларини узлаштирдилар ва узларининг этник ва маданий хужалик хусусиятлари билан узига хос тарзда дехкончилик билан шугулланганлар. Шу аснода дехкончиликнинг 2 турини ажратиб курсатиш мумкин: сунъий сугоришга асосланган интенсив дехкончилик хужалиги; асосан, чорвачилик билан кушиб олиб борилувчи экстенсив лалмикор дехкончилик хужалиги. Узбеклар хужалик фаолиятининг асосий ва кадимги турларидан бири чорвачиликдир. Бошка минтакалар ахолисининг чорвачилиги билан купгина ухшаш жихатлари булсада, узбек этник гурухларининг хар бирида уй хайвонларини бокишда узига хос усул ва жихатлари булган. Шу билан биргаликда, хатто бир элат истикомат киладиган худудда хам чорвачилик хужалигини юритишдаги табиий географик шароитлардан келиб чикиб хамда кушни халкларнинг таъсири ёки ижтимоий сабаблар натижасида хилма – хил усуллардан фойдаланганлар. Одатда утрок ахолида чорва бокиш кура ёки кура яйлов тизими, ярим утрок ахолида хайдов – яйлов тизими,

кучманчи ахолида хайдов тизими турган. Ўзбеклар учун 20 аср бошларига қадар чорвачиликнинг кура – яйлов тизими устувор бўлган. Куй эчки ва бошқа чорва моллари чорвачилик хужалигинг асосини ташкил қилган. Ўзбек чорвачилигида куйларнинг “хисори”, “қоракул” насилларини боқишга айниқса куп эътибор қаратилган. Куйчилик асосан сотишга мулжалланган. Куй жуни ҳам бозорга чиқарилган. Жайдари қорамоллардан хуқиз алоҳида гушт учун ва иш кучи сифатида парвариш қилинган.

Ўзбекистонда қадимги даврлардан йилкичилик жуда ривожланган. Маҳаллий аҳоли айниқса лақай, қорабайрлар зотли отларни парвариш қилганлар. Дашт зонасида яшовчи ўзбеклар туячилик билан ҳам шугулланишган. Хунармандчилик ўзбеклар орасида қадимдан кенг ривожланганлиги археологик тадқиқотлар маълум. Хунармандчиликнинг ривожини шаҳарларнинг нафакат иқтисодий ва ижтимоий балки сиёсий ва маданий марказларга айлана бошаганлиги билан ҳамма бўлиб билимдир. Ўзбек хунармандлари куплаб тери ва жундан ёғоч ва металдан, хилма хил буюмлар ясаб пахта ва ипақдан турли матолар туқиб, кейим кечакларни бозорларда сотишган. Ўзбек хунармандчилигининг темирчилик, деғризлиқ, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, арапвасозлик, ёғоч уймақорлиги, ганчкорлик, марма уймақорлиги, қулоччилик қаби кенг тарқалган тармоқлари ҳамда туқимачилиқ, ипақчилик, каштадузлиқ, зардузлиқ, дуппидузлиқ қаби уй рузгор қасбкорликлари тараккий этган. Ўзбекларнинг анъанавий турар жойлари қадимдан узига хос бўлиб, улар яшаган минтаканинг табиий географик шароити билан билим . турар жойлар барпо этишда қурилиш конструкцияси ва услуби, режаси ва безаклари билан Фарғона, Бухоро, Хива ва шаҳрисабз меъморлик йуналишлари машҳур бўлиб келган. Уй жой қурилишида Ўзбекистонда қадимий уйлар, одатда куча ва қушни томони девор билан уралган ховлилардан иборат бўлган. Барча турар жой ва хужалиқ хоналарининг деразалари ичкари томонга қаратилган. Ховли 2 қисмга – балалар ва аёллар учун ичкари ховли ҳамда номаҳрам эрқаклар ва меҳмонлар учун меҳмонхона тарзида хашаматли хоналардан иборат ташқари ховлига бўлинган. Хунармандларнинг уйларида дукон ва шогирдлар яшайдиган хоналар ҳам ташқарида жойлашган. Энг куп тарқалган 2 хонали уй вариантларидан бири сифатида дахлиз ва катта уйдан иборат бўлган уйларни қурсатиш мумкин. Бундай уй жойлар одатда олди айвонли ва айвонсиз қилиб қурилган. Аҳоли Ўртасида анъанавий паҳса ва синчли уйлар билан бирга гиштли уйлар ва уларни нақшинкор ганчли безаклар билан қуриш ҳам маъжуд бўлган. Ўзбекистонда доимий уй жойлар 10 асрга қадар, асосан, тош, паҳса ёки хом гишдан қурилган. Лой асосий қурилиш материали ҳисобланган. Пишган гишт қадимдан қулланилиб келинсада кенг миқёсда ундан уй жой қуриш 9 асрдан бошланди. Бухоро ва Хивада ховли эшикларига жез ёки темирдан ясалган болга ёки халқасимон болдоқ осилган. Эски типдаги уйларнинг хоналари ва деразалари айвонга қараган. Эшиклар ичкарига, дарчалар ташқарига очилган. Дераза ёки эшикнинг юқори қисмига ёруғлик тушадиган туйнук

куйилган ваунга ёгоч ёки ганчдан ясалган панжара урнатилган (к.тободон). Уйга кирадиган жойда эшик олдида тугри бурчакли пешток (пойтак) булиб унга пойабзал ечиб куйилган. Эшик олдидаги бурчакда сув куйиладиган (окизадиган) махсус жой (обрез, адан, ташноб) жойлашган булиб, унга Бухоро ва Самаркандда мармар тош. Фаргона водийсида ва Тошкентда пишлок гишт, Хивада махсус сопол терилган.

Одатда уйларининг тархи оила аъзоларнинг сонига караб бир неча уй (хона) дахлиз ва айвондан иборат булган. Ховлида эса хужалик учун омборхона, хожатхона ва молхона булган. Шахарда ёки ахоли зич жойлашган кишлокларда мехмонхона, одатда 2 каватли болохонада жойлашган. Айникса Тошкент, Бухоро, Самарканд ва Ургут шахарларида жуда шинам мехмонхоналар курилган. Бу каби мехмонхоналарда туй хашамларда, мотам маросимларида хам кенг фойдаланилган. Бундан ташкари, киш пайтлари мехмонхоналарда махалла эркакларга тупланишиб гап – гаштаклар утказганлар. Хозирги кунга келиб замонавий уйларнинг курилиши анча такомиллашган булиб, уйларнинг курилишидаги миллий анъаналар замонавий куринишлар билан узаро уйгунлашган. Бугунги уйлар муайян режа асосида турли куйлаклар билан курилмокда (яна к. Турар жой).

Ўзбекларнинг кийимлари хам куп асрлик тарихга эга булиб, анъанавий турмуш – тарзи, табиий – географик мухит ва хужалик маданий анъаналар билан боглик булган. Ўзбекистонда асосий миллий кийимлар эркакларда ок ёки малла буздан тикилган куйлак, ятак, тун, белбог, салла, махси кавуш, этик, аёлларда – румол, кенг куйлак, узун лозим, нимча, калтача, махси, кавуш. Бош кийимлардан дуппи, кулох, исломият давридан бошлаб унинг устидан салла уралган аслзодаларнинг бош кийимлари зарли ва кумуш иплар билан безатилган, пешона кисмига турли олмос, кимматбахо тошлардан ясалган тугногичлар кадалган. Киш фаслида кулох ёки бадавлат кишилар муйнали телпаклар кийишган. Ўзбеклар орасида энг куп таркалган енгил бош кийим дуппидир. Дуппи асосан, бахмал, сидирга шойи, сатин каби матоларга ип.ипак. зар билан кашта тикиб тайёрланган. Ўзбекистонда Чуст, маргилон, кукон, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Бойсун, Шахрисабз дуппилари кенг таркалган Тошкент дупписи сидирга кук бахмалга тикилган (яна. К.Дуппи) Оёк, кийимлари таг чарми юмшок булган узун, кунжали, пошнаси, ковуш билан кийиладиган махси, узига тук одамлар орасида эса уч кисми кайрилган баланд пошнаси этик кийиш урф булган. Аёллар бош кийим сифатида, асосан, румол ураган. Ёши ва мавкеига, оилавий ахволига караб дока румол, шол румол, гижим румол ва бошка хил румоллар уралган (уралиш усули хам турлича булган). Кизлар учун кулай бош кийими дуппи хисобланган. Тошкентда ироки чоргул, Самаркандда йурмадузи, Андижонда мунчок гулли, Бухорода зардузи, Қашқадарё, сурхандарё ироки дуппилари машхур. Бош кийимлар устидан чиройли накшлар билан безатилган тиллакошлар, буйинга буйинтумор, зебигардон, кулга билагузук, узук, бурунга булоки ва бошка такинчоклар

таркатилган. Аёллар одми газмоллардан тикилган коматга ёпишиб, куйлак этадиган бир оз юкорирок турадиган авра – астарли пахтачилик чопонлар хам кийишган. 19 асрнинг 80 йилларигача кийимлар тугри бичимли шакилни саклаган. Кийим шакиллариинг йул-йул, сидирга ва гулли махаллий матолардан тайёрланган, олди, этаги, енг учи, ёкаси гулли жияк билан хошияланган куринишлари кенг урф булган 19 асрнинг 20-30 йилларида кийим бичими узаро бир – бирига якин булган 2 йуналишда узгариб борди. 20 асрнинг бошларидан бошлаб. Ўзбекистон Ўртасида европача кийимларни кийиш урфга кирди. Миллий кийимга европаликлар кийими хусусиятларинг киритилиши миллий шим билан аёллар куйлакларини немча билан кийилишига олиб келди. Бу тарихан хаёт шароитининг узгариши ва оммавий саноатчининг хунармандчиликдан устунлиги туфайли содир булди. Миллий бичимдаги кийимлар коматга караб тикила бошланди, аёл куйлаклари торайиб ва калталашиб борди, олдинрок юзага келган кокеткада (кукрак бурма) ва кайтарма ёкали куйлаклар хаётга муким кириб борди, енги калталашди. 20 асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб эркаклар кийимини тугри елкали коматга мослаган пиджак, кенг шимлар, аёллар куйлагини тугри елкали эркин кесма лиф, этакка томон кенгайган юбка юбка кийиш расм була бошлаган. Бирок у орасида европача кийимлар билан бирга миллий кийим хам урфдан колмаган. Унинг узига хослиги шаклида ва миллий мато колоритида намаён булди. Бу жихатдан аёлларнинг кенг ёзги куйлаги ва эркаклар яктаги диккатга сазовор. Кекса одамлар орасида туннинг кундалик кийим сифатида сакланиб колиши анъанавий тус олди. Таомлари узбекларнинг таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти куп асирлик тарихга эга булиб, миллий таомларни тайёрлашда азалдан турли хил гушт, усимлик махсулотларидан кенг фойдаланганлар. Узбеклар кундалик овкат сифатида бугдой, арпа, гуруч, нухат, мош, зигир, кунжут каби дон, сабзи, пиёз, шолгом каби сабзавотлар, ковун тарвуз каби полиз экинларини кенг истимол килганлар. Азалдан миллий таомларни тайёрлаш учун чорва – куй, корамол, эчки ёглари, кунжут, зигир ва сарийг (сут махсулотларидан олинган), пахта ёги ишлатилиб келинади. Овкатланишда айникса сахарликларнинг асосий таомлари сут махсулотларидан катик, сузма, творог ёки чакки (зардоби олинган катик), каймок ва бошкалардан иборат. Таомга жуда куп зира ва зирк ишлатилган. Гуштли, забзавот ёки ёрмали куюк таомлар заъфарон, кашнич кушиб таёрланади. Умуман, узбек миллий таомлари узининг лаззатлилиги, калориялиги ва сервитаменлиги билан ажралиб туради. Ай никса паловы, норин, шурва, кабоб, мастава, шавла, мошхурда, мошкичри, чучвара, шилпилдок ва бошка кенг таркалган. Баъзи куюк таомлар (палов) тайёрлашнинг унлаб усуллари мавжуд. Нон тайёрлаш хам узбек пазандачилигида алохида урин тутади Бухоро, самарканд ва Тошкент вилоятларида нон ёпишда кунжут, арпабодиён, седанани кенг куллайдилар (яна к. нон).

Дини: узбекларнинг Ўрта осиеда яшаган кадимги аждодлари тангричилик, шоманлик, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик каби

динларга эътикод килганлар. Бу диннинг эътикодларининг айримлари Ўрта Осиёда ислом дини ёйилгунича (8 асрларгача) сакланган. Хозирда узбекларнинг дини ислом дини булиб, унинг суннийлик мазхаби Ўзбекистон худудида 10 асрдан сунг хукумрон мавкега эга булган. Узбекларнинг урф – одатлар, маросимлари ва байрамлари ранг баранг хамда узига хос хусусиятларга эга булиб, бир неча минг йиллар мобайнида шакилланиб келган. Анъанавий урф – одатлар ва маросимлар узбек халукининг этногенезида иштирок этган дехкончилик ва чорвачилик билан шугулланган воха чул ахолисига хос элементларни узига сингдирган турли кабила ва этник гурухларнинг мураккаб кушилиши жараёнида шакилланган. Масалан бола тугилиши (чилла, бешик, керти), суннат туйи, никох ва мотам маросимларида Ўрта Осиё халкларига хос умимий ухшашликлар мавжуд. Ўзбекистонда жамоа муносабатларига оид урф одатларни шахарда махалла, кишлокда кишлок жамоаси акс эттирган, уларнинг фаолиятида эркаклар ва болалар катнашган. Утмишда барча удумлар, маросимлар кишлок ва шахарда махалла жамоаларининг ташаббуси билан утказилган. Жумладан хашар кенг таркалган. Шахарнинг бир неча тури мавжуд: жамоа ишларини бажаришда, кун кушничилик ва кавм кариндошлик доирасида утказиладиган хашар ва жамоа шахар хашари билан уй жой, куприк куриш ва таъмирлаш, арик зовурлар казиш, уларни лойкадан тозалаб туриш; масжид куриш ва таъмирлаш, мозорларни тозалаш ва бошка ишлар бажарилган. Ёшларни одоб ахлк рухида тарбиялашда жамоанинг урни хам катта булган. Жамоанинг хар бир аъзоси меҳмондорчилик, маърака ва бошка жамоат жойларида ёши ва мавкеига караб жой эгаллаган. Узбекларнинг жамоа маросимларига Навруз байрами, меҳржон сайли, лола сайли, кизил гул сайли, руза хайити (Ийд ал Фитр), Курбон хайити (Ийд ал Адхо), сумалак сайли ва бошкалар уларни утказиш билан боглик халк одатлари, расм – русумлари киради. Хар бир байрам уз тарихига эга булиб, у халк ижодий меҳнати ва хаёт шароити билан чамбарчас боглик. Узбек халки орасида энг кенг таркалган, миллий тусга эга булган урф одатларни мавсумий маросимлар диккатга сазовордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, узбек мавсумий маросимлар диккатга сазовордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, узбек мавсумий маросимларини куйидаги туркумларга тасниф этиш мумкин. 1) кишда утказиладиган гап гаштак, ясаюсун кабилар, 2) бахорги маросимлар – Навруз, шохмойлар (куш чикариш) лола ёки кизил гул сайли, лой тутиш сушт хотин кабилар: 3) ёзги маросимлардан ковун сайли, чой момо ва хакозо 4) кузги маросимлар – хосил йигими билан боглик Меҳржон, Облобарака, Шамол чикари, Узум сайли кабилар. Узбекларнинг жамоавий турмиши чукур тарихий илдизларга эга бу тартиботнинг ибтидоси антик даврларга бориб такалади. Ёзма ва археологик манбаларда минтаканинг кадимгм шахарлари орасида жамоалар фаолият курсатганлиги факат турмишдагина эмас балки ишлаб чикаришда хам жамоа асослари мавжудлиги кайд этилган. Ўрта асрларда жамоа факат жамоавий асослардагина сугориш тизимини ташкил этиш. Советлар хукумронлиги даврдагина амалдаги мафкурага муофик, бир канча маросимлар, жумладан,

“Комсомол туйи”, “Кизил туй”, Октябрь (7- ноябр) байрами, совет армияси куни, совет конституцияси куни “Пахта байрами” ва бошқалар жорий этилди.

Ўзбекистон мустақилликга эришгач бу байрамларнинг купчилиги уз узидан бархам топди лекин жорий таквим билан боглик умумбашарий байрамларда 1 январ – янги йил куни, 8- март – халқаро хотин кизлар куни сақлаб қолинди. Айни вақтда мустақил Ўзбекистон республикасида янги халқ байрамлари таъсис этилди: 1- сентябр – мустақиллик куни, 8 декабр – Республика Конституцияси қабул қилинган кун, 9- май – хотира ва қадирлаш куни. Шунингдек, руза ва қурбон хайитлари куни, Навруз байрами тикланди ва янгича мазмун кашф этилди.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР

Абулқосим мадрасаси - 1850 йили Абулқосим шайх қурдирган. Ҳовли атрофида миёнсарой масжид ва мадраса, хужралар, тўрда “Мўйи Муборак” Хонақоҳи жойлашган. Ҳозир у Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Анбарбиби мақбараси - Зангиота қабристонида жойлашган бўлиб, XIV аср охири - XV аср бошларида қурилган ноёб меъморчилик ёдгорлигидир. Ривоятларга қараганда Зангиотанинг хотини Анбарбиби (Қанбар она) қабри устига қурилган.

Зангиота мажмуаси - Тошкентдан 16 км Жанубда XIV аср охири - XX аср бошларигача қурилган ноёб мемориал ёдгорликдир. Сўфийлик тарғиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа шарафига шундай аталган. Бу мақбарани Амир Темур қурдирганлиги ҳақида ривоятлар бор.

Бароқхон мадрасаси - XVI асрда Зарқайнар кўчасида қурилган ёдгорлик. Бароқхон мадрасаси комплексини 3-босқичини XVI аср ўрталарида Бароқхон қурдирган.

Жомеъ масжиди - Ҳозирги уйғур кўчаси бўйида жойлашган бу ёдгорлик 15-19 асрларда бунёд этилган. Масжидни 1451 йилда Хўжа Ахрор Вале қурдирган.

Каффоли Шоший мақбараси – бу меъморий обида Зарқайнар кўчасида Ҳазрати Имом (Хастимом) номи билан машҳур бўлган имом Абу Бақир Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Каффол аш- Шошийга атаб қурилган. Дастлабки мақбара сақланмаган. Каффол Шоший мақбараси меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан 1541-1542 йилларда қурилган.

Кўколдош мадрасаси – Шаҳарнинг ҳозирги Чорсу майдонида жойлашган бўлиб, 1551-1575 йилларда Тошкент ҳокими Кўколдош томонидан қурдирган.

Шайх Зайниддин бобо мақбараси- 1214 йили Шайх Зайниддинга атаб солинган ёдгорлик, унинг ёнида жойлашган чиллахона XII-XIII асрларга, мақбара ўрнида бўлган хонақоҳ XIV асрга оид.

Шайх Хованд Тахур мақбараси – Навоий шоҳ кўчасида жойлашган бўлиб, Шайх Умар Боғстониининг ўғли- Шайх Хованд Тахурга атаб солинган. Мавжуд ёдгорлик XV асрга оид Кўҳна мақбара пойдевори устига XVIII-XIX асрларда қурилган.

Қалдирғочбий мақбараси - бу мақбара XV-асрнинг I ярмида қурилган меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, Шайх Хованди Тахур мақбарасидан шимолроқда. Мақбарани ким қурганлиги ва унга ким дафн қилинганлиги номаълум. Ривоятга кўра, бу йерга Қалдирғочбий исмли нуфузли аён, бошқа бир ривоятда Қалдирғочбиби исмли кифчок маликаси дафн етилган. Мақбаранинг 12 қиррали ташқи гумбази 1970 йили таъмир қилинган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Андижон вилояти 1941 йилда ташкил етилган. Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган.

Андижон вилояти майдони нисбатан кичик, лекин аҳолиси зич жойлашган вилоятдир. Унинг майдони Республика ҳудудининг 1 % ини егалласада, бу ерда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 10% яшайди.

Таркибида 14 қишлоқ тумани (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жололқудуқ, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қўрғонтепа), 11 шаҳар (Андижон, Асака, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Охунбобойев, Пойтух, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Қўрғонтепа), 5 шаҳарча (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйганёр, Полвонтош) бор. Мамурий маркази- Андижон шаҳри.

Вилоят номларининг қисқача топонимик лугати.

Андижон - шаҳар, Андижон вилоятин маркази. X асрдан бошлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавкал, Муқаддасий асарларида ва бошқа манбаларда Андиян, Андикон, Андукон, Захириддин Бобур асарларида Андижон деб ёзиб келинади.

Туркларнинг афсонавий подшоси Афросиёб шаҳар қуриб, уни ўзининг кизи номи билан Одинажон деб атаган экан. Бошқа бир ривоятга кўра бир хон бу шаҳарда хотини қолиб кетганидан <Анда қолди жоним менинг>

деганидан шаҳар шундай аталганмиш. Бошқа бировлар Андижон сўзини олти жон - <олти киши> дегани деб изоҳлайдилар.

А.Муҳаммаджонов фикрича, Андижон топоними “анди” ва “гон, кон ёки жон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Анди – яқин; гон, кон ва жон сўзлари “сув”, “сой” маноларини англатган. Демак, Андижон топоними “сойга яқин”, “сойбўйи”, “сув ёқаси” маъносида.

Асака- шаҳар, Асака тумани маркази.

Тарихчи А.Муҳаммаджонов Асака аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, ас-туркей уруғ, кал- сув ёки сой демакдир, яъни Аслар сойи деган маънони англатган дейди.

Жиғачи - қишлоқ, Андижон тумани. Жиға-саллага тақиладиган безак. Жиғани аксарият хон ва хонзодалар таққанлар. Жиғачи “жиға ясовси усталар яшайдиган қишлоқ”.

Зулфиқор-қишлоқ. Балиқчи тумани. Зулфиқор халифа Ҳазрати Алининг афсонавий қиличи. Зулфиқор деган исм ҳам бор. Қўқон яқинидаги Зулфиқор қишлоғи Қўқон хони Худоёрхон даврида Зулфиқор исмли кишининг чек ерида пайдо бўлган.

Мусулмонқуларик – Балиқчи туманида Қорадарёдан чиқарилган арик. Арикни 1842-1852 йилларда Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул қаздирган.

Сулдуз – қишлоқ, Андижон тумани. Сулдуз XIII - XIV асрларда Озарбайжон, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган турклашган мўғул қабиласидир. Сулдуз уруғи 92 бовли ўзбек “қавмлари” таркибида қайд қилинган. Сулдуз мўғулча сулдес “байроқдорлар” сўзидан олинган: сулде “байроқ”, “с” - кўплик аффикси.

Юзия – қишлоқ, Асака тумани. Юзия – “юз қабиласи вакиллари яшаган қишлоқ”.

Ўлмас – қишлоқ, Балиқчи, Избосган туманлари. Қипчоқларнинг ўлмас деган уруғи бўлган.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

Гумбаз мадраса – маҳаллий бойлардан Абдулҳамидхожи буюртмасига биноан 1872 йили Андижонда қурилган. Икки қаватли хужралар, Масжид ва дарсхоналардан ташкил топган. Ҳозир бош тарзидаги пештоқ гумбазли бино ва икки қаватли хужралар сақланган.

Отақўзи мадрасаси - XX асрнинг бошларига оид бу ёдгорлик Андижонда қурилган. У пештоқ гумбазли дарвозахона, масжид-айвон, икки қаватли хужралар ва минорадан иборат. 1971-1975 йилларда таъмирланиб, ўлкашунослик музейи жойлаштирилган.

Жаҳонобод масжиди - 1912 йили маҳаллий бой Мадалибобо буюртмасига кўра Исабой ҳожи раҳбарлигида қурилган. Масжид 1989 йилда қайта таъмирланган.

Жомеъ масжиди - Андижонда XIX асрнинг охирларида қурилган. У мадраса, масжид, минорадан иборат бўлиб, миноранинг баландлиги - 32 метр. Бинога бешта дарвоза орқали кирилган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Бухоро вилояти - майдони жихатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан. Ўзбекистоннинг марказий ва жануби-ғарбий қисмларида жойлашган. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Бухоро, Бобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қорақўл, Ғиждувон), 11 шаҳар (Бухоро, Бобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл, Қоравулбозор, Ғиждувон), 3 шаҳарча (Жондор, Зафаробод, Янгибозор). Маъмурий маркази – Бухоро шаҳри.

Вилоятда 1500 га яқин аҳоли пункти мавжуд

Бухоро – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Бухоро номи илк бор юнон астраноми Клавдий Птоломейнинг “география” асарида (II аср) учрайди. Тожикистондаги Муғ тоғидан топилган суғд хужжатларида (VIII – аср бошларида) эса Пухар шаклида тилга олинган.

Ҳозирги Бухоро ўрнида ислом дини тарқалишидан бир неча аср олдин шаҳар бўлган. Шаҳар хитой манбаларида дастлаб V асрда Нюми шаклида тилга олинган (бу Бухоро номларидан бири Нумижкат шаҳрининг хитойча транскрипсияси). Кўпчилик олимлар, жумладан, академик В.В.Бартолд, немис олими В.Томашек Бухоро номи санскритча вихара сўзидан келиб чққан бўлиб, “Будда ибодатхонаси” демакдир деб ҳисоблаганлар. В.В.Бартолд Балхда ёки Самарқанддаги каби, Бухоронинг ёнгинасида ҳам Будда ибодатхонаси бўлган дейди. Бу олимлар Бухоро ана шу санскритча сўзнинг туркча-мўғулча шакли деб ҳисоблайдилар. Тарихчи Наршахий (X аср) Бухоронинг Нумижкат (Лумижкат), Бумискат, Мадинат ус-суфрия “Мис шаҳри”, Мадинат ут-тужжор “савдогарлар шаҳри” деган номлари борлигини айтган; тарихчи давом этиб, “Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машҳурроқдир, Хўросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас. Бир хадисда Бухоро номи Фоҳира бўлиб келган, чунки, қиёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр

килади” дейилган. Халқ орасида бухоро боғлари кўплигидан Боғоро деган маънони билдиради деган ривоят ҳам бор. Тарихчи Ҳофиз Таниш (XVI аср) ёзишича, “Бухоро” сўзи- “бухор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпараслар тилида “илм макони” деган маънони билдиради.

ВИЛОЯТНИНГ ҚИСҚАЧА ТОПОНИМИК ЛУҒАТИ

Афшона – қишлоқ, Пешку тумани, Абу Али Ибн Синонинг туғилган жойи. Уструшона (Жиззах билан Ўратепа ўртасидаги тарихий вилоят) ҳокими афшин дейилган. Афшона афшин сўзининг кўплиги.

Наршах – қишлоқ, Вобкент тумани. Бу жой Муқанна кўзғалони билан машҳур: 8 –асрнинг 70 – йилларида оқ кийимлилар Муқанна раҳбарлигида қишлоқни мустаҳкам истехкомга айлантириб, арабларга қажатқич зарба берадилар ва ниҳоят таслим бўладилар. Наршах қишлоғида машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий туғилган (X аср). Наршах қишлоғи Наржак деб ҳам аталган.

Обгир – канал, Жондор тумани. Форсча обгир “сув олинадиган жой”, “ҳовуз”.

Регзор – қишлоқ, Бухоро тумани. Регзор – “қумлоқ”, “қумли йер”.

Тороб – қишлоқ, Жондор тумани. Тарихий манбаларда Тороб қишлоғи Бухородан ҳам олдин пайдо бўлганлиги қайд қилинган. Қишлоқ дастлаб Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида тилга олинган. Бу қишлоқ 1238 йилда деҳқон ва ҳунармандларнинг муғилларга ва маҳаллий мулкдорларга қарши кўтарган кўзғалони (Маҳмуд Торобий кўзғалони) билан машҳурдир; Тороб – “дарё бўйи” демақдир.

Тоқисаррофон – Бухоро шаҳридаги бозор. Тоқ сўзи қадимий меъморлик терминларидан бўлиб, “равоқли бино” демақдир. Бухоро хонлигида усти ёпилган бозор тоқ дейилган. Масалан, Тоқителпақфурушон – “телпақ сотувчилар бозори”, Тоқисаррофон ҳам ана шундай бозор (раста)лардан биридир (сарроф – “пул майдаловчи”).

Ғиждувон – шаҳар, Ғиждувон тумани маркази, Наршахийнинг “Бухоро тарихида” Муқанна (8-аср) воқеаси муносабати билан биринчи марта тилга олинган. Бошқа тарихий манбаларда Ғиждувон (Муқаддасий), Ғиждувон шаклларида ҳам қайд қилинган. Халқ оғзида Ғиждувон Ғужи девон – “бир тўп дев” ёки Ғужи деҳон – “бир тўп қишлоқ” демақдир деган ривоят бор.

Читгарон – қишлоқ, Вобкент тумани. Читгарон – “читга гул босувчи усталар” демақдир.

Абдулазизхон мадрасаси – 1652 йил қурилган бу мадраса бадий безакларга бой бўлиб ўрта осие меъморчилигида алоҳида ўрин егаллайди.

Болаҳовуз масжиди – 1712 йил қурилган бўлиб Бухоро арки қаршида жойлашган.

Исмоил Сомоний мақбараси – IX-X асрларга оид Ўрта Осие меъморчилигининг ажойиб намунасидир. У 892-907 йилларда қурилган деб тахмин қилинади. Деворнинг қалинлиги 1,8 метргача бўлганлиги туфайли бу ёдгорлик минг йилдан буён яхши сақланиб турибди. Ривоятларга кўра бу мақбара Исмоил Самоний томонидан отаси Аҳмад ибн Асад учун қурилган.

Кўколдош мадрасаси– 1578 йил қурилган бўлиб Лабиҳовуз майдонидан жойлашган. Ўрта осиедаги енг катта мадрасалардан бири бўлиб, 160 ҳужраси бор. Бу ёдгорлик Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда қурилган.

Лабиҳовуз - XVII асрда қурилган бўлиб узунлиги 42 метр, ени 36 метр, чуқурлиги 5 метр чамаси бўлган ҳовуздан иборат майдонча. У 1620 йил қазилган. Савдо майдонларидан бири бўлган.

Масжиди калон (катта масжид) – жума намози ўқиладиган бу масжид 1514 йилда қурилган бўлиб катталигига кўра Самарқанддаги Бибиҳоним масжидидан кейин иккинчи ўринда туради.

Масжиднинг умумий майдони бир гектар келади. (127x78). Ҳовли галерияси 288 кубба билан қопланган, уларни 200 та устун кўтариб туради. Бухам ноёб меъморчилик ёдгорликларидан биридир.

Мағоки Аттор масжиди – XII-XVI асрлар давомида қурилиб таъминланган бу иншоат шаҳар марказида жойланган бўлиб, илгариги атторлар растаси ўрнига қурилганлиги туфайли Мағоки Аттори деб аталган.

Мир Араб мадрасаси – 1530 йил қурилган бўлиб шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Бу ёерда яманлик Шайх Абдулла (Мир Араб) ва унинг қариндошлари дафн қилинган. Ёдгорлик шунинг учун ҳам Мир Араб деб номланади.

Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси – XIX аср охири XX аср бошларида қурилган Амир Олимхоннинг саройидир. Шаҳардан 4 км. Нарида жойлашган.

Тим ва тоқлар – XVI асрда қурилган бу иншоат Бухородаги енг йирик савдо иншоатларидан 4 таси : Тоқи заргарон, Тоқи телпак фурушон, Тоқи саррофон ва Абдуллахон тими сақланиб қолган.

Улуғбек мадрасаси – 1417 йил Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган. Улуғбек мадрасаси дарвозаси пештоқига “ Билим олиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир ” деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Чашмаи Аюб мазори – XII асрга оид бу ёдгорлик шаҳардаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида жойлашган. Қадимги ғарбий бино ёнига XVI асрда яна иккита бино қурилган. Бу бинони ешиги тепасига Амир Темурнинг Ўзи қурдирганлиги ҳақидаги маълумот қайд етилган.

Чор Минор – уни ҳалифа Ниёзқул мадрасаси деб ҳам аташади. У XIX аср бошларида (1807 йил)ги меъморчилик мураккаб намунаси бўлиб, пешайвон туридаги масжид, бир каватли мадраса, ҳовуз ва пештоқдан иборат. 4та баланд мазанаси бор. Улар минорага ўхшайди, шунинг учун ҳам Чор Минор мадрасаси деб аталади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Вилоят 1973 йил ташкил етилган. Республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 12 қишлоқ тумани (Арнасой Бахмал, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Ғаллаорол, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод); 7 шаҳар (Гагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулоқ, Пахтакор, Ғаллаорол); 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Усман, Учқулоқ, Янгиқишлоқ, Қўштош)бор. Маъмурий маркази-Жиззах шаҳри.

Ҳозирги Жиззах вилояти майдонининг кўп қисми милоддан аввалги бир неча асрдан тортиб илк ўрта асрларгача мавжуд бўлган Уструшона (Истаравшан) тарихий ўлкасида бўлган бу тоғли тарихий вилоят Жиззах шаҳри билан (бази маълумотларга кўра Тожикистоннинг панжакент шаҳри билан) ҳозирги хўжанд шаҳри оралиғига тўғри келади. Уструшона халқи жанговор, моҳир халқ болган, вилоятда меъморчилик ривожланган. Ўлкада Дижак (Жиззах), Бунжикат (Панжакент), Нужкат, Зомин каби йирик шаҳарлар бўлган. Македониялик Александр (Искандар Зулқарнайн) га қакшатқич зарба берган йеттита мустаҳкам қалъанинг бири- Газа Уструшона ҳудудида жойлашган.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Абуз – қишлоқ, ғаллаорол тумани. Қўнғирот қабиласи (узлар)нинг бир уруғи абиз (авиз) деб аталган.

Айдаркўл – кўл, Фориш тумани . Олдин шўрхоқ кейинроқ, Чордара сув омборининг суви ва суғоришдан чиққан оқава сувлар тўпланиб, катта кўл ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли кўпинча тепасида тош уюмли дўнгликни ҳайдар кокилга ўхшатиб, айдар деб келади.

Арнасой – кўл , Арнасой тумани. Хоразмда арна катта канал, Жиззах вилоятида – жар.

Аччи – қишлоқ, зомин тумани. Қишлоқ суви шўр бўлганидан шундай ном олган дейишади (шевёларда аччиқ ўрнига аччи дейишади).

Бахмал – қишлоқ, Бахмал тумани. Бахмал топоними бошқа йерларда ҳам бор. “Духоба” маъносидаги бахмал сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Топонимист Т. Нафасов қовчинларнинг бир уруғи бахмал (бақман) деб ёзади.

Газаикалон – Зомин туманидаги тоғ. Газа – “тоғ қирраси”, “тоғ тепаси”, калон – “катта”.

Гумсой – Зомин туманидаги сойлик. Бу ўринда гум “чуқур, гиратрофи баланд” дегани. Ғаллаорол туманидаги Гумсой – “чуқур ўзандан оқадиган сой”.

Жиззах – шаҳар, Жиззах вилояти маркази. Ўрта Осиёдаги енг қадимий шаҳарлардан. Биринчи бор араб географлари Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий асарларида Дизак шаклида тилга олинган: суғдийча диз - “қалъа”, “истехком”, -ак кичрайтириш аффикси (ча).

Кўрпасой – Жиззах тумани. Кўрпа деган қишлоқлар бор. Туркман-ўзбекларнинг бир уруғи кўрпа деб аталган; қорақалпоқларнинг қтай қабиласи таркибида ҳам кўрпе уруғи бўлган; кўрпа қадимий турк тилида кўзичоқ деган сўз.

Сангзор – Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги водий ва дарё. Сангзор “ ТОШЛОҚ ” дегани.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМИЛАРИ.

Вилоят 1982 йил 20 апрелда ташкил ейилган. Таркибида 8 қишлоқ тумани (Кармана, Конимех,

Навбахор, Нурота, Томди, Учқудуқ, Хатирчи, Қизилтепа), 6 шаҳар (Зарафшон, Кармана, Навоий, Нурота, Учқудуқ, Қизилтепа), 8 шаҳарча (Конимех, Лангар, Маликрабод, Мурунгов, Тинчлик, Шалқар, Янгирабод, Ғозгон) бор.

Маъмурий маркази – Навоий шаҳри.

Навоий вилояти Ўзбекистоннинг енг катта вилояти – республика майдонининг деярли $\frac{1}{4}$ қисмини егаллайди. Шунга кўра, вилоят топонимлар сони жихатидан ҳам республикада 1 ўринда туради.

Аҳоли пунктлари – Шаҳар-шаҳарчалар, қишлоқ-овуллар сони қарийб 1500 га йетади.

Айрончи – қишлоқ, Кармана тумани. Найман қабиласи таркибида айрончи уруғи қайд қилинган. Кармана туманида Айронни қишлоғи ҳам бор. Айрончи, Айронни (Айронли) – “айрон уруғининг вакиллари яшайдиган қишлоқ”. Қўнғирот қабиласи таркибида ҳам айрон уруғи қайд қилинган.

Андоқ – қишлоқ, Хатирчи тумани. Дастлаб Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон”асарида қайд қилинган. Қизилтепа туманида ҳам Андоқ қишлоғи бор. Зарафшон воҳасида андоқ – “қайир” (пойма) деган сўз (А.Р.Мухаммаджонов).

Аристан – қишлоқ, Томди, Конимех туманлари. Қозоқча аристан – арслон, шер демакдир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида арслон (туркей) ёки шер (форсча) ёйинки асад (арабча) бўлган емас.

Варқ – қишлоқ, Кармана тумани. Варқ (варғ) суғдийча “тўғон демакдир.

Зармитан – қишлоқ, Қизилтепа тумани. Шу туманда Зармитанча деган қишлоқ ҳам бор. Митан (митон) “манзил”, “истехком”, “қалъа” демакдир.

Кармана – шаҳар, Кармана тумани маркази. Ривоятларда келтирилишича, араблар Бухорога келганда Кармана атрофлари йерининг унумдорлиги, сувининг сифатига кўра “Арманистонга ўхшар экан деганлари учун, Ки-Армания” деб ном олган емиш. А.Мухаммаджоновнинг фикрича, Кармана Хармана шаклида талаффуз етилган ва “Катта сарой” маъносини англатган.

Мурдаш – қишлоқ, Хатирчи тумани. Мурдашўй – “ғассол”, “ювғучи”, яъни “мурда ювғучиъ.

Навоий – шаҳар, Навоий вилояти маркази. Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий номи билан аталган.

Нурота – шаҳар, Нурота тумани маркази. Шу йердаги тоғ тизмаси ҳам шу ном билан аталган. Рус адабиётида Нурота номи мўғулча нуру – “тизма тоғ” ва туркийча тоғ сўзларидан олинган деган гаплар учрарди.

Аслида Нурота мўғуллар келмасдан анча олдинок Нур номи билан маълум бўлган. Тарихчи Наршахий Нур қишлоғи Бухоро шаҳри вужудга келмасдан олдин ҳам бор еди деб ёзган.

Ўтар – қишлоқ, Томди тумани. Ўтар (баъзан отар дейишади), қой подаси, сурув (“ўт”, “яйлов” сўзидан).

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Абдуллахон банди – вилоят ҳудудидаги қадимги сув омбори ва тўғони. ХВИ асрнинг 80 йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон ИИ (1557 – 1598) йил қурдирган. Ески Оқчаб қишлоғи яқинидаги **Бекларсой** дарасида жойлашган. Тўғннинг узунлиги : асосида – 73 метр, юқорисида 85 метр, баландлиги еса 14,5 метр. Тахминан 1,2 млн. Кубометр сув тўпланган.

Қосим шайх хонақоҳи – XVI – XX асрларга оид ёдгорлик. Дастлаб дин арбоби Қосим шайх (1571-йил вафот етган) учун хонақоҳ қурилган. Шайх вафот етгач ён хонага кўмилган. Даҳма мрамарли. Абдуллахон ИИ 16-асрнинг 80-йилларида хонақоҳ қурдирган. 1910-йили атрофи девор билан ўралиб қўшимча бинолар барпо етилган.

Работи Малик – Буюк Ипак йўлидаги энг қадимги ва улкан карвонсарой бўлиб, тахминан 1069–1079 йилларда қурилган. Бухоро – Самарқанд йўлида, Навоий шаҳри яқинида жойлашган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Вилоят республиканинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Косонсой, Мингбулоқ, Чортоқ, Чуст, Наманган, Норин, Поп, Тўрақорғон, Уйчи, Учқўрғон, Янгиқўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулобод), 12 шаҳарча (Жомашўй, Иттифок, Навбахок, Олтинкон, Оқтош, Тошбулоқ, Уйчи, Уйғурсой, Чоркесар, Ўнхаёт, Ҳалқабод, Янгиқўрғон). Мамурий маркази – наманган шаҳри.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Ахсикат – фарғона водийсидаги қадимий шаҳар, Наманган туманидаги Ахси қишлоғи ёнида бўлган.

Ўрта асрларга оид “Худуд ул-олам” да “Ахсикат – Фарғона пойтахти, амирлар ва вазирлар қароргоҳи” дейилган. Шаҳар 16-асрдан сўнг харобага

айланган. Бу жой еса ҳозир Ески Ахси деб аталади. Суғдшуносларнинг фикрича, Ахсикат (Хшикат) “оқ шаҳар” демакдир.

Бўстон – қишлоқ, Косонсой, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Мингбулок туманлари. “Яшнаган боғ”, Боғ-роғ маъноларига ега. Дашти Қипчок ўзбеклари ва қозоқлар таркибида ҳам бўстон уруғи бўлган.

Косонсой – қишлоқ, Косонсой тумани маркази. Илгарилари Косон деб аталган. Милоднинг бошларида Фарғонадаги Косон шаҳри, яъни Косонсой Фарғонанинг сиёсий маркази еди. 8-аср охири IX аср бошларида Косон Фарғона подшоларининг пойтахти бўлган. Косон араб географларидан Истахрий, Ибн Хавкал, Муқаддасий асарларида қайд қилинган. Косон номи аслида кас (кат) “қишлоқ” сўзидан олинган.

Наманган – шаҳар, Наманган вилояти маркази. Биринчи марта “Бобурнома”да тилга олинган. Шаҳар номини Намаккон – “туз кони”, номийган – “азиз ва номдор шаҳар”, наманг – “маржон (кони)” деб изоҳлашган. Аслида “нав+ман+гон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Нав – “янги”, ман- “сарой” ва гон, кон, гон – “сув” ёки “сой” демакдир.

Профессор Ҳ. Ҳасанов гон компонентини “дарё, сув” деб тахмин қилиб, Наманганни “шўрсув”, “минерал сув”, “мойли сув” каби маъноларга ҳам егалиги ҳақида фикр билдирган.

Норинкана - қишлоқ, Учқўрғон тумани. Норин дарёси номи билан боғлиқ бўлса керак.

Норин топономист Е. М.Мурзайев фикрича, “серкуёш, офтобрўй” деган маънони билдиради. Шу билан бирга Норин деган этноним ҳам маълум: ўзбекларнинг лақай, юз қабилалари, шунингдек, Фарғона қипчоқлари таркибида норин қайд қилинган.

Поп – шаҳар, Поп тумани маркази. Дастлаб қадимги манбаларда БОБ шаклида тилга олиган. Кейинроқ еса ПОП деб айтила бошланган.

Боп – арабча “дарвоза” дегани.

Чортоқ – шаҳар. Чортоқ тумани маркази; тоғорасида бўлгани учун “чиратрофи (чор атрофи) тоғ” деб ном олган деган фикр бор. Аслида чортоқ – чор(тўрт) ва тоқ (арк, гумбаз) сўзларидан таркиб топган бўлиб, “тўрт гўшали”

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ғойибназар мадрасаси – XIX асрнинг охирларида Наманганда барпо этилган ёдгорлик. Мадрасанинг бош тарси пештоқли, бурчакларига минора

ишланган. Кейинчалик унга кўшимча ишлар бажарилган.. Ҳозир еса унга маданият уйи жойлашган.

Лутфулло Мавлоно мажмуаси – XX асрнинг бошларида Наманганда барпо етилган. Бу йерда масжид, мадраса, минора, мақбара каби бинолар жойлашган. 13 метр баландликдаги минора ҳам бор. У Феруза рангли кошин билан безатилган. Масжиднинг бир қисми (айвон) сақланиб қолган.

Сизли масжид - XIX асрга оид Намангандаги жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва икки томонлама айвондан иборат. Ҳовлисида ҳовуз бор.

Чадок масжиди – XVIII асрга оид вилоятда жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва уч томони айвонли. Серхашам безакланган.

Ота Валихонтўра масжиди – XX аср бошларида меъмор Мулла Қирғиз лойиҳаси ва раҳбарлигида Наманганда қурилган. Дарвоза пештоқли. Асосий катта хона қобирғали ўлкан гумбаз билан ёпилган.

Мавлонбува мақбараси 1809 йили Намаганда қурилган. Шоир Мавлонбува қабридан жануброқда пештоқ гумбазли зуёратхона бунёд қилинган. Пештоқнинг икки ёнида минора- бурж барпо етилган.

Хожа Амин Мақбараси - XVIII асрга оид Намангандаги меъморий ёдгорлик. Пештоқ ва гумбазли, бир хонали мақбарадан иборат унда уйма саполчалаарнинг маҳорт билан ишлатилши ўзбек меъморчилик мактабида ёрқин саҳифа очади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ТОПОНИМЛАРИ

Самарқанд вилояти республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 14 туман (Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Поярик, Пастарғон, Пахтачи, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут, Қўшробот), Ўнбир шаҳар (Самарқанд булунғур жомбой, жума, Иштихон, Каттақўрғон, Миробод, Оқтош, Поярик, Ургут) Ўникки шаҳарча (Дахбет, Зиёвиддин, Ингичка, Кимёгарлар, лоиш, Митан, Мирбозор, Пайшанба, Сув ҳовузи, фарход, Хишроф, Чархин).

Мамурий маркази- Самарқанд шаҳри

Самарқанд – Ўрта осиедаги енг қадинмий шаҳарлардан бири. Шаҳарнинг бунёд қилинган вақти ва номининг етимологияси аниқ емас. Шаҳар Искандар Зурқарнайнинг ҳарбий юрушлари муносабати билан Юнон солномаларида милоддан авал 329 йилда Мароканда номи билан тилга олинган. Турли даврлардаги тарихий даврлардаги тарихий

манбаларда шаҳар номининг Самарияни,Сараманка, Саканна, Санманген,Самакиян,Сумрон,Шамиркен,Самаран,Симроят, ВИИИ аср бошларига оид суғт хужатларида Смарканса, ВИИИ асрда ўтган Винесиялик сайёҳ Марко Поллонинг “китобида” Санмаркан шакилларида тилга олинган.

Баъзи бир йевропалик оимлар шаҳар номи санскритча Самария – “йиғин”, “анжуман” сўзидан олинган деб кўрганлар. Кўпчилик олималар Топоним биринчи қисми - Самар шаҳарни босиб олган ёки унга асос слаган шахснинг исми бўлиш керак деганлар. Лекин тарихда бундай қайд қилинмаган.

Бироқ Самарқанд “Семизкент”, яни “семиз шаҳар”, “катта шаҳар” маносини билдиради деган фикирни Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошқарий , Бобур асарларидагин емас балик тарихчи Мирхоннинг “Равзат ус сафо”сида, XVIII асрда Амир Темур саройга келган Испан елчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундалик дафтарида ҳам қайд қилинган. Бироқ Семизкент шаҳарнинг асл номи емас балики сифати, табир жойиз бўса лақаби бўлса керак.

Инсоният қадимги маданиятининг жаҳонга машҳур ўчоқлари – Бобил, Афина ва Рим каби Самарқанд ҳам кўп асрлик бой тарихга ега. Самарқанднинг тарихи Жаҳон тарихининг қисмидир. Ўтган 25 аср давомида шаҳар аҳолиси кўп ҳодиса воқеаларни бошидан кечирди. Самарқанд Искандар Зулқарнайнинг сонсиз сувориларини кўрди, араблар босқинини бошидан кечирди, шаҳарни Чингизхоннинг вахший кўшинлари вайрон қилди.Самарқандни дунёни пойтахти қилмоқчи бўлган Амир Темур ўзининг кўп сонли лашкарларини шу шаҳарда тўплаган.

ВИЛОЯТНИНГ ҚИСҚАЧА ТОПОНИМИК ЛУҒАТИ.

Арлот - қишлоқ, Иштихон тумани.Арлот – Чингизхон ўғли Угедейга тақдим этган 4 та муғул қабиласидан биридир. Бу қабила Афғонистонинг шимолий қисмига ўрнашиб қолган. Мовароуннаҳрда Арлотлар кам бўлса ҳам нуфузли қабилалардан ҳисобланган. Арлот – қабиласи 92 бовли ўзбек “Қавмлари” орасида кўплаб тарихий манбаларда тилга олинган. Қабила оллот, олот, шаклларида ҳам талаффуз қилинган. Қорақўл туанидаги Олот қишлоғи ҳам ўша этнонимдан ном олаган.

Афросиёб – Самарқанд шаҳрининг вайронаси илгарилари Ҳисори кўҳна, Кўргони қадим деб аталар еди. 17-18 асрлардан Тали Афросиёб (Афросиёб тепалиги) деб атала бошлади. Халқ уни Фирдавсийнинг “Шохнома” сида тасвирланган ва Рустамга қарши чиққан Турон шохи Афросиёб (Фрарасиян,Фрасияб), яни Алп Ертунга номи иникосидир дейди.

Бироқ кўпгина олимлар тепаликнинг суғдча номи Паршавап бўлган, тожикчада еса Афроз-сиёҳ-об, Қорасув яни “Сиёб устидаги жой” деб аталган ва қисқариб Афросиёб, яъни “сиёб бўйлари” бўлиб кетган.

Зарафшон – Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари худудидаги дарё. Тарихий манбаларда турли номлар билан аталган. Дастлаб “Авесто” ёдгорликларида Дайтия шаклида тилга олинган. Мутахассислар бу номни “ҳосиятли сув”, “муқаддас сув” деб изоҳлайдилар. Юнонлар Дайтия сўзини таржима қилиб Политимет – “кўп ҳосиятли сув”, “ўта муқаддас сув” деб атаганлар. Суғд тилида дарёнинг Суғд, Жирт, Жом, Сомжан номлари ҳам маълум (жан-жон суғдча “кўл”, “сув манбаи”); паҳлавий Номик (“машҳур”, “ҳосиятли”, “муқаддас”), форс тилидаги манбаларда Руди, Мосаф, Руди Шарф дейилган; арабча манбаларда Ҳарамком (арабча ҳарам – “муқаддас”).

“Бобурнома” да Оби Кўҳак, кейинроқ Дарёи Кўҳак (Кўҳак – Самарқанд шаҳри яқинидаги Чопонота тепалиги), 18- асрдан – Зарафшон.

Дарёнинг ҳозирги номининг маъноси тўғрисида турли фикрлар бор. Баъзилар дарё тилла баравар оби ҳаёт келтиргани учун дарё Зарафшон деб аталган дейдилар. Бизнинг фикримизча,

Зарафшон – “зар сочувчи” дарёдир.

Иштихон – шаҳар, Иштихон тумани маркази. X асрдаёқ каттагина шаҳар бўлган, араб географларидан Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида, “Худуд ул – олам”да тилга олинган. Иштихондан Самарқандгача қувурда келтирилган қимизни хон татиб кўрган, “Ичди хон” деганидан иштихон бўлиб кетган емиш. Тарихчи О.И.Смирнованинг фикрича , Иштихон номи суғдча “ Саккиз ариқли”, “саккиз каналли” маъносини билдиради (Ишт-хашт-“саккиз”, хон-кан-“канал”).

Камонгарон – қишлоқ, Ургут тумани. “Камон усталари” демакдир.

Миёнкол – Зарафшоннинг икки тармоғи, яъни Оқдарё билан Қорадарё оралиғидаги обод худуд. Араб географларидан Истаҳрий, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Баъзан Миёнколот деб ҳам аталган: миён-“ўрталик”, “оралик”, кол қадимий форс тилида “канал, дарё”, от арабча кўплик аффикси, топономияда еса шу жойнинг теварак – атрофини ҳам билдиради.

Даҳбед – Оқдарё туманидаги қишлоқ. Тожикча – даҳ – ўн, бед-тол , яъни ўн тол дегани.

Сўғд, Сўғдиёна – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган тарихий ўлка. Кўпгина тадқиқотчилар фикрича “сўғд” сўзи умумерон тилларига хос “сух” сўзидан олинган бўлиб “ ялтирамоқ”, “ёнмоқ”, “нур

сочмоқ” деганидир. О. И. Смирнованинг таъкидича тожикча “суғуд”- “серсув обод жой” дегани.

Челак – Пояриқ туманидаги қишлоқ. Челакли уруғининг номидан олинган.

Бибихоним масжиди- Ўрта осия меморчилик санатининг мумтоз намунаси маҳоатли иншот бўлиб, Амир Темурнинг Ҳиндистонинг забт этиш шарафига унинг фармони билан 1399 -1404 йилларида қурилган халқ орасида Амир Темурнинг хотини Бибихоним (асли Сароймулкхоним) номи билан машҳур. У Ўрта Осиёдаги енг йирик жомий масжд бўлиб, ҳовлиси саҳни 63,8 х 76,0 м. Масжиднинг умумий саҳни еса 167х 109 м. Бурчакларида баланд минора бўлган. Зилзилалар иншотни емирган. Обидада нафис безак санати кенг қўлланилган.

Амир Темур мақбараси - Гўри Амир номи билан аталувч бу ноёб мерморчилик ёдгорлиги Самарқанда ХИВ аср охири XV аср бошларида Амир Темур фармони билан унинг 1403 йил фожиали ҳалок бўлган набираси Муҳаммад Султон хотирасига қурилган.

Мақбарга Амир Темур қабри унинг икки набираси (Муҳаммад Султон ва Улуғбек), икки ўғли (Шохрух ва Мироншоҳ) ва бошқаларнинг қабри қўйилган.

Мақбара дунёдаги енг машҳур меморчилик дурдоналарида бири ҳисобланади.

Регистон ансамбли- 1417 – 1660 йилларда Самарқанднинг Регистон (Рег- Форс – Тожикча – Қум, Регистон - қумли жой майдон), майдонида қурилган мемотий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Унда Улуғбек, Тиллақори ва шердор мадрасалари жойлашган.

Улуғбек мадрасаси - Мирзо Улуғбек томонидан 1417 – 1420 йилларда қурдирилган. Бино икки қаватли, тўрт бурчак бўлиб саҳна - 81 х 56 м. 50 та ҳужраси бор. Ўрта Осиёдаги енг мукамал ва гўзал мадраса ҳисобланади.

Шердор мадрасаси -Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир томонидан 1619-1636 йилларда қурдирилган. Улуғбек мадрасаси рўпарасида бир ўк чизиғида жойлашган бўлиб, у ҳам икки қаватли. Пештоқ узунлиги 12,5м, икки ёнида еса 31м.ли миноралар бор. Мадраса пештоқида Ялангтўш Баҳодирни улуғловчи шер тасвири битилган бўлиб, иншоат шу туфайли Шердор деб номланган.

Тиллақори мадрасаси - ҳам Ялангтўш баҳодир томонидан 1646-1647 йиллари қурдирилган. Мадраса ва Жомъе масжидга мўлжалланган бу обида регистон ансамблининг мутоносиб кўринишига ега бўлишини

таъминлади. Ҳовлининг ғарбидаги масжид ўз вақтида зарҳал нақшлар билан безатилган (аслида кичик мадраса бўлган бу бино кейинроқ Тиллакори мадрасаси номини олган).

Рухобод мақбараси - XIV асрнинг 80 йиллари Самарқандда Шайх Бурхониддин Соғаржийга атаб қурилган иншоат. XIX асрда унинг олдида масжид, минора, дарвозахона барпо етилган.

Мақбара Гўри Амирнинг шимолий қисмида жойлашган.

Ишратхона-Самарқанддаги меъморий ёдгорлик бўлиб у ҳақда ашарат хона (яъни арабча ўнта хона) деган фикр ҳам бор. Бу мақбара 1464 йили Султон Абу Саиднинг хотини Ҳабиба Султонбека томонидан бевақт вафот етган қизи Соҳиб Давлатбека шарафига қурилган. Бино Зилзиладан қаттиқ шикастланган. У Шарқ меъморчилигининг янги услуб намуналаридан бири ҳисобланади.

Шоҳизинда ансамбли -XI-XV (XX) асрлар давомида Самарқандда барпо бўлган тарихий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Афросиёб тепалиги жанибида жойлашган қабристондаги мақбаралар, масжид, мадраса, хонақоҳ ва минора каби иншоатларни ўз ичига олган. Уларнинг энг қадимийси Қусам Ибн Аббос (Муҳаммад С.А.БВ. пайғамбарнинг амакиваччалари Аббоснинг ўғли, Самарқандга 676 йил Ислом динини тарғиботи учин араб истилочилари билан бирга келиб шу йерда ўлдирилган ва дафн етилган) бўлиб халқ орасида Шоҳизинда (Тирик шоҳ-форс-тожик)номи билан машҳур. XI асрда Томғоч Буғраҳон мадрасаси қурилган. Кўпчилик қурилиш ишлари XIV-XV бажарилган бўлиб бу йерда Туғли Текин мақбараси, Амир Темурнинг синглиси Ширинбека оқа ва опаси Туркан оқа мақбаралари, шунингдек лашкарбошлаедан Амир Бурундук мақбараси бор. Ансамблда жойлашган 20 дан ортиқ иншоат халқ санъатининг ноёб дурдонаси сифатида давлат назоратига олинган. 2006 йили қайта таъмирлаш ишлари якунланди.

Улуғбек расадхонаси -Улуғбек фармони билан 1428-1429 йили Самарқанд шаҳрининг Кўҳак (Чўпонота) тепалигида бунёд етилган. У доира шаклда бўлиб, уч қаватли, баландлиги 30,4м. дан иборат. 1908 йили археолог В.Вяткин хароба ҳолидаги расадхона қолдиғини тарихий ҳужжатлар асосида топган.

Расадхона ўрта асрларда асбоб ускинаси жиҳатидан ҳам беқиёс бўлган. Улуғбекнинг машҳур асари “Зижи Кўрогоний” шу йерда ёзилган. Расадхона Улуғбек ўлдирилгандан кейин (1449 йил) вайрон етилган. Ҳозирда оз қисми сақланган.

Ҳазрати Хизр масжиди- XIX аср ўрталарида Афросиёбнинг жанубига қурилган бу иншот афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Бино қадимий масжид пойдевори устунига барпо

бўлган. Кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899 йил), дарвозахона (1919йил) қурилган. Масжид 1913 йилда (уста Абдуқодир Боқийев раҳбарлигида) ҳамда 2006 йилда давлатимиз томонидан қайта тамирланди.

Маҳдуми Аъзам мажмуаси – Самарқанд шаҳрига яқин Оқдарё туманида жойлашган бўлиб, 1542 йил вафот етган “буёқ ҳоким” Маҳдуми Аъзам қабри атрофида XVI – XIX асрларда барпо қилинган. Бу ерда масжид, дарвозахона, чиллахона ва хужралар, ғиштин минора, ҳовуз, шунингдек, Маҳдуми Аъзам ҳазираси (қабри) жойлашган. Самарқанд ҳокими бўлган Ялангтўш Баҳодир хонадони даҳмаси ҳам шу ерда.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Сирдарё вилояти шамолидан Қозоғистон Республикаси, шаклан тошкент вилояти, жанубидан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадош. Таркибида 8 туман (Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё, Ховос), 5 шаҳар (Гулистон, Деҳқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) бор. Маркази – Гулистон шаҳри.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Боёвут – қишлоқ, Боёвут тумани. Боёвут – қадимги мўғул қабилаларидан бири. Шунингдек, боёвут 92 бовли ўзбек уруғларидан бири сифатида, чунончи, XVI асрдаёқ Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажму ат-таворих» асарида қайд қилинган. Юз қабиласининг бир уруғи ҳам боёвут деб аталган. Боёвут мўғул тилида «бойлар» демакдир.

Малик – қишлоқ, Сирдарё тумани. малик номи чўли малик – «бепоён чўл», «катта чўл», «султон чўл» каби маъноларини англатган.

Сайхунобод - қишлоқ, Сайхунобод тумани маркази. Қишлоқ номи Сирдарёнинг арабча номи сайхун сўзидан олинган.

Тўқбой – қишлоқ, Ховос тумани. Тўқбой – Юз қабиласининг бир уруғи.

Усмонобод – қишлоқ, Боёвут тумани. Машҳур давлат арбоби Усмон Юсупов (1900-1966) номига қўйилган қишлоқ. У.Юсупов шу тумандаги «Боёвут» хўжалигида бир неча йил директор бўлиб ишлаган.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Бахшиитена- қишлоқ, Шўрчи тумани. Бахши сўзи санскритча- “Будда каландари” демакдир. Бу сўз турли даврларда турли жойларда “мирзо, котиб, катта амалдор, ноиб, жарроҳ, нозир, овчи” маъноларини англатган. Ҳозирги ўзбек тилида бахши: 1) бадихағўй оқин: 2) емчи, шаман, сеҳргар.

Бодава –қишлоқ, Денов тумани. Бодҳаво –“ сершамол ҳаво “: бадҳаво – “ ҳавоси ёмон “ , “ҳавоси ёқимсиз”.

Бойбўри – қишлоқ, Сурхандарё тумани. “Алпомиш “ достони қаҳрамонларидан бири Бойбўри номи билан боғлиқ.

СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Таркибида 14 қишлоқ тумани (Ангор, бандихон, бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон), 8 шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Елбаён бекати, Хуррият) бор. Маркази- Термиз шаҳри.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Бахшиитена- қишлоқ, Шўрчи тумани. Бахши сўзи санскритча- “Будда каландари” демакдир. Бу сўз турли даврларда турли жойларда “мирзо, котиб, катта амалдор, ноиб, жарроҳ, нозир, овчи” маъноларини англатган. Ҳозирги ўзбек тилида бахши: 1) бадихағўй оқин: 2) емчи, шаман, сеҳргар.

Бодава –қишлоқ, Денов тумани. Бодҳаво –“ сершамол ҳаво “: бадҳаво – “ ҳавоси ёмон “ , “ҳавоси ёқимсиз”.

Бойбўри – қишлоқ, Сурхандарё тумани. “Алпомиш “ достони қаҳрамонларидан бири Бойбўри номи билан боғлиқ.

Денов – шаҳри, Денов тумани маркази. Дастлаб Ш. А. Яздийнинг “Зафарнома “ сида тилга олинган. Бобур замонида Чағониён деб ҳам аталган. Деҳи нав –“янги қишлоқ” дегани.

Обишир – қишлоқ, Шўрчи тумани. Форсча “сутга ўхшаган оқ рангли сув “ маъносида. Сутлибулоқ, Сутбулоқ деган жойлар бор. Обшор еса – шаршара.

Сурхандарё – асли Сурхоб – “ қизил сув “ бўлиб, кейинчалик ўзгариб кетган. Чунки дарёнинг бош томони (Денов шаҳригача) Қизил сув деб

аталади. Дарё сурх уруғи номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин. Сурхандарё ўрта асрларда Чағонруд (қишлоқ), араб географлари асарларида Сағонруд (водий еса Чағониён – Сағониён, Ўзбекистон жануби – Афғонистон) деб аталган.

Чағониён – Сурхандарё водийсининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб “Худуд ул – олам”да қайд қилинган. Араб географлари асарларида (11-12 асрлар) Сағониён шаклида учрайди. Сурхандарё водийсининг бош шаҳри ҳам Чағониён (форсча манбаларда) деб аталган. Сағониён шаҳри ҳозирги Денов шаҳри яқинида бўлган.

Шеробод – шаҳар, Шеробод туман маркази (Шерободдарё Шеробод қишлоғи номи билан аталган). Шаҳар 18 – асрда Убайдуллахоннинг ноиби, кўнғирот уруғидан бўлган Шерали томонидан қурилганлиги учун шундай аталган (В.В. Бартолд).

Тарихий ёдгорликлари.

Саид Оталиқ мадрасаси – Сурхондарё вилоятида жойлашган бу ёдгорлик XVI асрда Саид Оталиқ томонидан қурдирилган. Бош тарзи (қисми) Пештоқли, Икки қаватли, хужралари бор.

Султон Саодат мажмуаси – X-XVII асрлар давомида қурилган бўлиб, термизлик саййидлар авлодлари дафн етилган мақбаралар мажмуасидан иборат. Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорликка 20 га яқин мақбара кирган.

Жарқўрғон минораси – XII – аср бошида қурилган бу меъморий ёдгорлик вилоятнинг Жарқўрғон тумани, Минор қишлоғида жойлашган. 8 қиррали пойдевор устига ярим айлана шаклида 16 қиррала қилиб қурилган. Ҳозирги баландлиги 21,6 м. диаметри еса 5,4 м. Уни сарахслик меъмор Али ибн Муҳаммад 1108-1109 йилларда қургани ёзиб қўйилган.

Термизий мажмуаси – IX-XV асрларга оид бу тарихий ёдгорлик Термизда жойлашган бўлиб, мақбаралар, масжид (XI аср), хонақоҳ (XV аср) ва бошқа иншоатлардан иборат. Бу йерда буюк аллома, муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий мақбараси мавжуд.

Қирққиз қалъаси – IX- X асрларга оид Термизда жойлашган бу ёдгорлик илк ўрта асрлардаги бойларнинг шаҳар ташқарисидаги қўрғонсаройи бўлганлиги тахмин қилинади. Хом ғиштдан тикланган бу иншоатнинг тўртбурчагида тўрт минора – буржлари бўлган. Бизга қадар талай вайрона холида йетиб келган.

Зул Кифл мақбараси – Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорлик ХИ-ХИИ асрларга оиддир. Унда масжид, гўрхона ва уларга туташ икки хонали бино жойлашган.

Искандар кўприк – вилоятда жойлашган бу кўприк 1557-1598 йилларда қурилгани тахмин қилинади. Қадимги савдо йўли (Термиз – Чоғаниён ва Ҳисор) Бандихонсой устига қурилган. Умумий узунлиги 70 м. дан ортиқ. Баландлиги сой тубидан тепасигача 12,1 м. Усти уч қисмдан иборат: йўловчи ва транспорт ўтадиган йўл, сув ўтиши учун нов қурилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Тошкент вилояти Республиканинг шимоли -шарқида жойлашган. Шимол ва шимоли- ғарбдан Қозоғистон Республикаси, шимоли- шарқдан Қирғизистон Республикаси, Шарқдан Наманган вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, жануби – ғарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадош. Таркибида 15 туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққорғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ), 17 шаҳар, 18 шаҳарча бор.

Тошкент (Тошканд)деганда ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ҳисобланган катта шаҳаргина емас, балки шу номдаги тарихий-маданий регион, улкан ҳудуд, давлат ҳам тушунилган. Шу билан бирга шаҳар ҳамда теваарак-атроф регион тарих давомида турлича номлар билан аталган. Тошкент воҳасининг энг қадимий номи Чоч (Чочистон) илк бор 262 йилда Ерон подшоси Шопур И нинг “Зардушт Каабаси” тошида қайд қилинган: айна вақтда Тошкент воҳасини ўраб турган тоғлар ҳам Чоч деб аталган (Чоч арабиванис манбаларда Шош шаклини олган). Шаҳар ва регионнинг Тошканд деб атала бошлаганига 10 асрдан ошди. Чоч милонинг дастлабки асрларида Қанғ (Қангуй) давлати таркибига кирган, бир неча аср давомида еса ҳайталлар (ефталийлар)давлати таркибида бўлган: 6-аср охирларида Турк хоқонлиги ҳайталларни тор-мор қилиб, Моварауннаҳр билан бирга Чочни ҳам ўз тасаруфига олади.

Ёзма манбаларда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақидаги маълумотлар икки минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади. Милоддан аввалги Шарқ манбаларида Тошкент воҳаси Юни деб аталган ва Қанғуй давлати таркибига киради деб ёзилган. Воҳанинг маркази ҳам Юни шаҳри деб номланган. Тошкент воҳасининг энг қадимги номи Чоч бўлган.

Тошкент ўлкаси Хитой манбаларида Ши – “тош” деб, араб манбаларида Шош деб транскрипсия қилинган.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати.

Ангрен- вилоят тасаруфидаги шаҳар. Ангрен бу Оҳангарон-“темирчилар” сўзининг бузилган шакли. Кўплар буни русча талаффуз оқибати дейишади.

Арашон – Оҳангарон дарёсининг ирмоғи. Гидроним санскритча расаяна сўзидан келиб чиққан бўлиб, “оби ҳаёт”, “худолар озиги” демакдир. Арашон шифобахш иссиқ сувли булоқлардан иборат.

Арғинчи- қишлоқ, Юқори Чирчиқ тумани, ўзбеклар, қозоқлар вабошқа туркей халқлар таркибига кирган қабила – арғин. Арғинчи-“арғин қабиласи вакили”, “арғинлик”.

Бўка – шаҳар, Бўка тумани. Қадимги туркий тилида бўка – “пахлавон”, бўка деган уруғ ҳам бўлган: масалан, ўзбек қанглиларнинг бўка – қангли уруғи қайд қилинган.

Бўржар – Тошкентдан ўтган ариқ, Анҳор каналининг давоми. Илгари Чиябўри кўп бўлганидан Бўрижар деб аталган деган фикр бор.

Бурчмулла - қишлоқ, Бўстонлик тумани. Бурж – истехком деворининг бурчаклари ёки бурчак оралиғидаги минора, академик А. Муҳаммаджонов фикрича, мўла ҳам “минора” маъносини билдиради.

Келес - (Калас)- дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Қозоқ топонимисти Е Қўйчибойев фикрича, келес-"тил сув", "узун сув" дегани.

Обираҳмат - қишлоқ, Бўстонлик тумани. Қишлоқ ёнида шифобахш булоқ бор. Обираҳмат "Раҳмат суви" демакдир.

Оҳангарон - дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Мўғуллар келмасидан илгариги манбаларда Илоқ дарёси деб аталган. Бу водийда қадимдан темирчилик ривожлангани учун дарё Оҳангарон - "Темирчилар дея номланган.

Чатқол - дарё, Чорвоқ сув омбори қурилгунга қадар Чирчиқ дарёсининг бош ирмоқларидан бири бўлган. Чатқол - "нотекис ер дара," қирғизча чатқол - " икки тоғ орасидаги дара сойлик" деганидир.

Янгийўл - шаҳар. Олдинги номи Қовинчи; қовчин этноними қовунчи бўлиб кетган бўлиши мумкин.

Қанқа - Оққўрғон туманидаги қишлоқ. Миллоддан аввалги II асрдан милодий IV асргача Сирдарё бўйида мавжуд бўлган Қанғ (Қангуй) олинган. Яна Қанқа тепа деган тепалик ҳам мавжуд.

Ғазалкент - шаҳар, Бўстонлик тумани маркази. Ҳ.Ҳасановнинг фикрича Ғазалкент топоними ғизол - "Оху" сўзидан келиб чиққан.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Фарғона вилояти мамлакатимизнинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубий қисмида жойлашган. Таркибида 15 қишлоқ, тумани (Боғдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзиёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлоқ, Учқўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Қува), 9 шаҳар (Бешариқ, Марғилон, Риштон, Фарғона, Яйпан, Қува, Қувасой, Қўқон, Хамза), 10 шаҳарча (Боғдод, Данғара, Дўстлик, Ёзиёвон, Мукумий, Олтиариқ, Тошлоқ, чимён, Шўрсув Янги Манғилон) бор. Маъмурий маркази - Фарғона шаҳри.

Фарғона вилоятининг қисқача топонимик лугати.

Акбаробод - қишлоқ, Қува тумани. Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси Акбарали номи билан аталган.

Арзиқтепа - қишлоқ, Данғара тумани. Ганчга ўхшаш оқ тупроқ арзиқ дейлади. Арзиқ термини рус адабиётига ҳам кирган. Кўчманчилар таркибида ва мамғит қабиласи таркибида Арзуқ деган уруғ қайт қилинган.

Бачқир - қишлоқ, Учқўприк тумани. Махалий аҳоли орасида бостириб келган душманни "Бос, қир" Сўзларидан таркиб топган деган ривоят тарқалган. Асли Етноним, ўзбек қипчоқларининг бошқир (бошқирт) деган уруғи бўлган.

Марғилон - шаҳар, дастлаб араб географларифан Муқаддасий асарида, сўнгра "Бобирнома" да Марғилон шаклида тилга олинган, Марғинот шакли ҳам учрайди. Самарқанд яқинида Марғилон тепа деган қишлоқ ва ариқ бўлган. Етимологияси аниқ маълум эмас. Хар холда Марғ (ўтлоқ, кўкаламзор) маъносини англатади.

Фарғона - қадимий номлардан бири. Фарғона номи дастлаб Муғ тоғидан топилган. (VIII аср бошлари) сувд хужжатларида сўнгра Табарий тарихида IX - X асрлар истахрий, Ибн хавқал, Муқаддасий асарларда вилоят номи сифатида қайд қилинган.

Шаҳар 1887 йилда қурилган. 1907 йилгача Янги Марғилон маҳаллий халқ орасида Сим (Деб) юритилган. 1907 йилдан 1924 йилгача Россия

подшолиги босқинчи генерали Скобелев номи билан (маҳаллий аҳоли талаффузида Искобил) аталган, 1924 йилдан-Фарғона. Баъзи ривоятларга кўра, Фарғонани Ануширвон (Нуширвон) обод қилган экан-у бу ерга ҳар бир жойдан биттадан қабила вакили олиб келган. Турли жойлардан келган кишилар иморатлар куриб, екинлар еккан. Бу кишилар Азҳар хона “ҳар хонадондан (келганлар)” деб ном олган. Шу сўзлардан Фарғона номи келиб чиққан экан. Бу ривоят кўпгина тарихий ёдгорликларда келтирилган.

Суғд хужжатларини тадқиқ қилган мутахасислар топонимнинг қадимий шакли Фар(а)ғона ёки Фарғона бўлганини аниқладилар ва юнон тарихчиси Геродот асарларида тилга олинган парикания халқи номи билан аталган деган фикрни ноўрин деб ҳисоблайдилар. Фарғона паркани (“атрофи берк водий”) сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқиндир.

Қува-шаҳар. Дастлаб “Худуд уи-олам”да, сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида Қуба шаклида қайд қилинган. Ўрта асрларда Қува алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарғонада Аҳсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. “Бобурнима”да Қубо шаклида тилга олинган. Етимологияси аниқ эмас.

Лекин қуба (кува) деган этноним бўлган. Этнограф К.Ш.Шониёзов ўрта асрларда қипчоқлар тарлибида мустақил қиба (кува) қабиласи бўлган дейди. Қуба (кува)-умумтуркий этноним.

Қўқон - қадимий шаҳар. Дастлаб “Худуд ул-олам”да (“Хўқонд-Хувоқанд-халқ зич яшайдиган шаҳарча”), сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Хавқал Муқаддасий асарларида Хўқанд (Хувақанд) ва Хуқанд (Хувақанд) шаклларида қайд қилинган, “Бобурнома”да Хўқон ўрчини (тумани) тилга олинган. Ҳозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўқанд ўрнида 18-асрда ўзбекларнинг минг уруғи бошлиғи Шохруҳ томонидан барпо этилган. В.В.Бартолд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли Хўқанд бўлиб, Қўқон жонли тилда талаффуз этилишидир, деб ҳисоблайди.

Тарихий ёдгорликлар.

Худоёрхон саройи – Қўқонда XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Дастлаб хон қароргоҳи, кейинроқ сарой аҳли яшайдиган 100га яқин хона, заллар ҳамда бир қанча ховли бунёд этилган. Ҳозиргача саройнинг шарқидаги дарвозахона, унинг икки ёнидаги хоналар сақланган.

Норбўтабий мадрасаси – XVIII асрда Қўқонда Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Бир қаватли чортоқ тархли, тўрт бурчагига миноралар ишланган. Пештоқнинг ўнг томонида гумбазли масжид қурилиб, серхашам безатилган.

Миён Ҳазрат мадрасаси – XVIII асрга оид Қўқон ёдгорлиги бўлиб, кўп ҳовлили. Мадрасага пештоқ гумбазли дарвоза орқали кирилади. Кўп устунли масжид ҳам қурилган.

Камол Қози мадрасаси – XIX асрда Қўқонда қурилган. Пештоқли дарвозага ега. Ҳовли атрофида ҳужралар, масжид ва айвони бор.

Саид Аҳмадхўжа мадрасаси – XIX аср охирида Марғилонда қурилган бўлиб, ҳовлисида ҳужралар, айвонли масжид жойлашган.

Каптарли мажмуаси – XIX асрга оид Марғилон тарихий ёдгорлиги ҳисобланиб унда масжид, минора, мақбара ва унинг ҳовлиси, гумбазли дарвозахона ҳамда тўрт бўлакли каптархона мавжуд. Мажмуада Пир Сиддиқ мақбараси ҳам жойлашган.

Подшо Пирим мажмуаси – XV- XX асрларга оид Фарғона ёдгорлиги. Афсонавий саркарда Шох Жалил қабри устида қурилган мақбара деб тахмин қилинади. Унинг атрофидаги бошқа бинолар кейинчалик қурилган. Бу ерда дастлаб пештоқ ва гумбазли дарвозахона, мақбара ва сағаналар, чортоқ минора, ҳужралар (XV-XVI асрларда) ҳамда кейинроқ масжид қурилган (XX аср).

Халфа Тилло мажмуаси - XX аср бошларига оид бўлиб Қўқонда жойлашган. Бу ерда икки ҳовли, ҳовизли боғ, масжид ва Халфа Тилло даҳмаси мавжуд. Даҳма пештоқли масжид серҳашам безакли қурилган.

Ғиштли масжид - XX аср бошларида Қўқонда пишиқ ғишдан қурилган. Хонақоҳ ва айвондан ташкил топган. Айвони нақшинкор. Ҳозир бу ерда кутубхона жойлашган.

Модарихон мақбараси - 1825 йил Қўқонда қурилган. Модарихон (хон онаси) ҳазирасига хон авлодларига мансуб аёллар қўйилган. Ҳозир мақбаранинг пештоқ гумбазли хонаси, бурчагидаги икки минора сақланган.

Даҳмаи Шохон (Шохлар даҳмаси) XIX асрга оид Қўқон ёдгорлигидир. Бу ерда Норбўтавий ва унинг авлодлари дафн этилган даҳма - сағаналар. Масжид айвони нақшли.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган, қадимий суғориш маданиятига эга бўлган кўхна вилоятлардан. Таркибида 10 қишлоқ тумани

(Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшқўпир, Хозарасп): 3шаҳар (Питнак, Урганч, Хива): 7шаҳарча (Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот, Янгибозор, Қўшқўпир, Хозарасп) бор. Маъмурий маркази-Урганч шаҳри.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Амударё – Хоразм вилоятининг ягона дарёси. Юнон муаллифлари асарларида Окс (Оксос) деб ёзилган. Дарёнинг Аранг, Раха, Ранха Аранха деган қадимий номлари ҳам бор. Маҳаллий аҳоли Ўкуз, араблар Жайхун деб атаган.

Баъзи бировлар бу ном Тавротда ҳикоя қилинган Гихон дарёсига нисбат бериб қўйилган дейдилар. В.В.Бартолд эса араблар Жайхун ва Сайхун номларини Шимолий Суриядаги Жайхон ва Сайхон дарёлари номи билан аташган бўлса керак дейди. Тарихчи Гардизий Жайхун ҳар қандай катта дарё учун турдош от деган эди. Ҳақиқатдан ҳам Зарафшон водийсида бир ариқ жайхун деб аталган.

Амударёнинг қадимги эроний номи Вахш (Вахшоб) бўлган; дарёнинг йирик ирмоқларидан бири ҳозир ҳам Вахш деб аталади. Абу Райҳон Беруний Вахш хоразмликларда сув худоси – малак номи деб ёзган.

Амударёнинг ҳозирги номи ўрта асрларда Омул (Омуй, Омуйя) шаҳри номидан олинган дейишади; бу сўз орийлардан ҳам олдинги амард халқи номидан келиб чиққан бўлса керак, дейди В.В.Бартолд.

Олимлар Окс (базан Акес) Амударёнинг қадимий туркий номи Ўкуз сўзининг ўзгинаси еканлигини аниқладилар. Амударёнинг шоҳобчаларидан бири ҳозир ҳам Ўкуз деб аталади (ўкуз сўзининг асл маъноси “дарё” демакдир).

Ичанқала – Хива шаҳрининг қадимий марказий қисми; Ичанқала – “ички шаҳар” дегани. Дишанқала эса 17-18 асрларда Ичанқала атрофида бунёд етилган ташқаи шаҳардир. Хоразмдан бошқа йерларда шаҳарнинг ички қисми арабча мадина ёки шаҳристон ёйинки дарун (“ички шаҳар”), ташқи қисми эса работ, берун (ташқи қувноқ) деб аталиб келган.

Мўлтон -қишлоқ, Янгиариқ тумани. Ўрта Осиё лўлилари мўлтони ҳам дейилади. Мўлтон-Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар: қадимда бу шаҳар Ерон билан Турон орасидаги Карвон йўли ёқасида бўлган ва лўлилар шу йердан Ўрта Осиёга ўтган. Мўлтон-лўлиқишлоқ.

Хонобод - Хоразм вилоятидаги канал. Канал Хоразм хони Муҳаммад Амин (1846-1855 йиллар) даврида қурилган ва хон шарафига шундай деб аталган.

Хонқа - шаҳарча, Хонқа тумани маркази. Хонқа хонақоҳ- “зикрхона” сўзидан олинган: Хонқа X асрда Дархос деб аталган. В.В.Бартолд хонақоҳ форсча хона сўзининг суғдийлар тилида талаффуз қилинишидир деган.

Хоразм - Ўрта Осиёдаги энг қадимий номлардан бири. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да Хваиризам, қадимги форс тили ёзувларида Хуваразми, милоддан қарийб баср муқаддам ижод қилган милетлик Гекатей асарида Хорасмия шаклида тилга олинган. Геродот бу маълумотларни янада тўлдирган. Хоразм арабинавис географлар асарларида хоразмий тилида Хваризм шаклида қайд қилинган.

Хоразм сўзининг маъноси ҳақида бир қанча фикрлар бор. Ўрта аср араб географларидан Муқаддасий ва Ёқут Ҳамавий асарларида Хоразм сўзининг келиб чиқиши ҳақида бир ривоят келтирилган: подшо жаҳл билан ўз фуқороларидан бир қанчасини кимсасиз узок ўлкага бадарға қилишни буюради, лекин у йерда ўтин ва ғошт(яъни Амударёда балиқ) кўп еди. Мусофирлар бу ўлкани обод қилдилар ва Хоразм деб атадилар(хвар – гўшт, разм – ўтин)

Суғдшунос олим М.Н.Боголюбов фикрига кўра, Хоразм 3 таркибий қисмдан иборат: ху – вар(вара)-зим. Вар(вара) қадимги хоразмий тилида “девор”, “марза”, “ғов”, “қалъа”, “кўриъ”, ху – “яхши, бинобарин Хоразм яхши кўрали ўлка”, “ажойиб қалъалари бор диёр” деган манони англатади.

“Хор дегани қадимга суғд тилида “қуёш” , “азим” – “ўлка”, яъни Хоразм- қуёшли ўлка деган маънони англатади. Хоразм Амударё билан Қорақум ўртасидаги гўзал бир воҳа бўлиб, бой тарихга ва маданий меъросга ега.

Хива– вилоятдаги иккинчи марказий шаҳар. Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Афсоналарнинг бирида айтилишича Хивага Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом асос солган. Хива сўзи қудуқ деган маънони англатади. Хоразмда бу сўзни Хивак деб аташ холлари ҳозирда ҳам учрайди.

1997 йил шаҳарнинг 2500 йиллиги нишонланди. Тарихий обидаларга бой бўлган бу макон ʼочик осмон остидаги музей – шаҳар” стратида (холқаро миқёсида) еътироф етилган.

Қатагон – Қўш кўпир туманидаги қишлоқнинг номи. Форсча йўқолган, қуриган, топиб бўлмайдди, - деган маънони билдиради

Ҳозорасп – шаҳарча, Хозорасп тумани маркази.

Ҳазор – форс-тожик тилида “ минг”, асп дегани “от” яъни минг от деганидир.

Ҳозорасп Хоразмнинг жанубий чегара қалъаси бўлиб унда мингта отлиқ жангчи сақланган. Душман ҳужм қилгудек бўлса қалъа биринчи бўлиб зарбани ўзи қаршилаган.

Ҳозорасп ҳақидаги илк маълумотлар Истахрий, Ибн Хавқал, Ёқут Хамовий каби тадқиқотчиларнинг асарларида учрайди.

Хоразм тарихий ёдгорликлари

Кўҳна Арк - Хивада жойлашган бу ёдгорлик деворларининг қурилиши Анушахоннинг ўғли Аранг томонидан 1686-1688 йилларда бошланган. Бино қурилиши XIX асрда давим етган. Унда тўртта ҳовли бўлиб, мухташам қабуллар саройи, харам, зарбхона, ёзги ва қишги масжидлар қурилган.

Ичан қалъа (ички қалъа) - асоси милoddан аввалги V-асрдан, юқори қисми милodий XVIII-XIX асрларни ўз ичига олган. Майдони 26 гектарга яқин. Атрофи девпр билан ўралган бўлиб, унинг узунлиги 2,1км. 4та маҳобатли дарвозага ега. Қалъа деворининг баландлиги 7-8м. Қалинлиги 3-4м. Тахминан ҳар ўттиз метр масофада катта айлана бурч- миноралар туртиб чиққан. Қалъада асрлар давомида қурилган ансамбиллар бўлиб, саройлар, маъмурий ва турар жой бинолари, мадрасалар ва шу каби иншоатлар мавжуд. 1842 йили Дишанқалъа қурилиши якунлангач ичкари қисмидаги қалъа “Ичан қалъа”, деб атала бошланган.

Дишан қалъа (Ташқи қалъа) – Хиванинг ташқи қисми бўлиб, 1842 йил Муҳаммад Ёқуб Меҳтар раҳбарлигида шаҳарнинг 6 км. Узунликдаги атроф қалъа девори қурилди. Шу пайтдан бу ҳудуд “дишан қалъа”деб атала бошланди. Деворлари мустаҳкам дарвозаси бор. Шаҳарнинг асосий аҳолиси яшаган бу йерда Нуриллабой саройи ва кўпгина меъморий ёдгорликлар жойлашган.

Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минора – мадраса Ичан қалъада жойлашган бўлиб, 1852-1855 йилларда Муҳаммад Аминхон қурдирган. Мадраса ёнида Калта Минор жойлашган. Хон ўз режасига кўра Мадраса минорини Хивадаги енг катта ва гўзал ансамбил қилишни мўлжаллаган еди. Бироқ хон ўлими туфайли минора қурилиши якунланмай қолган. Миноранинг асос диаметри 14,2 метр, баландлиги 26 метр. Муҳаммад Аминхон мадрасаси икки қаватли, бош тарзи беш гумбазли миёнсарой, масжид, дарсхона ва бошқа қўшимча хоналардан ташкил топган. Мадраса Хивадаги енг мухташам ва йирик билим даргоҳи ҳисобланади.

Аллоқулихон мадрасаси – Хивадаги меъморий ёдгорлик бўлиб, 1834-1835 йилларда 3м баландликдаги сунъий тепаликда қурилган. Мадраса қаршисидаги Хўжамбердибой мадрасасига ўхшаш холида барпо етилган.

Иншоатда 99 та икки қаватли қатор хужралар, қишки масжид ва дарсхона жойлашган. Яна иккита минора ҳам бор.

Амир Тўра мадрасаси – 1870 йили Муҳаммад Раҳимхон ИИ нинг акаси Амир Тўра қурдирган бўлиб, Ичан қалъада жойлашган. Олд томони икки, қолган томонлари бир қаватли. ХУЖралардан ташқари иккита гумбазли хона ва ёзги масжид жойлашган.

Абдуллахон мадрасаси – Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси олдида жойлашган бу ёдгорлик 1855 йил Қутлуғмурод Иноқхоннинг ўғли Абдуллахонга атаб онаси қурдирган. Квадрат тархли, пештоқ орқали уч гумбазли миёнсаройдан ховлига ўтилади. Бу йерда хужралар, масжид жойлашган.

Исломуҳжа мадрасаси ва минораси – Хивада жойлашган бу ёдгорлик Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Исломуҳжа томонидан XX аср бошларида қурдирилган. Мадраса олд томондан бир қаватли, Ховли томондан еса бир қаватли 42 та хужралар жойлашган. Бу йердаги масжиднинг гумбази маҳобатлидир. Мадраса билан ёнма-ён қурилган миноранинг баландлиги – 44 метр, асосининг диаметри – 10 метрга яқин. Минора хашаматли ва кўркам ишланган бўлиб, аслида Хиванинг рамзига айланиб қолган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Қашқадарё вилояти майдони жиҳатидан Республикада йирик вилоятлардан бири. Вилоят Республиканинг жануби – шарқида, Қашқадарё хавзасида жойлашган, шарқидан Ҳисор ва Зарафшон тизмалари ўраб туради. Таркибида 13 қишлоқ тумани (Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Янги Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамиши, Қарши, Ғузор), 12 шаҳар (Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Таллимаржон, Янги Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор), % шаҳарча (Дехқонобод, Мироқи, Нуристон, Ески Яккабоғ, Қашқадарё) бор. Маъмурий маркази – Қарши шаҳри.

Қашқадарё воҳаси қадимий маданият марказларидан биридир. Илк ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг юқори қисми Кеш, қуйи қисми Нахшаб деб атала бошланди. Милоднинг 6-7 асрларда ески шаҳарлар таназулга юз тутиб, янги шаҳарлар вужудга келади.

1220 – 21 йилларда Қашқадарё воҳасидаги шаҳар ва қишлоқлар мўғуллар истилоси натижасида вайрон қилинди. 1318-1326 йилларда мўғул хонларидан кепакхон қурдирган сарой яқинида Қарши шаҳрига асос солинди. 14-15 асрларда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларида Шаҳрисабзда бир қанча монументал бинолар – сарой, масжидлар, макбара ва бошқалар қурилди.

Вилоятнинг қисқача топонимик луғати

Балхи – қишлоқ, Шаҳрисабз, Қарши туманлари. Ўзбекларнинг кенагас, қутчи, сарой қабилалари, туркманларнинг ерсари қабиласи таркибида Балхи (балқи) уруғи қайд қилинган. Балхи – “балхлик”, “балх шаҳридан келган” дегани.

Дешқон – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Де+шайх-он-“шайхлар қишлоғи”, шайх: 1) мусулмон руҳонийлари вакили: 2) қабристон, зиёратгоҳ мутасаддиси.

Женов – қишлоқ, Касби тумани. Форсча жўй (ариқ, анҳор) ва нав (янги) сўзларидан таркиб топган.

Китоб – Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. Китоб номи тожик тилидан олинган “кифт” – йелка, “об” – сув, яъни “йелкадаги сув деган маънони билдирувчи атамадир.

Кеш – Шаҳрисабз шаҳрининг олдинги номи. Дастлаб “Худуд ул – олам”да Кеш, араб географлари асарларида Каш, Касс шаклларида тилга олинган. В.В. Бартолд шаҳар номининг Кишш тарзида талафуз қилиниши тўғри деб ҳисоблайди.

Кеш, Касс, Кат каби синонимик терминлардан иборат топонимлар бўлиб, “уй”, “қишлоқ”, “турар жой” маъноларини англатади.

Найистон – қишлоқ, Миришкор тумани. Най “қамиш” маъносида. Найистон – “қамишзор”, “тўқай”.

Насаф – Қарши шаҳрининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб Истахрий, Ибн Хавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Дастлабки маҳаллий номи Нахшаб. Кейинчалик, 13 асрдан Насаф деб аталган. 14 асрдан Қарши деб атала бошланган.

Чалқа – қишлоқ, Деҳқонобод тумани. Шеваларда адирлардаги супадай текис майдон чалқа деб аталади.

Чироқчи – шаҳар, Чироқчи тумани маркази. Чироқчи қалъаси 15 асрдан олдин, Убайдуллахон даврида ҳам бор еди. Азиз – авлиёларнинг мазорларда яшаб, чироқ кўйиб, мазорни супуриб – сидириб турадиган қоровул (шайх) чироқчи дейилган. Бошқа бир маълумотларга кўра, гилдан чироқ ясаш ҳунари билан шуғулланувчилар ҳомийси бўлган Чироқчи ота номи билан аталган.

Шаҳрисабз – шаҳар, Қашқадарё вилояти. Бу ном тангаларда 14 асрдан учрай бошлайди. Шаҳарнинг қадимий номи Кеш. 15 – 16 асрлардаги тарихий манбаларда, чунончи Хўжа Аҳрорнинг вақф ҳужжатларида ва

“Бобурнома”да Кеш ва Шахрисабз номлари ёнма-ён тилга олинган. Шахрисабз – “кўкаламзор шаҳар”.

Қарши – шаҳар номи бўлиб, Озбекистоннинг енг қадимий шаҳарларидан бири. У грек – Бактрия давлати давридан бери мавжуд. Шаҳар 14 асргача Нахшаб деб аталган. Араблар бу маҳаллий номни Насаф деб атаганлар. Чигатой наслидан бўлган Кепакхон (1309-1326) Қашқадарё водийсига ўрнашган ески Нахшабдан икки фарсах нарида ўзига сарой қурган. Сарой мўғул тилида Қарши деб аталади. Қарши “шоҳ қалъаси” деган маънони ҳам билдиради.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТОПОНИМЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. Ўзбекистон худудининг шимоли-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Республика таркибида 15 туман (Амударё, Беруний, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот), 12 шаҳар, 17 шаҳарча бор. Пойтахти-Нукус шаҳри.

Ягона дарёси - Амударё (қуйи оқими). Дарёнинг кенг делтасида тўқайзор кўп. Султон Увайс тоғлари етагида Бадайтўқай давлат кўриқхонаси жойлашган.

Республиканинг қисқача топонимик лугати

Аёзқала - Беруний тумани худудидаги археологик ёдгорлик. Милоддан аввалги 4-2 асрларга оид учта қалъа харобасидан иборат. Бир неча туркий халқлар фолклорининг қаҳрамони Аёз номи билан аталган.

Аршан - овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақолпоқларнинг манғит қабиласи таркибида аршан уруғи бўлган.

Атававул - овул, Амударё тумани. Атав (атау)-“орол”.

Жеткиншек-овул, Тўрткўл тумани. Жеткиншек қорақолпоқ тилида “ўсмир ёш авлид”, деган маънони билдиради.

Мўйноқ - шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. Мўйноқ икки таркибий қисмдан иборат: мўйин-бўйин,-оқ кичрайтириш қўшимчаси. Мўйноқ-“кичик бўйин”, “бўйинча” ёки “ярим орол” деган маъноларга ега.

Нукус - шаҳар, Қорақолпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақолпоқчаси - Нўқис). Нукус, нўқис, некуз деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус(нўқис)-сургин қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан тарқалган кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демақдир (тожикча нўҳ - тоққиз, кас-киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг етимологияси ҳамон номаълум.

Нукус уруғи Нукас (“янги қишлоқ”) деган маънони англатади деювчилар ҳам бор.

Орол денгизи-бу гидронимнинг келиб чиқиши хақида бир қанча фикрлар баён етилган. Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Боходирхон Амударё денгизига қуйиладиган жойни делтани орол деб атаган. Ана шу йерда ороллилар деган елат яшаҳан. Л.Берг ўзининг “орол денгизи” асарида (1908) Орол ўша йерда яшаган халқ-ороллилар номидан келиб чиққан деб ёзади ва Ричковнинг (1755) “Орол-кўлда орол кўп бўлганидан шундай аталган” деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам орол денгизида 300дан ортиқ орол бўлган.

Султон Увайс - Амударёнинг ўнг соҳилидаги тоғлар. Ўрта Осиёда тасаввуф тарғиботига асос солувчилардан бири араб Увайс Қарний номи билан аталган (VII-аср). Султон унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё халқлари томонидан берилган. Тизманинг жануби-ғарбий ён бағрида Султон Увайснинг зиёротгоҳ афсонавий қабри бор.

Тайлақовул – овул, Чимбой тумани. Эндигина туғилган туя боласи, бир ёшгача бўта (бўталок), бир ёшдан ошса тойлок дейилади. Тайлақовул-қорақолпоқларнинг тайлақ (тойлок) уруғи номи билан аталган.

Тарли-Кегейли туманидаги қуруқ ўзан. Қ.Абдумуратов бу топонимни “Тарикли, тарикпоя” деб изоҳлаган.

V-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1. Туризмнинг вужудга келиши ва ривожланиши

1.1. Туризм (*французча tour-сайр,саёҳат*), сайёҳлик-саёҳат (сафар) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Туризм деганда жисмоний шахсининг истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий. Касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади.

Туризм (саёҳат) пиёда ва уловларда юриш, диққатга сазовор жойларда сайр томоша қилиш, хушманзарали ва оромгоҳларда дам олиш , соф ҳаво, кувёш нурлари ва зилол сувлардачиниқиш демакдир. Табиийки , бундай ижтимоий-маданий ва тарбиявий жараёнларда атроф муҳитни ўрганиш, маълум мақсадлар йўлида қўйилган вазифаларни бажариш, турли тоифадаги кишилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Шу сабабдан ҳам қадимги аجدодларимиз ов қилиш , турли хил меҳнатларни амалга ошириш ва энг муҳими жисмоний сифатларни (чаққонлик, тезлик, эпчиллик, чидамлилиқ ва ҳ.к) тарбиялаш фаолиятларини такомиллаштириб борган. Бу ҳақда турли хил халқ оғзаки ижодида тавсиф этилган ривоятлар, далиллар, мушоҳадалар гувоҳлик беради. Улардан баъзи намуналарни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Чотқол, Нурота, Сариосиё ва Туркистон тизма тоғлари орасидаясси ва силлиқ тошларга ўйиб чизилган суратлар (шакллар) орасида ов жараёни, турли хил ёввойи ҳайвонларни найза билан санчиш, ёй ўқи билан отиш , одамларни югуриши, ҳайвонлар билан олишуви , найза, камон ва бошқа қуролларни ишлатиш йўллари айнан ёрқин ифодаланган.

Сурхон воҳасидаги Далварзинтепа, Самарқанддаги Афросиёб ва бошқа ҳудудларда олиб борилган археологик қазашмаларнинг топилма ашёларида саёҳат қилиш, шаҳарларда савдо уюштириш , манзарали жойларда ҳордиқ чиқариш, туя, от, хачирларга юк ортиб , уларни пиёда етаклаб бориш, гоҳо уларни миниб юриш каби амалий ҳаракатлар тасвирланган. Бундай далиллар Ўзбекистон Тарихи Давлат музейи, Санъат музейи, Афросиёб музейи ва вилоятлардаги тариз музейларида эҳтиёт билан сақланиб ва намойиш қилиб келинмоқда.

Энг қадимги аجدодларимизнинг ижтимоий-маданий ҳаёти ҳақида “Авесто”, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тўмарис афсонаси”, “Широк афсонаси” ва жуда кўп халқ оғзаки ижоди намуналарида саёҳатлар ҳақида қизиқарли воқеалар баён этилган.

Юқорида зикр этилган манбаъларни ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш асосида қадимги аجدодларнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги саёҳатлар ҳақида баъзи бир мулоҳазалар юритиш мақсадга мувофиқдир. Сирдарё, Зарафшон, Амударё ва бошқа кичик дарёларнинг бошланиши, ўрта қисми ва уларнинг сўнгги ирмоқлари атрофида қадимги аجدодларимиз ҳаёт

кечирганлар. Улар чорва билан шуғилланиб, йилнинг фаслларига қараб доимо яйловларда кўчиб юришган. Бунда оила аъзоларининг ҳам бевосита биргаликда юришига тўғри келган. Бу эса асосан соҳиллар, яйловлар, тоғли жойларда пиёда, уловларда (от, хачир, хўкиз, эшак ва ҳ.к) юришга давъат этган. Катта-ю кичик бундай шароитларда жисмоний жиҳатдан чиникишига тўғри келган. Тоғма-тоғ, яйловма-яйлов кўчиб юриш, қишки пайтларда ўзларининг ўтроқли манзилларида яшаш шароитларида бўри, тулки, кийик, архар (ёввойи кўй), каклик, тустовуқ, бедана овлаш билан шуғулланиб, эпчиллик, яққорлик каби жисмоний сифатларга эга бўлишган. Табиийки бундай овларда асосан ўрта ёшдагилар, йигитлар, ўсмирлар ва хатто ёш болалар ҳам иштирок этишган.

Тарихий маълумотларга қараганда баланд ва тепалаклар устига, гоҳо текис яйловларда ҳам тошларни йиғиб мўла (белги) яшашган. Мўлани яшашдан асосий мақсад шунда бўлганки, ов жойларни белгитлаб қўйишдир. Шунингдек ким ёки кимлар биринчи бўлиб тоққа чиқса, қадам тегмаган жойларга илк бор етиб боришса, эсдалик учун мўла яшашган. Ҳатто у мўлаларга ясовчи ёки улуғ кишилар номини беришган. Эҳтимол “Ҳонтангри” (Хито) “Казбек”, “Элбурсь” (Кавказ) каби чўққилар ҳам шу тариқа аталган.

Юртимизда “Нурота”, “Туркистон”, “Олмалик” каби тоғлар ҳам балким қадимда шу одатлар бўйича номланган.

Буюк бобокалонимиз, шеърят мулки султони ҳазрат Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам саёҳатлар ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Достонда “Денгиз сафари, бўрон ва айрилиқ” (XXVIII боб) қисмида Фарҳоднинг сувда сузиши, ҳалокатга учраган кемадаги кишиларни қутқариш каби жасоратлари билан бир қаторда Яман ўлкасидан Арманлар юртига (Шопур орқали) келиб қолиши, тоғларда сайр қилиши, Шириннинг вимсолини кўриш мақсадида ҳарсанг тошларни ўйиб ариқ қазиши ва бошқа жуда кўп инсоний фазилатлар ўз аксини топган. Фарҳоднинг Чин (Хитой) мамлакатидан Арманлар юртига саёҳат қилиб келиш тимсолида баён этилиши, қадимги аждодларимизнинг сайёҳликдаги фаолиятларидар дарак беради.

Афсонавий сайр-саёҳатлар “Гўрўғли” туркимидаги ўнлаб дастурлар ва бошқа дostonларда юқори савияда мадҳ этилган, яъни Авазхон, Хасанхон, Равшанхон, Рустам ва бошқа ўнлаб ижобий қаҳрамонлар тимсолида “учқур отлар”да тоғдан тоққа учиб ўтиш, дарё ва чакалакзорлар устидан сакраб ўтиш каби фаолиятлар талқин қилинади. Бунда юксак даражадаги чавандозлик маҳорати орқали йигитларнинг ҳар қандай тўсиқларга бардош бериши, уларни енгиб чиқиши ифодаланади. Бундай рамзий тимсоллар орқали аждод-авлодларимизнинг ватанни ҳимоя қилиш, эл-юрт хизматида бўлиш, машаққатли меҳнатлар эвазига ўз севганига етишиш, ота-она қадрига етиб, уларни эъзозлашни тушуниш қийин эмас.

Эътироф этиш лозимки, бундай ижтимоий-тарбиявий жиҳатлар миллий қадриятлар сифатида ҳозиргача сақланиб, улар давр шароитлари асосида янги шакл ва мазмунларга эга бўлмоқда.

“Алпомиш” достони халқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ундаги эл-юрт ори учун ва севган ёри учун бўлган даҳшатли курашлар, шиддатли жангларда пиёда юриш, тоғлардан ошиш, дарёлардан кечиш ўтиш, кўл ёқаларида дам олиб, хордиқ чиқариш, отда пойга қилиш, паҳлавон-алплар билан кураш тушиш каби кенг қамровли амалий фаолиятлар саёҳат мазмунига мос келади.

Алпомишнинг Қалмоқ элига Барчинойни кўриш учун сафарга отланишида ўз синглиси Қалдирғочбегимга хайрлашув нидолари шундай тасвирланган:

*“Акам деб эргашиб келган,
Умид тортиб бунда келган,
Мунглик синглим, хуш қол энди.
Жаҳонни сайр этиб юрсам,
Душманларнинг додин берсам,
Яна қайтиб элга келсам,
Эмикдошим, сени кўрсам,
Бунда келиб даврон сурсам,
Эмикдошим хуш қол энди”.*

(I-китоб, 1992 йил 80-бет)

Достонда ифода этилишига Асқар този, ойна кўли, Чилвир чўли ва ҳ.к нинг номлари, ойна кўли ёқасида Барчиной ўз канизақлари билан базмал ўтовда яшаб, атрофларда сайр қилиши бежиз эмас албатта. Чунки бундан бир неча минг йиллар илгари Бойсун-Қўнғирот элатлари шу манзилгоҳларда яшаб, табиат кўйнида унинг сахий неъматларидан баҳраманд бўлишган. Бойчибор каби отлар зотини кўпайтиришган. Тоғ ёнбағирларида кўй боқиб, текисликларда арпа-буғдой экиб деҳқончилик қилишган. Буларнинг барчаси инсонларнинг соғлом яшаши, оилада фарзандларни баркамол қилиб тарбиялашга омил сифатида хизмат қилган.

Диққатга сазовор томонлардан яна бири шундаки жаҳонга машҳур бўлган юртдошларимиз Абу Наср Фаробий, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Маҳмуд Паҳлавон, Амир Темури, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа буюк алломаларнинг асарлари илмий меросларида қадимги аждодларимизнинг ижтимоий-маданий ҳаёти мазмунида саёҳатларнинг тутган ўрни ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. Навоий, Бобур ва бошқаларнинг асарларига битилган суратларда овчилик, боғ ва дарё, кўл моҳилларида хордиқ чиқариш манзаралари тасвири берилган. Саёҳатларнинг саломатликни яхшилаш, умрни узайтириш, жисмоний ва ижодий меҳнат қобилятини оширишдаги ўрни тараннум этилган. Қадимги этногриф, буюк сайёҳ Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девонул луғатит турк” китобини ёзиш учун бутун Туркистон ўлкасини пиёда ва уловларда кезиб чиққан. Унинг сайёҳлик фаолиятига илмий-қидирув ишлари нафақат ўз даврида балки минг йилликлар давомида Турон мамлакатада қадрланиб келди. Унинг бу асари асосида ўнлаб дарсликлар, монография, ўқув услубий қўлланмалар,

диссертациялар, айниқса талабалар М.Қошғарийнинг биографик маълумотлари ҳамда унинг асарини яхши ўрганишлари фойдадан холи эмас.

Туризм – саёҳат ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга бўлган назарий ва амалий фан сифатида ўқитилади. Унинг ижтимоий тузумлар (формация) билан боғлиқ бўлган ўз тарихи ҳамда ривожланиш жараёнларига эга.

Туризм умумий маънода сайр-саёҳатлар, саргузаштлар ифода этади. Шу сабабдан улар ижтимоий-турмуш ва меҳнат жараёнларида таркиб топади.

Туризмнинг вужудга келиш сабаблари ва даврлари ижтимоий турмуш ва меҳнат жараёнлари билан бевосита боғлиқдир, яъни:

Энг қадимги одамлар яшаш учун ов ва меҳнат қуролларини яратишга ҳаракат қилишган. Шу тарзда тоғлар, ёввойи ҳайвонларни овлаганлар, уларни қўлга ўргатиб меҳнат билан шуғулланишган. Ов манзиллари ва дам олишга қулай бўлган жойларда маълум бир белгиларни (тур) қўйишган. Зарур пайтларда ана шу жойларга келиб ҳордиқ чиқаришган, турли ўйинлар ташкил қилиб мусобақалашган.

Ишлаб чиқариш-меҳнат жараёнининг такомиллашуви, ов ва жанг қуролларини яратишнинг янги усуллари одамларнинг узоқ жойларга бориб ов ва меҳнат қилиши, шу асосда энг қулай ва яхши жойларни танлаб дам олиш, ҳатто ўтроқлашиб қолишига олиб келган. Шу тарихда дарёлар, қўллар, денгизларда ов қилиш, сайр этказиш, изланиш учун кемалар ясаб, улардан мақсадли фойдаланганлар. Бу соҳада Христофер Колумбнинг Америка қитъасига бориб қолиши (кашфиёти) турли саёҳатчиларнинг Ҳиндистон, Африка, Австралия ва бошқа қитъалар, мамлакатларга борганлиги тарихдан маълум.

Қадимги Ўзбекистон заминининг сўлим табиати, кўҳна шаҳарларидаги осорм-атикалар, дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган алломаларни вояга етказган масканлар жаҳон аҳлини, сайёҳларни ўзига чорлаб келган. Александр Макдуний (мил.авв. IV-аср) билан келган юнон маърифат-парварлари ўлканинг табиати ва ҳаётига оид қизиқарли эсдаликлар ёзишган. Хитойлик сайёҳ Яжан Цзянь (мил.авв. II-аср) Фарғона водийсидан Қизилқум чўлларигача бўлган. Шунингдек Хитойлик Сюань Цзан (VII-аср), италиялик Марко Поло (XIII-аср), арабистонлик Ёқут Ҳамавий (XIII-аср), марокашлик Абу Абдуллоҳ ибн Баттута (XIV-аср), испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо (XIV-аср), германиялик Иоганн фон Шилтбергер (XIV-XV-асрлар) Буюк Британиялик Энтони Женкинсон (XVI-аср) венгриялик Арминий Вампири (XIX-аср) каби дунё кезган сайёҳлар кўҳна юртимизда бўлишган ва кўрган кечирганлари тўғрисида хотиралар ёзиб қолдиришган.

Шунингдек, Турон заминининг машҳур кишилари ҳам дунё кезиб, сафар тассуротлари асосида қимматли асарлар ёзишган. Абу Райҳон Бериунининг ҳинд элига сафаридан кейин яратилган “Ҳиндистон” (1030 йил), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (1518/19-1530 йил), Абдурауф Фитратнинг Туркияга саёҳати хотиралари ўз ичига олган “Сайёҳи ҳинди” (1912 йил) каби асарлар шулар жумласидандир. Умуман шарқ бадиий адабиётига мансуб саёҳатнома жанрида ҳам қадим юрт ҳаётига бағишланган асарлар бор (Муқумий. Нодим ва ҳ.к лар).

Маворауннаҳрда илк сайёҳларнинг сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашган. Амир Темур Француз қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан доимий алоқада бўлган. Унинг элчиси 1403 йил Парижга келган. Испаниялик Клавихонинг “Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти” китобида Маворауннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши акс этган.

1.2. Туризм соҳаси кадрларни тайёрлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1999 й. 2 июль) қарори асосида Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм фаолияти, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода туризм коллежлари очилди. Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори (2004 й. 26 март) билан фаолиятини қайта қурган олий ўқув юртида ҳам туризм фаолияти иш бошлади. Шунингдек, мамлакатдаги бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам туризм соҳаси учун кадрлар тайёрланади. Ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг “Ўзбектуризм” миллий компаниясига қарашли республика илмий-консалтинг ўқув маркази амалга оширади. 2005 йилда марказ томонидан 51 гид, 201 гид-таржимон, 90 туристик оператор тайёрланди. 140 мутахассисга малака ошириш ўқув машғулоти, 190 ходимга семинар-тренинг уюштирилди.

2-§. Туризмнинг шакллари ва турлари

Ҳозирги даврда туризм жунёнинг жуда кўп мамлакатларида оммавий ту солган. Одатда, туризм туристик ташкилотлар орқали туристик маршрутлар бўйича уюштирилади. Туризмнинг жуда кўп турлари ва шакллари мавжуд (ички, халқаро, ҳаваскорлик туризми, уюшган туризм яқин жойга саёҳат, узокқа саёҳат, билим савиясини кенгайтириш мақсадида туризм тоққа чиқиш, сув туризми, автотуризм, пиёда юриладиган туризм, спорт туризм ива бошқалар).

Ўзбекистонда туризм соҳасига раҳбарликни «Ўзбектуризм» миллий компанияси (1992 йил 27 июлда тузилган) олиб боради. Компаниянинг асосий вазифаси туризм инфраструктурасини ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб қилиб замонавий туристик комплексларни барпо этиш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизматлар доирасини кенгайтириш ва бошқалардан иборат.

Туризм амалий ҳаракатларни тақозо этувчи ўз белгиларига кўра жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айни вақтда таълим-тарбиявий хусусиятлари бўйича педагогик жараён ҳам бўлиб тараққиётда муҳим ўринга эга. Яъни саёҳатлар давомида билим ва амалий малакаларни ошириш йўли билан ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш имкони юзага келади.

Сайр (экскурсия) қўйилган мақсадлар асосида шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, ижтимоий фаолияти ва саломатлигига қараб уюштирилади. Уларнинг энг асосий йўналишлари қуйидаги тарзда намоён бўлади:

1. *Мақтаб ёшигача болалар тарбия муассасаларида сайрлар*
2. *Мақтаб ўқувчиларининг сайр-саёҳатлари*
3. *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчиларининг сайр-саёҳатлари*
4. *Олий ўқув юртлари талабаларининг сайр-саёҳатлари*
5. *Меҳнат жамоалари ходимларининг сайр-саёҳатлари*
6. *Аҳоли истиқомат жойларида кишиларнинг сайр-саёҳатлари*
7. *Хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларнинг сайрлари*

Сайрларни ташкил қилишнинг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. *Шуғулланувчиларнинг (қатнашчилар) саҳат-саломатлигини яхшилаш учун пиёда кезиш, хордиқ чиқариш, қулай жойларда машқлар, ўйинлар ўтказиш.*
2. *Атроф-муҳит, табиат манзараларини таништириш, эътиборга лойиқ аҳоли яшайдиган жойларни ўрганиш*
3. *Тарихий ва маданий обидаларни томоша қилиш ва уларнинг тарихини ўрганиш*
4. *Ўзи яшаб турган жойларнинг тарихи, ривожланиши ва халқи ҳаётини ўрганиш (билиш)*
5. *Илмий изланишлар (мутахассислар) олиб бориш ва ҳакозо*
6. *Диний мақсадларда муқаддас қадамжолар ва бошқа тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш, бориб кўриш ва ҳакозо*

Эътироф этиш лозимки, мазкур сайрлар билим (тушунча) ва амалий малакалар ҳосил қилиш йўлида таълим – тарбия вазифасини ўтайди. Шу билан биргаликда қатнашчиларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш, жисмоний баркамолликни ўстиришга қаратилади. Демак туризм шакл ва мазмун жиҳатдан тарбиявий ҳамда соғломлаштирувчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштириш билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайр қилишда (экскурсия) қатнашчиларнинг белгиланган жойга етиб бориши, уловларга чиқиш ва тушишлари, сайр-саёҳат манзилига кириш ва бевосита сайр-саёҳатларда иштирок этиш жараёнида пиёда юриш асосий ўринда туради. Чунки, эркин равишда барча фаолиятларни бажариш, юкларини кўтариб юриш, томоша-сайр жараёнларида фаол қатнашишда шароитларга қараб тез ёки секин юриш, тўхташ, баъзан югуриш ҳам амалга оширилади. Бу жараёнлар ҳам саёҳатчиларнинг саломатлигини яхшилаш, фаол амалий ҳаракатлар қилишда кўмак беради.

Хулоса қилиб айтганда туризмнинг сайр-саёҳат ва пиёда юриш шакллари мазмун ва моҳият жиҳатдан ўз хусусиятларига эгадир. Уларни

мақсадли уюштириш ва олиб боришда мутасадди ходимларнинг масъулиятлари эътиборга лойиқдир.

2.2. Туризмнинг турлари

Туризм мазмун жиҳатдан кенг қамровли ижтимоий – тарбиявий хусусиятга эга бўлган педагогик жараён ҳисобланади. Инсонларнинг амалий фаолиятлари, ижтимоий турмуш шароитлари, табиат манзараларига қизиқишлари ва бошқалар жуда кўп соҳаларни эътиборга олган ҳолда туризм кўп тармоқли соҳадир. Уларнинг энг асосий турларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Пиёда юриш саёҳати
2. Тоғларда юриш саёҳати
3. Қояларни забт этиш саёҳати
4. Чамалаб топиш (орентирование) саёҳати
5. Тезоқар дарёларда эшак эшиш саёҳати
6. Уловларда (автомото, велосипед ва ҳакозо) юриш саёҳати

Таъкидлаш лозимки, мазкур турлар мазмун жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилиши ва тартиб-қоидаларнинг ўз хусусиятларига қараб мустақил спорт соҳалари ҳам ҳисобланади.

Пиёда юриш саёҳатида унинг шакллари (бир кунлик, кўп кунлик) қараб масофалар белгиланади ва маълум даражада талаблар қўйилади. Тоғ туризми (тоғларда юриш саёҳати) пиёда юриш саёҳатининг давомидир. Яъни барча ҳаракатлар бунда такрорланади. Фақат категориялик (қийинчилик даражалари: 1.2.3.4.5.6) жиҳатдан бошқа туризмлардан фарқ қилади. Аниқроқ айтганда баландлиги 1,5-5 км (денгиз сатҳига нисбатан) тоғларга чиқиш давонлардан ошиш, тезоқар сувлардан кечиш каби мураккаб ҳаракатлар бошқарилади.

Қояларни забт этиш туризми (скалалазание) пиёда юриш а тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Фақат тик қоялар, қояларга тирмашиб чиқиш (арқонлар, ҳимоя воситалари ва ҳакозо) билан тубдан фарқ қилади.

Чамалаб топиш (орентирование) туризми ҳам пиёда юриш, тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Яъни маълум масофани пиёда ўтиш, тўсиқлар, давонлардан ошиш ҳоллари бундан ҳам қўлланилади. Бошқа туризм турларидан фарқли ўлароқ, бунда харита, чизма, компас, қуёш, ой, юлдуз ва ҳакозо фойдаланган ҳолда мақсадга етиб боришдир. Яъни номаълум ва нотаниш жоёларни топиш асосий фаолияти ҳисобланади. Туризмнинг бу туридан пиёда юриш, тоғ туризм ива бошқалар каби туризмлар бўйича ўтказилган махсус мусобақаларда (слётлар) кенг фойдаланилади.

Автомобиль, мотоцикл, велосипед каби уловларда юриб саёҳат қилиш ҳам муҳим ўринларни эгаллайди. Тез оқар дарёларда қайиқ, эшак, сол ва шунга ўхшаш мосламаларда ўтириб саёҳат қилиш ҳам амалда мавжуд. Бунинг учун катта тайёргарликлар, жисмонан махсус маҳоратларга эга бўлиш талаб этилади.

Хулоса шундан иборатки, туризм ўз моҳиятига кўра кўпгина турларга бўлинади. Уларнинг мазмуни шуғулланувчиларнинг жисмоний баркамоллигини ошириш билан бир қаторда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик каби инсоний фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Асосий туристик йўналишлар

«Ўзбектуризм» миллий компанияси саёҳат қилиш турига қараб қуйидаги туристик йўналишларни ишлаб чиққан:

- классик туристик йўналиш (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент; Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент) энг қадимий ёдгорликлар ва тарихий – маданий обидаларга ташриф билан боғлиқ;

- археологик туристик йўналиши (Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхандарё ҳудудлари бўйлаб) энг қадимий археологик ашёлар топилган ва Айни пайтда қазилма –қидирув ишлари олиб борилаётган жойлар билан танишишни мақсад қилиб қуяди;

- экологик туристик йўналиши (Чатқол тизмасидаги дам олиш ва даволаниш оромгоҳлари, Зомин ва Бухоро вилоятларидаги кўриқхоналар) алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва инсон саломатлиги учун фойдали жойларга саёҳат билан боғлиқ;

- экстремал туристик йўналиши (Чимён, Фарғона водийси тоғ ён бағри, Орол бўйи, Бухоро ва Навоий вилоятлари текисликлари бўйлаб) табиий кийинчиликларни энгиб ўтишни назарда тутади;

- маънавий туристик йўналиши (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятлардаги) тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш билан боғлиқ;

ҳаво йўллари туристик йўналиши (Ўзбекистон шаҳарлари ва германия, Голландия, Италия, Россия, Хитой, Япония каби ҳорижий давлатлардаги) кўзланган манзилга самалётда етказиш билан боғлиқ;

Шунингдек, мамлакат бўйлаб маданий сайр – танишув, спорт-сайёҳлик, даволаниш мақсадли, дам олиш туристик йўналишлари ва б. бор.

Ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш учун саволлар

1. Туризмнинг жамиятдаги ўрни нималардан иборат ва қандай хусусиятларга эга?

2. Туризм шаклан қандай турларга эга?

3. Сайр-саёҳат тушунчалари бир биридан нима билан фарқ қилади?

4. Туризмнинг асосий турлари ҳақида нималарни биласиз?


5. Пиёда юриш, тоғда юриш, қояларга чиқиш, чамалаб топиш каби туризм турларининг бир-биридан фарқлари нимада?

6. Туризмнинг қандай йўналишлари мавжуд?

1-чизма



2-чизма



Туризмнинг тарихи 19-асрдан бошларига бориб тақалади. Дастлаб Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган (1815 й.). Туризмнинг асосчиси ҳисобланмиш инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 йилда 1-темир йўл сайёҳлигини ташкил қилди. Шундан сўнг у ўзининг хусусий туристик корхонасини тузди ва 1866 йил дастлабки сайёҳлик гуруҳлари АҚШга жўнатилди. Шарқда араб сайёҳи *Ибн Баттута* 21 ёшида саёҳатни бошлаб, деярли барча Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларини пиёда кезиб чиқди.

Тарихий маълумотларга қараганда XIX асрнинг биринчи ярмида рус сайёҳлари Марказий Осиёнинг тарихи, маданияти, табиий бойлиги ва географик муҳитини ўрганишга илк қадамлар қўйишган. Айниқса бу жараёнлар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида кенг аж олган. Бунда тарих, география, ботаника, этнография, археология ва бошқа кўп соҳалар бўйича олимлар, ҳарбий мутахассислар сафарбар этилган. Уларнинг мақсад ва вазифалари кўп қиррали жараёнларни ташкил этиб, истилочилик асосий ўринда турган. Шулар қаторида географик муҳит ва табиий бойликларни ўрганиш, қидириб топиш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бундай мураккаб ва машаққатли тадбирларни ташкил қилиш ҳамда амалга оширишда Б. А. Федченко, П. П. Семенов, Тянь-Шаньский катта жасоратлар кўрсатишган, яъни улар Тянь-Шань, Помир-Олой тизма тоғлари, уларнинг қуйи тармоқларини харитага олганлар. Булар ўз навбатида ўша даврда ва кейинги замонларда тоғлар, дарёлар, конларни ўрганишда, шунингдек, гуруҳ бўлиб саёҳатлар ташкил қилишда анча хизмат вазифаларини ўтаган.

1900 йилда Санкт-Петербургда Рус тоғ жамияти ташкил қилинди. Д. Н. Анучин, В. И. Вернадский, И. В. Мушкетов, П. П. Семенов, Тянь-Шаньский, Б. А. Федченко ва бошқа унинг ташкилотчилари бўлган. Бу жамият турли йўналишлар (маршрут) чизмаларини (схема) ишлаб чиқди ва Кавказ, Олмаота ва бошқа жойларда ўз бўлимларини ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, таниқли тарихчи Н. К. Гупин, геолог А. П. Перпинский, ёзувчи Д. Н. Маминсибиряк, олимлар К. А. Тимирязов, Д. И. Менделеев, И. П. Повлов, сайёҳлар Н. М. Пржевальский, Н. А. Норденшельд ва бошқалар жойлардаги бу жамиятнинг фаол ташкилотчилари ва аъзолари бўлишган.

Бундай тарихий далилларни тилга олишдан мақсад шуки, уларнинг тажрибалари Ўзбекистон шароитларида ҳам кенг қўлланилган.

Бунинг гувоҳи сифатида XX аср бошларида Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Фарғона водийси йўналишидаги темир йўл бекатларининг Великий Алексеевич (Бахт), Урсатьевский (Ховос), Горчаков (Марғилон), Ломакин (Зомин), Милготин (Ғаллаорол) каби рус генераллари, олимлари, сайёҳлари номи билан аталганини эслашнинг ўзи кифоядир.

Совет ҳокимияти йилларида туризм миллионлаб кишиларнинг маънавий бойлигига айланиб қолди. Туризм дам олиш, саёҳат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш формасига айланди ва социалистик қурилиш, маданиятнинг раванқ топиши билан у йилдан-йилга такомиллашиб борди.

Мамлакатда ёшларни меҳнат ва муҳофаага тайёрлаш, табиатни, тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Жисмоний тарбия, спорт ва туризм меҳнат ва муҳофаанинг муҳим омилларидан бўлиб қолди. Совет жисмоний маданият ҳаракатининг ривожланиши туризмни ҳам жисмоний маданият ҳаракатининг ривожланиши туризмни ҳам жисмоний тарбиянинг асосий воситасига айлантирди.

1919 йилда Москвада ўқувчилар экскурсиянинг Марказий бюроси ташкил этилиб, у 30-йилларга келиб Марказий болалар экскурсия-туристик станциясига айлантирилди.

Туризмни омиллаштиришда Москва комсомолларининг хизмати катта бўлди. 1928 йилда “Комсомольская правда” газетаси ва Москва шаҳар комсомол ташкилоти раҳбарлигида Волховстрой ва ҳарбий шон-шухрат жойларига биринчи оммавий юриш ташкил қилинди. Шу йилларда болалар ва ўсмирлар туризмида ҳам анча силжишлар юз берди. 1927 йилда Маориф халқ комиссарлиги “Болалар ва ўсмирлар ўртасида экскурсия ишларини янада ривожлантириш ҳақида” қарор қабул қилди.

Бу қарор Ўзбекистонда ҳам амалга оширилди. Туристлик ҳаракатини янада такомиллаштириш ва уни оммалаштириш мақсадида партия ва ҳукумат қарорига асосан 1930 йилда Бутуниттифоқ кўнгилли пролетар туризми ва экскурсия жамияти (ОПТЭ) тузилди. 1932 йил 3 апрелда бу жамиятнинг биринчи Бутуниттифоқ съезди бўлиб ўтди. Съездда 290 делегат иштирок этди.

1936 йилдан бошлаб ВЦСПС оммавий туризм ва альпинизм ишларига бевосита раҳбарлик қила бошлади.

Бутуниттифоқ туризм секцияси ташкил қилинди ва “СССР туристи” нишони таъсис этилди.

1949 йилда туризм Бутуниттифоқ ягона спорт классификациясига мустақил спорт тури сифатида киритилди. Шундан кейин туризм бўйича спорт мастерлари ва мастерликка номзодлар пайдо бўла бошлади. Спорт классификациясининг ўша даврдаги талаби бўйича спорт мастери талабини бажариш учун 12 та узоқ саёҳатларда 3000 км. масофани босиб ўтиш кифоя эди.

1962 йил 20 июлда ВЦСПС президуми “Туризмни янада ривожлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди ва шу қарор асосида туристик-экскурсия бошқармас (ТЭУ) туризм Советига айлантирилди. Шунинг алоҳида қайд қилиш керакки, 50-йилларнинг охири ва 60-йилларда Бутуниттифоқ кўнгилли “Спартак” спорт жамияти ва унинг қуйи органларида туризм барқ уриб ривожланди. Ишлаб чиқариш корхоналари, савдо тизимлари, ўрта махсус ўқув юртларида оммавий туристик походлар, слётлар ўтказиш анъанага айланди. Қуйи жамоаларидаги фаол, тажрибали туристлар Бутуниттифоқ туристлар слётларида қатнаша бошладилар. 1963 йилнинг августида Исикқўл ва Олмаота яқинида “Спартак” спорт жамиятининг III Бутуниттифоқ туристлар слёти ўтказилди. Бу слётда Ўзбекистон терма командасидан Тошкент ва Самарқанд туристлари қатнашдилар. Улар орасида ўзбек туристи Р. Абдумаликов ҳам бор эди.

Туризмнинг барча турлари бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини юқори савияда олиб бориш, тарихий, маданий ва ҳордиқ чиқариш жойлари билан меҳнаткашларни таништиришда “Турист” журналининг (у 1966 йилдан бошлаб чиқа бошлаган) хизмати катта аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, туризм ҳақида жуда кўп адабиётлар, методик қўлланмалар, справочниклар ҳам мавжуд. Айниқса А. Х. Абуков (1970, 1980), А. Беляков (1969), П. Н. Богданов (1974), А. Колесников, В. Кудрявцев (1974) каби мутахассисларнинг туризм бўйича назарий ва амалий асарларида туризмнинг тараққиёти, унинг келажаги, туристик походларни ташкил қилишнинг илғор шакли ҳамда методлари, кўпгина корхоналардаги туристик иш тажрибалари ўз аксини топган. М. С. Юнонъев (1974), Д. Арманд (1965), Ю. А. Штюрмер (1974) каби муаллифлар қўлланмаларида эса туризм ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларига кенг ўрин берилган.

1960-1976 йилда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйича ҳам туристик маршрутлар, саёҳат йўллари ва қўлланмалар тайёрланган, пиёда юриш, тоғ туризмига оид адабиётлар мавжуд. Чунончи, В. Рацекнинг “Чимён”, “Ўрта Осиё йўллар бўйлаб”, А. Колбинцевнинг “Ўзбекистон йўллари бўйлаб”, “Фарғона водийси бўйлаб саёҳат”, В. Кучерявихнинг “Фанкс тоғлари бўйлаб саёҳат маршрутлари”, Р. Абдумаликовнинг “Саёҳат саҳифалари” ва бошқалар шулар жумласидандир.

1951-1960 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри ва вилоят туризм бирмунча ривожланган. Ҳатто туризм ва экскурсия бўйича университет ташкил қилинган бўлиб, унда фақат ўлкани ўрганиш эмас, балки пиёда юриш, тоғ туризми бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб турилган. Бу университетда асосан туризм, ўлкани ўрганиш бўйичаинструкторлар, жамоатчи туристик активлар тайёрланган. Бунда А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) география факультети, “Искра” (кейинчалик “Спартак”) спорт жамияти қошида ташкил қилинган туризм секцияси катта фаолият кўрсатган. Шаҳардаги 6-, 21-, 30- ва бошқа мактаб ўқувчилари ўзларининг географик ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ёрдамида кўп кунлик туристик походларда актив қатнашганлар.

1955 йилга келиб республикада туризм билан шуғулланувчилар сони 8327 кишига етди. Бу пайтда 6 мингдан ортиқ жамоаларда туризм секциялари иш олиб борган эди. Туристлардан атиги 3 таси биринчи разряд, 155 таси ёшлар разрядига эга эдилар. Улар асосан Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳарларининг вакиллари эди.

1960 йилда Тошкент вилоят туризм совети 24 та дам олиш куни походини ташкил қилди, унда 543 киши қатнашди 1-2 категорияли походларда эса 26 киши иштирок этди. Фақат Самарқанд шаҳрида 2225 киши туризм билан мунтазам равишда шуғулланди. Самарқанд вилоят “спартак” спорт жамияти қошидаги туризм секциясининг раиси А. П. Аванесов бошчилигида Зарафшон тизма тоғларидаги Оғалиқ, Миронкул ва Самарқанднинг шимоли-шарқида жойлашган Афросиёб тепаликларига походлар уюштирилди. 1960 йилнинг бошларида 1820 метр баландликдаги

Оғалиқ тоғига қишки поход ташкил қилиниб, чўққилардан бирига “Спартак” номи берилди. Бу походда 18 киши қатнашди. Кейинчалик бу чўққига чиқиш туристлар учун энг қизиқарли машғулот бўлиб қолди.

1961 йили республика бўйича бир кунлик туристик походларда жами 4620 киши қатнашди. 1962 йилда республика “Спартак” спорт жамияти бўйича 380 жамоада (шундан 67 таси ўқув юртлари) 5931 киши туризм билан шуғулланди. Улар орасида 1 та спорт мастери, 561 та “СССР туристи” нишондори, 11 та биринчи разряд, 22 та иккинчи разряд, 96 та учинчи разряд, 123 та жамоатчи инструктор, 70 та судья бор эди.

ВЦСПСнинг 1962 йил 20 июлдаги “Туризмни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига асосан 1962 йилда Ўзбекистон ССРда туризм Совети ташкил топди ва унинг биринчи ташкилий пленуми 1962 йил 13 сентябрда бўлди.

1962 йили Самарқандда республика туристларининг 1-слёти бўлди. Ўзбекистон ССР вакиллари шу йилиёқ Бутуниттифоқ туристлар слётида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Бу даврга келиб Самарқанд область туристларининг маҳорати бирмунча ошди. Шаҳар туристлар секциясида тажрибали туристлар пайдо бўла бошлади. А. П. Аванесов, В. Н. Бойцони (техник), О. Т. Никонов (озиқ-овқат трести методисти), Р. П. Сухарева (тикув фабрикасининг ишчиси), В. П. Заруцкий (№21-сонли мактаб ўқитувчиси), Р. Абдумаликов (хотин-қизлар педагогика билим юртининг ўқитувчиси) ана шулар жумласидандир.

Республикада 1963 йилда 296та секция мавжуд бўлган бўлса, 1964 йилда уларнинг сони 1000 тага етди, туристлар сони эса 23,7 мингдан 50 мингтагача ўсди. Поход қатнашчиларининг сони 80 мингдан 160 мингга кўпайди, “СССР туристи” нишондорлари сони 3197 кишидан 10 минг кишига ортди.

1966 йилда туристлар тайёрлаш борасида бирмунча муваффақиятларга эришилди. Қуйидаги жадвал бунинг яққол далилидир.

Туристлар тайёрлаш маълумоти

<i>Спорт жамиятлари</i>	<i>Туристлар сони</i>	<i>Разрядлар</i>			<i>СССР туристи нишондорла</i>	<i>Жамоатчи институт</i>	<i>Судьялар</i>	<i>Турбазалар</i>
		<i>I</i>	<i>II</i>	<i>III</i>				
<i>“Меҳнат”</i>	19729		17	184	1810	564	193	6
<i>“Спартак”</i>	16956	-	3	313	3661	648	110	9
<i>“Буревестник”</i>	3518	4	49	236	304	159	2	17
<i>“Локомотив”</i>	1935	16	5	10	576	98	9	4
<i>“Пахтакор”</i>	4073	9	-	-	1834	8	32	4

Ўзбекистондаги туристик базалар ва уларда дам олувчилар сони

<i>Кўрсаткичлар</i>	<i>1970 йил</i>	<i>1975 йил</i>	<i>1976 йил</i>	<i>1977 йил</i>	<i>1978 йил</i>	<i>1979 йил</i>	<i>1980 йил</i>	<i>1984 йил</i>
<i>1. Туристик базалар сони</i>	8	22	20	22	23	27	30	36
<i>2. Ётиш жойлари сони (минг)</i>	1.4	3.6	3.6	3.7	4.6	5.7	6.1	82
<i>3. Турбазаларда дам олувчилар (минг)</i>	74.5	198.4	237.3	326.7	395.7	475.6	510.0	621.0

Ўзбекистонда мустақиллик қарор топгач туризм ишлари кенг йўлга қўйила бошланди. Унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги фармони билан туризм соҳасида республика ягона сиёсатини амалга оширувчи давлат органи “Ўзбектуризм” миллий компанияси тузилди. Унинг таркибига тармоққа алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари киритилди, ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бали шаҳрида (Индонезия) 1993 йилда бўлиб ўтган X сессиясида “Ўзбектуризм” миллий компанияси унга тўла ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланувчи 408 та фирма ва корхона бор. 14 мингдан ортиқўринга эга бўлган 168 та меҳмонхона фаолият кўрсатади (2006). Республикага 2005 йилда дунёнинг 117 мамлакатидан 241,9 минг хорижлик турист саёҳатга келди. Ўзбекистон фуқароларидан 380.9 минг киши чет элга туристик саёҳатга чикди. Шунингдек, мамлакат ички туризмидан 334,1 минг киши фойдаланди.

Мамлакатда “Ўзбектуризм” миллий компанияси муассислигида рус ва инглиз тилларида “Туризм Ўзбекистана” (Tourism of Uzbekistan) журнали нашр этилади ва компания ўзининг www.Uzbektourism.uz веб сайтыга эга.

Қишки туристик зона. Мамлакатнинг қишки туристик зонаси Тошкентдан 80 км. шимолий-шарқда, Чатқол тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган. XX асрнинг 70-йилларида бу масканда қурилиш ва текислаш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда бу зонада бир-бирига яқин “Чимён оромгоҳи” (денгиз сатҳидан 1500 м баланд), “Чорвоқ оромгоҳи” (денгиз сатҳидан 890 м баланд) саломатлик марказлари ва тоғ чанғи спорт маркази бўлиб, дам олувчиларнинг декабрь-апрель ойларида қишки спорт турлари билан шуғулланиб, қиш зийнатидан баҳра олган ҳолда саломатлигини тиклашлари учун шароит яратилган. Хизмат кўрсатиш шохобчаларида турли русумдаги чанғи, чана ва сноубодлар ижарага берилади. Бу воситаларда

учиш учун денгиз сатҳидан 1500-4100 м баландликда узунлиги 300, 500, 800, 1500 ва 3000 м, қиялиги 25-52 бўлган турли типдаги трассалар бунёд этилган. Дам олувчилар баландликка канат (осма) йўл, бугель кўтаргич, янада баландроққа вертолётлар ёрдамида чиқишлари мумкин. Масканда 700 дан зиёд ўринли меҳмонхона ва коттежлар, 100 кишига мўлжалланган ресторан, тамаддихоналар, дискотека, спорт заллари, сауна ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Хусусий туризм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1998 й. 8 авг.) қарори мамлакатда туризм ишини янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта туристик ташкилотлар хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш ҳамда хорижий сармояни туризм соҳасига жалб қилишни жадаллаштиришга қаратилади. Шу қарор асосида Тошкентда “Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси” (ХТГА) тузилди (1998). Мамлакатда фаолият кўрсатаётган “Сайрам туризм”, “Долорее тур”, “Отель Ориент стар”, “Ситора интернейшнд”, “Мовароуннахр” каби турли типдаги туристик ташкилотлар ХТГА нинг таъсисчилари бўлишди. Ўзбекистон ва хориждаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаётган ХТГА нинг ҳозирги кунда 50 дан зиёд аъзоси бор (2006). ХТГА аъзоларига туристик фаолият кўрсатиш лицензиясини узайтириш, сайёҳларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, темир йўл ва ҳаво йўлларида олиб юришда имтиёзлар белгиланган.

Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ва туристларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди (1999). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2003 й. 11 ноябрь) қарори туризм билан шуғулланишни истаган субъектларга қулайлик яратди. Ҳозирги кунда мамлакатда 326 та хусусий туристик ташкилот фаолият кўрсатади (2006).

3-§. Ўзбекистон ва халқаро туризм

Бозор муносабатларга ўтиш даврида республикада рўй бераётган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг муҳим ва истиқболли соҳаларидан бири бўлган туризм фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантириш салоҳиятига ва юқори рақобатбардошликни таъминлашда нисбий устунликларга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан кўпроқ меъморчилик

ёдгорликлари бор.... Табиат-иқлим шароитлари қишин-ёзин саёхатчиларни қабул қилиш имкониятини беради¹”- деб таъкидлаб ўтган эдилар. Туризмнинг асосини ноёб табиий шарт-шароитлар, қадимдан Ўрта Осиёда яшаб ўтган халқларнинг уйғониш давридан бошлаб маданий ва этник меросни ташкил қилувчи кўп сонли тарихий-архитектура ёдгорликлари, курортлар, дам олиш уйлари, сайр-саёхат объектлари, миллий парк ва кўриқхоналарнинг замонавий шахобчалари ташкил қилади. Шу билан бир қаторда республикада туризмнинг ҳозирги давридаги ривожланиш даражаси унинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.

Халқаро ва “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси экспертларининг баҳолашича бугунги кунда мамлакатимиз туристик салоҳиятининг 12-15 фоизидан фойдаланилмоқда, холос.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримов туризм соҳасини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. “Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниб, дунёни англаш, шу билан бирга дунё сахнига чиқиш демакдир.... Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларимизнинг 2500-3000 йиллик тарихи бор. Бу жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин”². Ривожланган мамлакатларда туризмдан олинадиган валюта тушумлари бутун экспорт ҳажмининг 10-35% ни ташкил қилади. Туризм соҳаси учун жадал ривожланиш ҳос бўлиб, қатор мамлакатларда йиллик ўсиш суръатлари юқорилиги (24% гача) билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнги йилларида туризмга оид эълон қилинган фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик бозорга интеграциялашиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Бу қонуний ҳужжатлар Республикада туризм соҳаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўпгина тадбирлар билан бирга қатор муаммолар ечимларини ҳам кўзда тутди. Туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишда давлатнинг ролини ошириш, туризм ривожланишининг жаҳон амалиётида жамланган илғор тажрибасини, усуллари ва воситаларини миллий иқтисодиётимизга жорий қилиш шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда республикамизда миллий туризмнинг барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий, услубий ва амалий ёндашувларини ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотлар бозорини шакллантириш, мазкур соҳа фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мавқура.Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996,252-б.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 282-283-б.

усуллари ва уни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини, туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро туризм инсонларнинг дам олиш, завқланиш, бўш вақтини самарали ўтказиш, соғлиғини тиклаш, дунё, ўлкалар билан танишиш, спорт мусобақаларида қатнашиш, маънавий дунёсини бойитиш каби ишларга эҳтиёжининг ортиб бориши, бошқа халқларнинг урф-одати ва турмуш тарзини билиш учун интилишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ўтмишга назар соладиган бўлсак, инсоният ҳар доим маконда ўзининг ҳаракат доирасини ўзгартириб, янги-янги ерларни кашф қилган, турмуш-тарзини бойитган ва ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланиши, такомиллашиши учун интилган. Бу шахсни шаклланиши ва камол топишига ижобий таъсир кўрсатиб, бунда туризм, айниқса унинг халқаро йўналиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Халқаро туризм жуда кўп қиррали бўлиб, унинг таркибий қисмлари бўлган меҳмонхона, овқатланиш, транспорт, савдо, дам олиш ва сайр қилиш жойлари ва бошқа кўплаб соҳалар, жараёнлар бир-бири билан узвий боғланади ва ҳаракатга келади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бориб, у жаҳондаги энг кўп даромад келтирадиганасосий соҳалардан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда глобаллашув ва халқаро инеграция жараёнларининг чуқурлашуви туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш кўламининг кенгайишини тақозо этди. Бу эса туризмни миллий иқтисодиётининг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантирмоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра бугунги кунда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 11 фоизи, инвестицияларни 10 фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи туризм соҳаси хиссасига тўғри келади.³ XX аср 90-йилларининг бошларидан ҳозирги кунга қадар мазкур соҳага киритилган инвестицияларни ўртача йиллик ўсиш суръати 30 фоизни ташкил этди. Ҳозирги вақтда ҳар 16 иш ўрнидан бири туризм тармоғи зиммасига тўғри келади. Жаҳон экспортида туризм нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда автомобиллар экспортидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.⁴

Туризм тараққиёти учун қилинадиган сарф-харжатлар бошқа соҳаларга қилинадиган сарф-харажатларга қараганда ўзини тезроқ оқлайди. Шу билан

³ Пузакова Е.П. Международный туристический бизнес. М. издательство «ПРИОР», 2001, стр.3

⁴ Балабанов И.Т. , Балабанов А.И. Экономика туризма. М. Финансы и статистика, 2000, стр.3.

бирга туризм иқтисодиётнинг ўзига хос ва муҳим тармоғи ёки даромад манбаигина эмас, балки мамлакатлар орасидаги ташқи сиёсий алоқаларни ҳар томонлама ривож топтириш, дўстона муносабатларни яхшилаш, турли мамлакатлар ва халқлар маданияти, санъати, анъанавий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бутун жаҳонда тез суръатлар билан ривож топаётган туризм яқин келажакда кўрсатиладиган хизмат соҳалари орасида энг олдинги ўринга чиқиб олиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида жаҳон миқёсида шундай мамлакатлар борки, улар асосан туризмни ривожлантириш ҳисобига яшайди, равнақ топади, бойийди. Айрим мамлакатларда туризм ривожланишидан тушадиган даромад мамлакат миллий даромадининг деярли ярмини ташкил этади. Туризмдан тушган даромад эвазига Андорра, Лихтенштейн, Монако, Сан-Марино сингари митти давлатлар ўзини зарур ноз-неъматлар билан таъминлабгина қолмай, балки бойлик орттирмоқда. Бундай мамлакатларда туризм иқтисодиёт негизи ҳисобланиб миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача беради.

Халқаро туризмни ривожлантириш борасида Австрия, Германия, Швеция, Скандинавия мамлакатлари катта тажрибага эга. Кейинги йилларда бу муҳим соҳада Хитой, Малайзия, Исроил, Туркия каби мамлакатлар ҳам улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эгаки, ўзининг қулай географик ўрни, жаннатнамо табиий шароити туфайли жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин эгаллайди, ҳамда ноёб меъморчилик ёдгорликлари билан қатор мамлакатлар билан беллаша олади. Шириндан-ширин ҳўл мевалари, қовун-тарвузлари, хилма-хил ўзига хос миллий таомлари ва ниҳоят гўзал анъаналари, урф-одатлар, очик юз ва меҳмондўст халқи билан бутун дунё аҳлининг эътиборини ўзига тартади.

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожига ҳақида Осиё бўйича жаҳон туризми ташкилотининг минтақавий вакили Хариш Варманнинг қуйдаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. “Тошкент ва умуман Ўзбекистон, - дейди у, - менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объектлар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими-илиқ, дўстона меҳмоннавоз муҳити кишини лол қолдиради. Буларнинг бари-сайёҳларнинг бу ёққа келиши учун яхши асос”.⁵

Буюк ипак йўли.

Шарқ ва Ғарб мамлакатлаини ўзаро боғлаган қадимий қарвон йўли шу ном билан аталади. Бу атама шу қарвон йўлидан узоқ йиллар ташилган қимматбаҳо хом ашё-Хитой ипаги билан боғлиқ. Ғарб мамлакатларида ипак ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, 15-асрларга келиб бу қарвон йўлида қатнов тўхтади. 1987 й. ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон

⁵ Ахмедов Э. “Ўзбекистон шаҳарларида мустақиллик йилларида”, Т..Абу Али ибн Сино, 2002й.85-86 бет.

ўн кунлиги доирасида “Ипак йўли-мулоқот йўли” халқаро дастурини қабул қилди. Бу дастур Шарқ билан Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, қадимий карвон йўлида истиқомат қилаётган Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг тадқиқ этиш ишлари бошланишига асос бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг географик ўрни туризмни ривожлантиришда Марказий Осиё давлатлари ичида анча қулайдир. Бу борада Республика Президенти И.А.Кармов ўз асида, “Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларини йўлга қўйиш нуктаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатидан қисман қулай жўғрофий-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишган”-деб ёзади.⁶

Ўзбекистон ҳудуди қадимий “Буюк ипак йўли” нинг марказида жойлашгани учун ҳар жиҳатдан жадал ривожланди. Хитой ва Европани боғлаган карвон йўллари ўтган жойларда савдогарларга, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида карвонсаройлар, сардобалар, работлар қурилган. Йўловчилар Пойкент карвонсаройлари, Бухоро яқинидаги Работи Малик, Мирзачўлдаги Сардоба каби иншоатларда дам олиб ўтишган. 10 асрларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 10 мингдан зиёд карвонсарой, 16-асрларда 400 (баъзи манбаларда 1000)дан зиёд сардоба ва работ бўлганлиги қайд этилган.

1994 й.да Тошкен ва Самарқандда жаҳон туристик ташкилоти (WTO)нинг “Ипак йўли” лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича халқаро йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш маркази этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк ипак йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди (1995). Шу фармон асосида “Ўзбектуризм” миллий компанияси “Буюк ипак йўли” ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан зиёд туристик йўналиш ишлаб чиқди, археологик-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида чоратадбирлар белгилади. WTO билан ҳамкорликда Самарқанд ва хивада шу мавзуга бағишланган йиғилишлар уюштирилди. Самарқандда WTOнинг “Буюк ипак йўли”ваколатхонаси очилди.(2004). Бу Ўзбекистоннинг қадимий йўналиши маркази сифатида фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

“Буюк ипак йўли”йўналишида Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан туташтирувчи “Транс Осиё” транспорт магистралининг қурилиши Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажаради. Бу магистраль Япония, Хитой,

⁶ Кармов И.А. Ўзбекистон ХХIаср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари- Т.Ўзбекистон. 1997й 227-228бет

Ҳиндистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Покистон, Эрон ва Европа мамлакатларини ўз ичига қамраб олади. Ушбу транспорт линиясининг муҳим қисми Транскавказ коридори (ТРАСЕКА лойиҳаси) ҳисобланиб, у 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида “Дельфин” тадқиқоти ўтказилмоқда. У қарвон саройлар қуришни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш билан шуғулланади. Экспертлар фикрига кўра, у “Буюк ипак йўли”нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки Ўзбекистон ва Туркменистоннинг асосий маршрутларида ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, уй-жой, устахоналар, овқатланиш ва телекоммуникацион ускуналарининг қурилиши янги туристик зоналар шаклланишига, шунингдек, туристик автотранспортларни юклаш ишларининг фаоллашувиغا олиб келади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Бу ўринда туризм соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президент И.А.Каримовнинг 1995 йил 2 июнда чиқарган “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасини иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш” тўғрисидаги Фармони малакатимизда туризмни ривожлантиришда дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, туркийтилли давлатлар бошлиқларининг 1996 йил октябр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган IV-учрашувида президентимиз “Буюк ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркийтилли давлатларнинг маданий меъросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш” дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, мақсадли сайёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида таклифларни олдинга сурди⁷. Бундан ташқари 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури” тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда 1999 йил 20 августда чиқарилган “Туризм тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни туризмнинг келажак истиқболини белгилашда катта аҳамият касб этди.

Юқоридаги қарор ва фармонлар асосида қисқа вақт ичида республикамизнинг кўпгина минтақаларидаги тарихий, диний обидалар, буюк сиймолар қабрлари, даҳмалари, масжиду мадрасаларини қайтадан тиклаш ва таъмирлаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Бу бевосита туристик объектларнинг кўпайишига ва яхшиланишига олиб келди.

Маълумки, БМТнинг 1972 йилда қабул қилган конвенциясида халқларнинг нодир маданий ёдгорликларини авайлаб асрашга келишилган. Ҳозирги кунда дунё бўйича 500 дан ортиқ маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган бўлиб, улар ўзига хос тақрорланмас тарихий-маданий ансамбллар, меъморчилик ёдгорликлари, табиий кўриқхоналар ва бошқа туристик

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т: Ўзбекистон. 1997й.308-309бет

аҳамиятга молик объектларни қамраб олган. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг туристик объектларини салоҳияти бўйича жаҳонда катта мавқега эга.

Ўзбекистонда сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги ва 1996 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот ҳамда реал секторда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиб бориши, инфляция даражасининг мўътадиллиги, аҳоли номинал ва реал даромадлари ҳажмидаги ижобий ўзгаришлар туризм ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири кўп асрлик тарихий ривожланишни ўзида акс эттирувчи ўзига хос маданий мероснинг мавжудлиги ва республикамизнинг диний-тарихий обидаларга бой эканлиги билан боғлиқ. Республикамиз ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморчилик обидалари ва ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият қисми ЮНЕСКО томонидан ҳимоя қилинади. Самарқанддаги Улуғбек обсерваторияси (1428-1429й.), Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуаси (9-19асрлар), Ҳазрат Хизр мачити (19 аср ўрталари), Биби-Хоним (1399-1404 йй), Улуғбек (1417-1420йй), Шердор (1619-1635/36йй), Тиллақори (1647-1659/60 йй) мадрасалари, Рухобод (1380йй), Оқсарой (1470йй), ГўриАмир (1404й) мақбаралари, Хўжа Ахрор (15-20аср)ансамбли, Тошкентдаги Кўкалдош (14аср) мадрасаси, Ҳазрати Имом меъморий ансамбли (16аср), Бухородаги Арка (11-20асрлар), Сомонийлар (9-10асрлар) мақбараси, Чашмаи Аюб (1380ёки 1384/85йй), мозори, Абдуллахон (1596/98 йй), мадрасаси, Гаукушон (16аср), Лаби Ҳовуз (16-17аср) ансамбллари, Ситораи Моҳи Хоса (19асрнинг охири 20асрнинг боши) мажмуаси, Хивадаги Саидбой (18асрнинг охири 19 асрнинг боши) мачити ва мадрасаси, Оқ мачит (1832/42йй), Муҳаммад Аминхон (1871й) мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оқсарой (1380-1404йй), Ҳазрати Имом (14аср)мачити, Кўк Гумбаз (1435 й) мачити, Термиздаги Қирққиз (9-14асрлар) қалъаси, Ҳаким ат-Термизий (10-15асрлар) меъморчилик мажмуаси, Султон Саодат (10-13 асрлар) ансамбли, Қоратепа (2-4 асрлар), Фаёзтепа (1-3 асрлар), Фарғона водийсидаги Худоёрхон (1870 й) қалъаси, Саид Аҳмад хожи (19асрнинг боши) мадрасаси ана шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси республикамизда диний ва танишиш туризмни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратади.

VI. БОБ. ЎЛКАШУНОСЛИҚДА АРХИВЛАР ВА МУЗЕЙЛАРНИНГ РОЛИ

1-§. Ўзбекистонда архив ишларининг ривожланиши

Архив – бу идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек тарихий шаҳарлар айрим ҳолларда фуқороларнинг фаолиятига оид ҳужжатлар сақланадиган муассаса ҳисобланади. Ўлка тарихини ўрганишда унда сақланаётган материалларнинг аҳамияти жуда ката.

Архив сўзи – ҳужжат асров маъносига эга бўлиб, лотинча «archivum» – ҳужжатлар сақланадиган жой маъносини англатади.

Архив ҳужжатлари ёзма ва оғзаки шаклларда мавжуд. Оғзаки тарихий ҳужжатлар ҳар хил техника воситалари билан ёзиб ёки тасвирлаб олинади. Ҳужжатлар махсус жойларда, яъни архивларда соҳаларга ажратилган хронологик саналарга, қиммат ва аҳамиятига қараб тартибга солинган ҳолда сақланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат архив фонди (ДАФ) таркибига 1917 – йилиги тўнтаришга қадар ва ундан кейинги даврдаги ташкилотларнинг фаолияти муассасалар ва айрим шахслар, шунингдек тарихий ёзма ёдгорликлар, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва ҳамдўстлик давлатлари халқларининг маиший, маънавий маданияти, кинофото ҳужжат фондлари, кинофилм негативлари, фотосуратлар, уларнинг тўлатувчи позитивлар, граммафон, патафон пластинкалари ва ёзиб олинган овоз метариаллари илмий тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа нарсалар: иллюстрациялар, кўлёзма негативлар, шунингдек тарғибот ва ташвиқот мақсадида нашр қилинган плакатлар, варақалар, эълонлар ва бошқалар, микрофото ҳужжатлар ҳамда сўнгги пайтларда замонавий компьютер дискетлари ҳам киритилган.

Архив муассасаларда ҳужжатлар маълум бир тартиб асосида жойлаштирилади.

Тошкентда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўз РМДА)да сақланаётган қимматбаҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳиятига кўра Ўрта Осиёдаги ҳамдўстлик давлатлари Марказий давлат архивлари ичида энг йириги ҳисобланади. Ундаги ҳужжатлар ўз тартибига кўра бўлимлардан, улар эса боблардан, боблар – фонд (жамланма) лардан фондлар ҳам алоҳида ҳужжат (иш) бирликларидан иборат қилиб тизимлаштирилган бўлиб, улардан фойдаланишга қулайлик яратилган. Масалан, ушбу архивнинг I бўлими «Давлат маъмурий бошқарув ўргинлари» деб номланган бўлиб 7 бобдан иборат.

I боб – «Туркистон вилояти Бошқарув ўргинлари» ҳақидаги ҳужжатларга доир бўлиб 336 фондда сақланади ва ҳаказо.

Археолог олимларни сайи ҳаракатлари туфайли ўлкамизда кўплаб номаълум бўлиб келаётган архивлар излаб топилди. Бунга эса дастлаб қадимги тупроққалъа ҳаробаларидан Хоразм шоҳларига тегишли III - IV аср бошларига оид архив қолдиқларини топилганлигини айтса бўлади.

Шунингдек Суғдиёна давлатининг «Муғ» тоғлари ҳаробаларидан 1930 йилларда «Деваштич архиви» топилган бўлиб, қазилмалар натижасида бу ердан VIII асирга оид 80 дан ортиқ муҳим қўлёзма ҳужжатлари мавжуд эканлиги аниқланган.

Шу каби олиб борилган тадқиқотларга кўра қадимги ўзбек давлатларида III – IV асрдаёқ марказлашган ҳамда хусусий архивлар ҳужжатхоналар фаолият кўрсатганлигига амин бўламиз.

Архив ишлари ўрта асрларда янада шаклланиб борган. Масалан, Бухорода IX – X асрларда Абу Али ибн Сино фойдаланган архив кутибхона бўлган. Марказий Осиёда архивлар XI – XII асрларда Хоразм давлатида кейинчалик Олтин Ўрдада, Темурийлар Аштархонийлар даврида ҳам мавжуд эди. Кўплаб ўтган урушлар вайронагарчиликларга қарамай Қўқон ва Хива хонлари архивлари, Бухоро амрлигининг Қушбеги архиви сақланиб қолган.

1917 йилга октябр воқеаларигача ҳужжатлар ҳар бир идора ва ташкилотнинг ўзида сақланган. Ҳужжатларни сақлаш ва улардан ҳар томонлама кенг фойдаланиш мақсадида собиқ РСФСР ҳукуматининг 1918 йил 1 июнда «Архив ишини қайта кўриш ва марказлаштириш тўғрисида» деб номланган декрети асосида барча тарқоқ архивлар марказлаштирилиб Москвада Давлат архив фонди (ДАФ) ташкил этилди. Туркистон Республикасида эса 1919 йил 5 ноябрда ягона давлат архиви жамғармаси (ЯДАЖ) ва Маориф халқ комиссарлиги қошида архив ишлари марказий бошқармаси (АИМБ) ташкил қилинди.

Маълумки 1924 йилдан Ўзбекистон ССР нинг ўз архив ташкилотлари вужудга келди. 1924 йил 28 декабрда махсус қарор билан Ўз ССР марказий ижроия қомитаси (МИК) ҳузурида Ўз ССР архив ишлари Марказий бошқармаси ташкил этилди.

Энди барча соҳа архивлардаги ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий давлат архивидаги (ЎМДА) топширилди ва архив фондлари шу ҳужжатлар ҳисобига бойиди. Вилоятларда вилоят архив бюрolari жумладан 1925 йилда Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Зарафшон вилоят архив бюрolari 1926 йилда эса Хоразм, Қашқадарё, Сурхандарё вилоятлари архив бюрolari очилди.

1925-1929 йилларда Марказий архивга 134 архив жамғармаси қабул қилинди виллоятлар архивларида 924 архив жамғармаси ва 994 минг ҳужжат сақланарди. 1930 йилдан Ўзбекистон Марказий Архив бошқармаси (ЎЗМАБ) вужудга келди. 1931 йили Ўзбекистон ЯДАЖ бўлимлари ўрнига марказий архив (МА) Ўзбекистон Марказий тарих архиви (ЎЗМТА) ташкил этилди. 1931 йил 20 майда Ўзбекистон МИКнинг қарорига асосан касаба уюшма архивлар МДА таркибига критилди. 1920 – 1930 йиларгача бўлган даврга доир ҳужжатлар Ўзбекистон марказий архиви ишлари бошқармасининг ҳар – хил секцияларида сақланиб келинар эди. Тарих ва маданият юридик ва иқдисодий жойлашган бўлимларида 122 та фонддаги 188710 та (ед.хр) иш ёки ҳужжат 1926 йилига қадар архив ишлар бошқармасининг 3 секцияси сақланиб келди. 1935 йил 21 декабрда Ресбубликада қабул қилинган қарорига биноан барча шаҳар ва туманларда давлат архивлари ташкил қилинди. 1936 йили 31 та туман шаҳарларда давлат архивлари тизилди. Ўша

йили Республика архивларида 1534 та архив жамғармалари ва 1 млн.дан ортиқ сақлов бирлигида ҳужжатлар сақланар эди.

1943 йилда Ўзбекистон Киносурат - овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви фаолият бошлади. У 1944-1945 йилларда 15 мингдан ортиқ фото ҳужжат қабул қилинди 1951-1954 йилларда Тошкентда 378 ташкилот архивлари тартибга солинди. 1962 йилда Ўзбекистон Марказий давлат тиббиёт архиви (1965 йилдан Ўзбекистон Тиббиёт ва техника ҳужжатлари марказий давлат архиви) ташкил этди. Архивлар ишларини уйғунлаштириш ва бошқариш учун 1959 йилда Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги қошида Архив бошқармаси тузулди. 1961 йилдан Мазкур бошқарма архивлар бошқармасига айлантирилиб, Ўзбекистон министрлар Советига бўйсунилди. 1992 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги бош архив бошқармаси деб номланди. Қорақалпоғистон республикаси ва Вилоят архивлар ҳамда муассасалар тасарруфидаги архивлар унга бўйсунди. ЎЗРда жами 77 давлат архиви бўлиб уларда 6 млн.га яқин ҳужжатлар жумладан 360 мингдан ортиқ сурат ҳужжатлари 14 минга яқин овозли ҳужжатлар 17.5 минга яқин кино ҳужжатлар сақланади (1999).

Марказий давлат архивида 13 дан бошлаб шу бугунгача бўлган ҳужжатлар бор. Ўзбекистон рассомлари Ўзбекистон БА Бадий жамғармаси шахсий тўплам ва музейлардан ўрин олган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қоқон ва бошқа шаҳарларда Муқумий, Фурқат, Аваз, Хамза, Айний, Мухтор Ашрафий, Абдулла Қаҳҳор, Гофур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон ва баъзи материаллари улар уй музейларида жамланган. Ўзбекистонда архивларни шакллантириш сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатлар ҳамда Ўз Р муассасалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Архивлар тўғрисида»ги қонуни (1999 йил 15 апрел) билан тартибга солинади. Ушбу қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча ҳужжатларни тўлиқ қамраб олишга Ўзбекистон Республикаси миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва фуқоролар жамият ва давлатнинг ижтимоий маданий илмий ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳужжатларни ҳисобга олиш экспертиза қилиш рўйхатдан ўтказиш бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилган. Қонунга кўра ҳужжатларда Ўзбекистон ҳалқининг модий ва маънавий ҳаёти акс этирилган барча фондларнинг мажмуи Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди деб ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси архив фонди давлат ва нодавлат архив фондлардан ташкил топади. Давлат архивларида ва давлатнинг бошқа ҳужжатхоналарида доимий сақланаётган ҳужжатлар шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув ўргинларида прокуратураларда судлар банкларда давлат корхоналари муассасалари ва ташкилотларида Ўзбекистон республикасининг дипломатик ваколотхоналари ва консуллик муассасаларида вақтинча сақланаётган архив ҳужжатлари давлат Архив фондини ташкил этади. Нодавлат юридик шахсларнинг фаолияти натижасида тўпланган ҳужжатлар шунингдек фуқароларнинг шахсий архивлари нодавлат архив фондини ташкил этади. Ҳужжатларни Ўзбекистон републикасининг

милий архив фондига киритиш ёки ҳужжатларни ундан чиқариш эксперт комиссиясининг хулосаси асосида амлга оширилади.

1.3. Тарихчилар архив ҳужжатларсиз қимматли далиллар билан асосланган тарихий асарлар ярата олмайдилар.

Шунинг учун тарихий жараёнларни ёритишда архив ҳужжатларининг қайта тадқиқ ва ташкил этиш масаласида алоҳида эътиборга лойиқ.

Архив ҳужжатлари яъни архивларда сақланаётган ёзма, чизма шаклида қағозга туширилган ҳужжатли материаллар, кино – фотоҳужжатлар ва бошқа турли манбаалар архившуносликнинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади. Бундай манбалар эса давлат муассасалари жамоат ташкилотлари корхоналар ёхуд алоҳида шаҳарларнинг фойяти натижаси ўлароқ дунёга келади, тўпланади ва архивларнинг бебаҳо мулкига айланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқан ҳолда ана шу ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганишни, улардан илмий-тадқиқот ишларида ва таълим-тарбия жараёнларида кенг фойдаланишни, ёшларни эса шундай йўллар билан ҳар томонлама соғлом фикрлай оладиган комил инсон даражасида тарбиялаш масалаларини кун тартибига қўйган.

Бу борада Тошкент шаҳри «Чилонзор» кўчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви алоҳида эътиборга эга. Сақланаётган ҳужжатларнинг кўлами ва бойлиги, турли кўринишдалиги ҳамда хизмат кўрсатишнинг яхши йўлга қўйилганлиги ушбу масканда тадқиқот ишлари олиб боришнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ҳужжатларнинг аксарият кўп қисми XIX асрнинг II ярмидан, яъни подшо Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилганидан кейинги даврга таъллуқлидир.

Бу ҳужжатлардаги Туркистонда чор ҳукуматининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати, рус халқи билан Ўрта Осиё халқларининг маданий аълоқалари, сор буржуа аппарати ва ташкилотларининг бекор қилиниши ҳақидаги ва бошқа муҳим материаллар Ўрта Осиё халқлари тарихини ҳаққоний ўрганишда бебаҳо манбадир.

Марказий архив фондларидан жой олган бу ҳужжатлар фақат ўзбек халқининг тарихинигина эмас, балки туркман, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа қардош халқлар тарихини ҳам чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон МДА фондларида хали тадқиқотчиларнинг қўли тегмаган давлатчилик тарихига оид ҳужжатлар, Туркистон халқларининг 1918-1920 йилларда олиб борган миллий-озодлик ва эрк учун курашлари, Туркистон Шўролар ҳукуматининг Туркистон мухториятининг тан олмаганлиги, уни ағдариб ташлагани, миллий мустақиллик учун кураш олиб борган Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарлар аҳолисининг шўролар томонидан шафқатсизлик билан қирилганлиги, миллий сиёсатни амалга оширишда шўролар ҳукуматининг йўл қўйган хатолари натижасида биргина

Фарғона водийсида 180 дан шахар, қишлоқларнинг шафқатсизлик билан йўқ қилиб юборилганлиги ҳақидаги далилий ҳужжатлар мавжуд.

Архив ҳужжатлари асосида жуда кўп миллий ишлар қилинди. Бугунги кунга қадар шу материаллар асосида 200 дан ортиқ диссертациялар ёқланди. Ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган архившунослик Ватан тарихини, шу жумладан, ўз ўлка тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишда ўқувчилар, талабалар ҳамда изланувчиларга катта ёрдам беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Архивларнинг ўлкашуносликдаги аҳамияти қандай?
2. Ўзбекистонда архившуносликни тараққиётига оид схемали чизма яратинг.
3. Ўзбекистонда архив ишлари қандай йўлга қўйилган.
4. Ҳужжатларни тарихий манба сифатидаги ўрнини айтиб беринг.

Таянч тушунчалар

1. Архив – ҳужжат асров.
2. ДАФ – Давлат архив фонди
3. Фон – архивларда маълум йўланишдаги ҳужжатлар сақланадиган жой.
4. Ўз.РМДА – Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви
5. ЯДАЖ – Ягона давлат архив жамғармаси

2-§. Музейлар – тарих кўзгуси

Ўлкашунослик манбалари орасида музейнинг ўрин ва аҳамияти катта. У моддий ва манавий маданият ёдгорликларнинг асл нусхаларини, археология, этнография, топонимикага оид материалларни тўплайди, сақлайди ва илмий асосда ўрганиб таҳлил қилади, натижаларини эса экспозиция сифатида оммалаштиради.

Йиғилган ва музейда сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва унинг фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу манбалар асосида музейлар илмий тадқиқот, маданий – маърифий ҳамда таълим – тарбия ишларини олиб боради.

Музейларни тарих кўзгусига қийслашади. Улар нафақат ўтмишни муайян даражада акс эттирувчи ойна, балки ўзидаги мавжуд маълумот – материаллар асосида мамлакатимизда кечаётган бугунги ўзгариш жараёнлари ҳақидаги тасавурларимизни яққолроқ намоён бўлишига хизмат қиладиган табаррук даргоҳлардир.

Музейларни қисқача таърифлайдиган бўлсак, музейлар (юнонча *musion* – музаларга бағишланган жой, музейларнинг дастлабки ватани Қадимги Юнонистон бўлиб, бу ердаги Геликон тоғи атрофида музаларга бағишлаб ҳар

беш йилда бир марта байрамлар ўтказилиб, унда шоирлар,рассомлар ва хайкалтарошларнинг ўзаро мусобақалари бўлиб турган.”Ўлжаева Ш, Музейшунослик, Т,”Университет”,2002 йил”) – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий – маърифий муассасалар ҳисобланади.Музейларда, асосан, моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек, санъат асарлари жамланади, шу билан бирга ёзма манбалар (қадимдан ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма хужжатлар, китоблар), рақамли маълумотлар, диаграмма, жадваллар,фото тасвир, фоно ёзув ва хроник кинофильм каби нарсалар сақланади.

Музейлар – моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини, шунингдек табиат ва инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги билимларнинг илк манбалари ҳисобланадиган табиий – тарихий коллекцияларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, кўргазма қилиш ва оммага етказиш билан шуғулланади.

Биз музейга маданий – тарихий, табиий – илмий қадриятларни йиғувчи ва улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида тарғиб қилувчи ижтимоий институт деб ҳам қараймиз.

Музейларни бошқа институтлардан фарқлантириб турувчи ўзига хос хусусиятлари бор.Масалан,архив каби маълум даврга тегишли хужжатлар билан шуғулланиш,кутубхоналар каби маълум информацияларни етказиб бериш бу институт зиммасига кирмайди. Унинг зиммасига сақлаш, тадқиқотчилик, ўқув – тарбиявий масалалар кириши билан бирга қисқа вақт ичида узлуксиз тарихни ёритиб бера олишдек масъулиятли вазифа юкланган. Шунингдек маданий ҳордиқ чиқариш муассасаси сифатида ҳам бошқа институтлардан фарқланиб туради. Демак,музей ижтимоий талаб – эҳтиёжни қондиришга, тарихий хотирани хужжат далилий маълумотлар асосида жонлантиришга, кишиларга эстетик завқ бағишлашга хизмат қилади.

Музейлар ўз фаолиятининг хусусиятига кўра илмий – тадқиқот ва илмий – маърифий муассасалар ҳамдир. Илмий – тадқиқот муассасаси сифатида музейлар маданият ва табиий – тарих ёдгорликларини, шунингдек, табиат ва жамият ҳақидаги билимлар бўйича бошқа илк манбаларни тўплайди, ўрганади ва сақлайди. Илмий – маърифий муассасалар сифатида эса музейлар ўзларининг тадқиқот ишлари натижаларини кўргазма ва нашр қилиш сингари илмий – маърифий фаолиятларида намоёниш қиладилар.

Энди музей предмети тушунчасига аниқлик киритиш керак. Бу масалага олимлар XVII асрдаёқ аниқлик киритишга ҳаракат қилишган. И.Д. Майорнинг уринишлари бунга мисол бўла олади.У музейда сақланадиган предметларга реал, тўла, ҳаққоний, қудратли ва узоқ вақт сақланадиган нарсалар сифатида қараган.

XIX асрга келиб фаннинг ихтисослашуви шунга олиб келдики, музейларда сақланаётган предметларга кўпроқ турли фанларнинг манбалари сифатида санъат асарлари, табиат парчалари сифатида қарала бошланди. Буларнинг барчасини умумлаштирувчи “коллекцион предмет” деган тушунча пайдо бўлади.

Ҳозирги пайтда музей предмети деганда асл нусхадаги ҳужжат аҳамиятга эга бўлган ва музей соҳасига мос тушадиган инсон фаолиятининг натижаси ёки табиатга алоқадор нарсаларнинг намуналари тушунилади. Демак, музей предмети – бу реал воқеликдан ажратиб олинган, музей аҳамиятига эга бўлган, музей тўпламига киритилган ва узоқ вақт сақланиши мумкин бўлган нарсалардир. У ижтимоий ёки табиий – илмий ахборотларни ташувчи билимлар ва руҳий кечинмаларнинг асл манбаи, маданий – тарихий бойлик – миллий мулкнинг бир бўлаги ҳисобланади.

Баъзи предметлар моддий ишлаб чиқариш асносида пайдо бўлади. Булар ашёвий манбалар ҳисобланиб, бизнинг тилда моддий маданият ёдгорлиги дейилади.

Ашёвий манба ишончли, далилий бўлиб, иккинчи томондан информацион имконияти чекланган. ашёвий манба - мавҳум тушунчаларни ифодаламайди. Ҳатто музей ашёларидан тангани олсак ҳам уни аҳамияти аниқ.

Бошқа манбалар – ёзма, тасвирий, фоноёзувлар орқали кенг тушунчага эга бўламиз. Тасвирда сезги орқали тушуниладиган ранг конфигурациялар мавжуд. Булар семиотикада тасвирий манба дейилади. Улардаги ашёи формаси, ранги аниқ кўринади. Семиотика буни иконик манбалар дейди. Уларга тасвирий санъат асарлари (расм, графика, бадиий плакат, ҳайкалтарошлик) киради. Схематик тасвирга эга бўлган чизмалар, режалар, карталар, аниқ размер, геометрик форма тўғрисида аниқ маълумотлар бера оладиган турга кириб схематик тасвир дейилади.

Ёзма манбалар аниқ – кўринишлар орқали эмас – белги – сўз рамзи бўлиб хизмат қилади. Ёзма манбалар кенг маълумот бера олади. Уларга хроникалар, йилномалар, қонунчилик ҳужжатлари, сенатистик – далиллар, илмий ишлар, ноёб китоблар ва бошқалар киради.

Ёзма манбаларни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ.

1. қонуний, сиёсий, статистик, олимлар тадқиқотлари ва бошқалар.
2. Эстетик завқ берувчи бадиий адабиёт.
3. Публицистик, мемуар, хроника йилномалари.

Фоноёзув ва микрофильмлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бу манбаларнинг энг қадимгиси моддий манбалар бўлиб, кейинчалик тасвирий ва белги – рамз натижасида ёзув келиб чиққан.

Ашёвий, тасвирий, ёзма манба ҳар музейда бўла олади, фоноёзув ва микрофильмлар кам учрайди. Музей предметининг қанчалик қимматга эга эканлигини аниқлашда уларнинг асл нусхасига, фактнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятига, ишончилигига, ҳажмига, исботлилигига, бажариш санъатига, эстетик хусусиятига, сақланиш даражасига эътибор берилади. Предметнинг қандай материалдан қилинганлиги эмас, бажарилиш санъатига қаралади.

Типли предметлар – кўплаб чиқариладиган саноат ашёсидан олинади.

Йирик музей предметлари – камёб чиқарилади.

Музей предметлари – экспозициянинг асосий ядроси ҳисобланади. Экспозицион материаллар бир неча турда бўлади.

Музей предметлари – маданий тарихий ёдгорликларни, барча типдаги тарихий манбаларни, ўз ичига олиб экспонат ролини бажаради. Бунга фотохужжатлар ҳам киради. Бир ёки бир неча белгисининг ўхшашлиги, илмийлиги, бадиийлигининг бир – бирига яқинлигидан ташкил топган предметлар музей коллекциялари дейилади.

Музей фаолияти музей фондлари орқали амалга оширилади. Музей фондлари архив ва кутубхона фондларидан фарқ қилиб тарихий жараёнларни комплекс ҳужжатлаштиради. Улар моддий, тасвирий, ёзма ва фоноёзув, кинофильм материаллари тарзида намоён бўлади.

Музей фондларини тадқиқ этиш ва илмий тарбиявий ишларда улардан тўғри фойдаланиш орқали кишиларда ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги узвий алоқадорлик ҳақидаги тушунчалар ортади. Музейдаги материаллар кўпинча экспозиция тарзида жойлаштирилади. У ҳам бўлса, маълум бир соҳага тегишли туркум материаллар (экспонатлар) мажмуасидан иборат.

Тарихий экспозицияларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари шундан иборатки, аввало кишиларга Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, тарихий билимларни кенг тарғиб қилиш, илмий дунёқарашларни шакллантириш, маънавий, сиёсий, эстетик тарбияни кучайтиришдир. Ҳар бир давлатда тарихий экспозициялар ўз тарихи нуқтаи назаридан турлича бўлади.

Музей экспозициясининг ўзига хос хусусияти бор.

Биринчидан, унда умумий воқеалар эмас, предметлар асосида маълум воқелик ёритилади, бу эса инсонга эстетик завқ бағишлайди.

Иккинчидан, музей экспозицияси асосида илмий концепция ётади. Бу концепция экспозициянинг ғоявий мазмунини белгилайди, музей йиғимидаги предметларни

Танлаш принципларини, уларни гуруҳлашни, композициясини, тадқиқ қилишни, бадиий ечимини топишни ўргатади.

Экспозиция кишиларга дам олишда, маданий ҳордиқ чиқаришда катта роль ўйнамоғи лозим.

Экспозицияни тузишда музей предмети экспозиция элементига, яъни музей экспонатига айланади.

Музей экспозицияси – музей коммуникациясининг асосий шакли бўлиб ҳисобланади. Вақтинча экспозиция – музей кўргазмаси ҳам бўлиши мумкин. Кўргазмалар – маълум сиёсий воқеаларга, юбилейларга атаб ташкил этилади. Ҳозирги давр тўғрисида маълумот беради.

Музей турлари. Республикамиз ҳудудида уч турдаги музейлар мавжуд бўлиб, биринчи турдаги музейларга илмий – тадқиқот ва маданий – маърифий ишларни олиб борадиган музейлар киради. Улар бир вақтнинг ўзида илмий – тадқиқот ва маданий – маърифий ҳамда таълим – тарбиявий ишларни олиб боради. Улар музейларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, баъзан халқ музейи ёки оммавий музейлар деб ҳам аталади.

Иккинчи турдаги музейларга фақат бир соҳа бўйича илмий – тадқиқот ишлари олиб борадиган музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги бактериялогик ва минералогия музей) киради.

Учинчи турдаги музейларга фақат ўқув туридаги музейлар киради. Бу музейнинг асосий мақсади ўқув жараёнини яхшилашдан иборат.

Музей турлари кўп жиҳатдан унда сақланаётган коллекция фондларининг характерига ва улар фаолиятининг йўналишига боғлиқдир. Шунингдек, турли фан соҳаларига бўлинган музейлар ҳам бор. Бу музейлар орасида кўпроқ маълум бўлганлари ёки фақат ўша соҳа мутахассислигигагина равшан бўлган маълум тармоқни акс эттирувчи музейлар ҳам мавжуд. Масалан, Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини, Тасвирий санъат музейини, Алишер навоий номли адабиёт музейини, Туркистон Ҳарбий Округи музейини, Табиатшунослик музейини кўпчилик омма яхши билади, аммо археология, этнография, ҳарбий – тарихий, мемориал, регионал, санъатшунослик, техник музейларини кўпроқ ўша соҳа мутахассислари биладилар. Булардан ташқари яна мураккаб ва комплекс соҳали музейлар ҳам мавжуд. Улар эса мемориал, ўлкашунослик музейлари сифатида қайд этилади.

VI. 2.2 Ўзбекистон тарихи Давлат музейи.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи – Ўзбекистон Фанлар академиясининг йирик илмий – тадқиқот ва маданий – маърифий муассасаларидан бири. 1876 йилда Тошкент музейи номида ташкил этилган. 1883 йил Туркистон оммавий кутубхонаси билан бирлаштирилди. Этнография, археология, нумизматика, ҳарбий – тарих бўлимлари бўлган (1903 й). 1918 йил Туркистон ўлка халқ музейига, 1922 йилдан Туркистон бош музейига, 1925 йилдан Ўрта Осиё бош музейига айлантирилди. 1943 йилдан Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деб номланган. 1969 – 1992 йиллар Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деб аталган. 1992 йил 21 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 203 – сонли қарорига мувофиқ, бир неча музейларни бирлаштириш асосида ҳозирги номи билан қайта ташкил этилди.

Музей Ўзбекистон ва Ўра Осиё халқларининг моддий ва маънавий обидаларини сақлаш ва ўрганиш бўйича мамлакатда йирик илмий – тадқиқот маркази ҳисобланади. Ҳозирги кунда унинг захирасида 250 мингга яқин тарихий, санъат ва маданият ёдгорликларидан иборат осори атиқалар сақланади. Бунинг 60 мингдан ортиғини археология, 80 мингдан зиёди нумизматика ва 16 мингдан ортиғини этнография ёдгорликлари ташкил этади. Унда маҳаллий ўлкашунослар ўтмиш билан қизиқувчи ҳаваскорлардан тўпланган ўлка тарихига оид нумизматика, археология, уй – рўзғор буюмлари ва фотосуратлардан иборат коллекциялар ҳам мавжуд.

Археология фондиди археологик ёдголиклардан топилган ашёлар, деворий тасвирлар, уй – рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, қадимий ёзувлар тасвирланган ашёлар ва бошқа буюмлар сақланади.

Нумизматика фондида эса энг қадимги даврлардан то шу кунгача зарб этилган олтин, кумуш, мис тангалар, пуллар, олтин ва кумуш медаллар ва подшо сулолаларининг мкҳрлари жамланган.

Музейдаги этнография фонди эса ниҳоятда қимматли буюмлардан иборат бўлиб, халқимизнинг уй – анжомлари, кийим – кечаклари, заргарлик буюмлари, халқ хунармандчилигининг ҳамма соҳасига оид иш қуроллари ва маҳсулотларидан намуналар – ҳар бир этнографик ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шулардан 10 мингдан ортиғи ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётига оид бўлса, 6 мингги Ўзбекистон ҳудудида яшовчи бошқа миллатларга тааллуқлидир.

Музейнинг янги экспозицияси Ўзбекистонни жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини, шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий – маданий жараёнларнинг энг қадимий даврларидан бошлаб, ҳозирга қадар бўлган тараққиётини ўзида акс эттирган.

Юнон – Бактрия, Кушон, Кўҳна Хоразм, Нахшаб, Бухоро ва Чочда зарб қилинган тангалар алоҳида диққатга сазовор. Бу тангаларда маҳаллий ҳукмдорларнинг қиёфаси, бошқаларида эса қабила белгилари ёки тамгалар зарб қилинган. Музей экспозициясида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган тоҳирийлар, сомонийлар, қорахонийлар, темурийлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлиқларига мансуб тангалар намоиш этилган.

Музей архив ва кутубхонага эга. Музей фаолияти давомида олимлар томонидан илмий асарлар, илмий ва оммабоп китоблар, альбом, буклет ва турли кўрсаткичлар ҳамда мактаб ўқувчилари ва талабалар тарбияси учун илмий – методик қўлланмалар нашр этиб келмоқда. Улар орасида кейинги йилларда нашр этилган “Темурийлар сулоласининг тангалари” (1996 й); “Каталог металлических и керамических изделий Узбекистана XIII – XIX вв” (2000); “Ўзбек миллий кийимлари” (2002); “Фарғона водийсидаги миллий озодлиқ курашлари” (2003); “Тошкентнинг янги шаҳар қисми тарихи” (2004) каби нашрлар бор.

Музейда 4 та фан доктори ва 4 та фан номзоди ишлайди. 2003 йил апрелда музей қошида илмий – методик кенгаш ташкил қилинган.

Музей 1964 йилдан 1887 й. қурилган собиқ Туркистон давлат палатаси биносида фаолият юргизган. 1992 йил апрелдан собиқ Ленин биносига кўчиб ўтди. Мазкур

бино (1970, меъмори Е. Розанов, В. Шестопалов ва б.) Тошкент шаҳрининг марказида Шароф Рашидов шоҳқўчасида жойлашган. Бино мурабба тарҳли, 20 та зал (умумий экспозиция майдони 3,2 минг кв.м), маърузалар (500 кв.м) ҳамда конференция (170 кв.м) заллари, устахоналар, фонд, иш хоналаридан иборат. Анъанавий панжара услубида ишланган қуёш нуридан сақловчи тўсиқлар оддий геометрик шаклдаги бинога жозибадорлик бахш этган; кенг йўлка (пандус) бино олди майдонига олиб бориб, 2-қават вестибюли билан боғланади. Бино 1999 – 2003 йилларда қайта таъмирланди (меъмор Р. Искандаров ва б.), ички тузилиши ўзгартирилди, янги дизайнда замонавий техника билан жиҳозланди. Устахоналар, фонд ҳамда ходимларнинг иш хоналари 1 – қаватда жойлашган. Бино интерьерлари миллий анъаналарда (ганчкорлик – М. Усмонов ва б.; ёғоч ўймакорлиги – Қ. Ҳайдаров ва б.) зийнатланган, таъмирлаш даврида маҳобатли деворий расмлар (рассом А. Икромжонов, А. Алиқулов) билан безатилган.

VI.2.3. Ўзбекистонда музейларнинг ривожланиши.

Ўзбекистонда музейлар XIX асрнинг II ярмидан ташкил топа бошлади. Чор ҳукумати Туркистон ўлкаси халқ оммасига миллий жиҳатдан ўзини англаш учун имкон бермас, чунки улар орасида тарихий билимларни кенг ташвиқот қилиш ва улар эътиборини қадимги ёдгорликлар қимматига жалб этиш чоризмнинг мустамлака сиёсатига путур етказди, деб ҳисоблардилар. Лекин ўрта Осиёни ўз мустамлака мулки деб билган чоризм беқиёс бойликларни ўзлаштириш учун Туркистонни илмий асосда ўрганиш зарурлигини яхши тушунарди.

Илмий жамиятлар, Туркистон ўлкасининг рус тадқиқотчи олимлари, айрим шахслар, айрим муассасалар ўз фондларини Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнографияси, флора, фауна дунёсига оид ажойиб коллекциялар билан тўлдириб олдилар.

Шу муносабат билан тарқоқ коллекцияларни бирлаштириш ва уларни Петербургга жўнатиш учун саралаш маркази лозим бўлиб қолди. Бунинг учун энг қулай Марказ музей ҳисобланиб, ўлкада музей ташкил этиш масаласи кўтарилди. Жумладан, А.П.Федченко Туркистон генерал – губернаторига тайёрланган ахборотда “Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли равишда танишиб чиқиш керак, музей эса бунинг энг яхши воситасидир”, деб ёзган эди.

Шундай қилиб, А.П.Федченко, И.В.Мушкетов, В.Ф.Ошанин, В.В.Бартольд ва бошқалар Туркистонда музейлар қурилишининг ташаббускорлари бўлдилар.

1876 йили биринчи бўлиб Тошкент музейи (Ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи) очилди. Шу пайтдан эътиборан, Ўрта Осиёда бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинди. Бирин – кетин Табиат музейи (1876 йил, Ҳозирги Ўзбекистон Табиат музейи), Самарқанд халқ музейи (1896 й, ҳозирги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи), Фарғона халқ музейи (1899 й, ҳозирги Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи) ва бошқа музейлар ташкил этила борди.

Музейларда хар хил аралаш – қуралаш экспонатлар бўлиб, этнография, техника, табиат тарихи, археология, нумизматика, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий қурол – яроғлар, ип газламалар, китоблар, ёзув қуроллари, лойдан ишланган ҳайкалчалар,

маҳаллий қоғоз ва ипак намуналари, аёллар безаклари, тумор каби турли туман маиший буюмларгача қўйилган эди. Музей фондлари тасодифан тўпланган хар хил коллекциялардан иборат эди. XX асрнинг 20 йилларидан турли соҳадаги музейлар ташкил этила бошлади. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофаза қилина бошланди. Илмий экспедитциялар уюштирилиб, музей учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилди, кўплаб музейлар ташкил этилди.

1973 йили Ўзбекистонда турли йўналишдаги 30 та музей шу жумладан, 4 та тарихий, 4 та мемориал ва 15 та ўлкашунослик музейи бўлган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 10 та Самарқанд ва Фарғонада 5 тадан, Андижонда 4 та музей иш олиб борган. 1980 йилга келиб эса Республикада

музейлар сони 33 тага етди. Томошабинлар сони ҳам 3,7 млн кишига кўпайди. (Содиқова Нафиса, Маданий ёдгорликлар хазинаси, Т. “Фан”, 1981 йил 210 бет.)

Ўзбекистонда мустақиллик йиллардан бошлаб музейларга давлат аҳамиятига эга бўлган маданият ва маърифат соҳаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ривожланиш кенг йўлга қўйилди.

Бугунги музейлар чоризм истибдоди ёки советлар тузуми даврларидаги ўзга мафкура измида ташкил этилган музейлардан фарқ қилувчи ўзига хос қиёфа ва мазмунга эга.

Совет даврида фақат “Қизил империя” мафкурасига хизмат қилган музейлар эндиликда миллий ўзликни англашга хизмат қилиши лозим. Музейлар маърифий роль ўйнабгина қолмай, балки ёш авлодни ватанпарварлик, ўз аجدодлари билан фахрланиш руҳида тарбиялашда ёрдам беради. Айти шу музейлар кишиларнинг илмий, маданий, тарихий, бадиий мерос, умуминсоний кадриятлар билан ошна бўлишларига, турли эл – элатларнинг динлари ва эътиқодлари, анъаналари ва турмуши, санъат асарлари билан танишишларига кўмаклашди. 1998 йил 12 январда “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Фармонда асосан Ўзбекистон ҳудудиди қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий – ахлоқий камолатида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини мустақиллигимизнинг одимларини акс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимизнинг онгида миллий ғурур ва ифтихар, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларнинг замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий – техника базасини мустаҳкамлаб жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шароитлар, чора тадбирлар кўриш ҳақидаги масалалар қайд этилган. Ушбу фармонга кўра Маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб қувватловчи «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма музейлар фондларида йиллар давомида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб нодир экспонатларни авайлаб асраш, уларни илмий томонларини ўрганиш, таъмирлаш, янги экспонатлар билан музей залларини бойитиш билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Уларнинг ичида соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йилда барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи ўз ашёларининг ноёблиги билангина эмас, балки биносининг ўзига хос меъморий қиёфаси ва юксак бадиий зийнатланиши билан ҳам музейга келувчиларни қойил қолдиради. Шу жиҳатдан музей халқимизнинг Амир Темурга юксак

эҳтиромининг тимсолигина бўлиб қолмасдан, Шарқона меъморчиликнинг фусункор намунаси ҳамдир.

Умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этган бу музей 6 ой давомида қурилиб битказилди. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи – Ўзбекистон ФА тизимидаги илмий-маърифий муассаса. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида» (2001 йил 1 май)ги фармони асосида Тошкент шаҳрида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи (2002 йил 31 августда) барпо этилган. Музей чор ва совет ҳокимияти даврида ватан озодлиги йўлидаги фаолияти ҳамда ҳатти-ҳаракати учун қатағон этилган ватандошлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил қилинган. Бу музей ҳам Шарқона гўзал қурилиш услубига эга.

Ўзбекистоннинг турли хил соҳаларга оид музейлари орасида учта йирик – Самарқанд, Бухоро ва Хива кўриқхона – музейи ҳамда учта йирик бадиий музей бор, улардан бири - Ўзбекистон давлат санъат музейи (Тошкент шаҳри)да тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъатини ажойиб намуналари жамланган бўлиб, чиндан ҳам Ўзбекистон миллий хазинаси номини олган. Иккинчиси – Ўзбекистон давлат амалий санъат музейи (Тошкент шаҳри)да амалий санъатнинг асл дурдоналари йиғилган. Музей биносининг ўзи ҳам ўзбек амалий санъатининг намунаси ҳисобланади.

Уни безашда энг мохир ўзбек усталари қатнашган. Ўйма нақшли устунлар, ганч ўймакорлиги услубида ишланган нозик деворий нақшлар, тасвирлар бетакрор, гўзал кайфият уйғотади. Бу музей халқаро кўرғазмаларда доимо иштирок этиб келади. Учинчи бадиий музей – Г.И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи (Нукус шаҳри)да рус ва ўзбек авангард тасвирий санъатнинг кўплаб асарлари, Қорақалпоғистон халқ амалий санъатининг ноёб намуналари билан танишиш мумкин. Музей хузурида мактаб ўқувчилари учун лекторий ва «Ёш рассом» тўғараги фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда ягона Табиат музейи (Тошкент шаҳри) 120 йилдан зиёд вақт давомида халққа хизмат қилиб келади. Музей экспозицияси Ер ва Қуёш системасига кирувчи бошқа сайёраларнинг пойдо бўлишини акс эттиради, гинетика ва селекция асослари, республиканинг табиий ва маданий ландшафтлари билан таништиради. Бу ерда этномология, ботаника ва геологияга оид туркумлар йиғилган. Музей фондларида 1,5 миллионга яқин ашё бор.

Галереялар ҳақида. Шунингдек, Ўзбекистонда бир қанча галереялар мавжуд.

1969 йилдан Урганч шаҳрида, 1979 йилдан Ангрена ва Сирдарё шаҳарлари бадиий галереялар ишлаб турибди. Айниқса, Тошкентда жойлашган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси йирик маданий-маърифий муассаса бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфида ҳисобланади. Унга 1994 йили 12 октябрда асос солинган.

2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан Тошкент шаҳрида махсус қурилган бинога жойлаштирилган (бош меъмори В.Н.Бреусенко; бош муҳандиси Г.В.Костина). Тўртбурчак тарҳли бино меъморликнинг энг сўнгги ютуқларини қўллаган ҳолда бунёд этилган, пойдевори, зиналари мармар билан қопланган, ички безаклари ганч ўймакорлигидан фойдаланган.

Галереяда 15 та кўргазма хонаси (умумий экспозиция майдони 3,5 минг кв.м), зарур техника ускуналари билан жиҳозланган мажлислар зали ҳамда хазина, маъруза ва кино заллари, кутухона моҳир уста студияси, устахоналар, бадийий салон, кафетерий бор. Галерея хазинасида XX аср бошидан ҳозирги кунгача яратилган Ўзбекистон тасвирий санъатнинг 1000 дан зиёд рангтасвир ва графика ҳамда нодир нумизматика намуналари сақланади. Ўзбекистон тасвирий санъатининг XX аср бошларида ижод қилган П.Беньков, Л.Бурэ, А.Волков, Усто Мўмин, М.Курзин, Н.Кошина, кейинроқ Н.Карохон, А.Абдуллаев, Ў.Тансиқбоев, Н.Кўзибоев, Ч.Аҳмаров ва бошқаларнинг асарлари билан бир қаторда замонавий тасвирий санъат намояндalари - Ўзбекистон БА академиклари Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, С.раҳметов, С.Абдуллаев каби рассомларнинг асарлари ҳам экспозициядан ўрин олган. Галереянинг нумизматика бўлимидаги Ўрта Осиёда турли тарихий даврларда зарб қилинган тангалар Ўзбекистон тарихини ўзида акс эттиради ҳамда катта маданий – тарихий ва илмий аҳамиятга эгадир.

Тошкентда жойлашган Олимпия Шон-Шуҳрат музейи 1996 йил 1 сентябрда фаолият бошлади. Ўзбекистонда спорт ишларининг ривожини, ютуқларини ўзида акс эттирувчи экспонатларга бой бўлган бу музейни безашда иқтидорли рассомлар (мусаввирлар) ва ҳайкалтарошлар, Ўзбекистон халқ усталари фаолият кўрсатдилар.

Музейнинг очилишида қатнашган Халқаро Олимпия Кўмитаси Президенти Х.А.Самаранч унга юқори баҳо бериб, «Музей жаҳонда иккинчи ўринда туради» -деб таъкидлаган (Ш.Тўлаганов, Н.Долганова «Мозийдансадо» журнали 1999 йил, 1,2-сонлар, 91-92-бетлар).

Кишиларда ҳарбий Ватанпарварлик руҳиятини шаклланишида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Марказий музейининг ўрни ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўз фаолиятини 1965 йилда бошлаган музейнинг экспозициялари дастлаб ҳозирги Марказий офицерлар саройи биносига жойлаштирилган эди. 1975 йилга келиб эса, музейнинг махсус биноси 4 ой ичида қурилиб, умумий майдони 3 минг квадрат метрни ташкил этган музей биносида 7 мингдан зиёд тарихий экспонатлар жойлаштирилган. 1997 йилда музей экспозициялари тубдан янгиланиб, қайта таъмирланди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи (Тошкент шаҳри) тиббий билимлар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларни тарғиб қилади. Унда республикада санитария ва гигиена тарихи, экология, касалликлар олдини олиш муаммолари кенг ёртилади.

Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейи (Тошкент шаҳри)да жуда катта китоб ва қўлёзма фонди мавжуд. Музей экспозициясида ўзбек халқининг жуда бой адабий меросга, шу жумладан, умум инсоният

тарихидаги энг ёркин шахслардан бири – Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига катта ўрин берилган.

Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Геология музейи - Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси (Давгеолқўм) тасарруфидаги музей: 1988 йилда очилган. Музей коллекциялари Ўзбекистонда геологлар фаолиятининг 75 йил мобайнида йиғилган катта ҳажмдаги материаллар ҳамда музейга совға сифатида таниқли геологлар томонидан тақдим этилган шахсий коллекциялар, Ўзбекистон Республикаси табиатини акс эттирувчи суратлар билан бойитилган. Музей Давлар геологлар қўмитасининг тадқиқот ишлари олиб борадиган илмий ва ўқув марказига айланди. Ўзбекистон геологлар маркази геология соҳасидаги олий ва ўрта таълим системасида ўқув-маърифий ишларни олиб бориш, турли чет эл компаниялари ва олимларнинг музей экспонатлари билан танишувини ташкил этиш ва геология фани эришган ютуқларни кенг тарғибот қилиш билан шуғулланади.

Тошкентда Кино санъати музейи, Бадий кўрғазмалар дирекцияси каби маданият масканлари ҳам бор. Шу билан бирга, ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассамлар, олимлар ва машҳур санъат арбоблари уй музейлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида Ў.Тансиқбоев, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҷофур Ҷулом, С.Есенин, М.Ашрафий, Ю.Ражабий, С.Бородин, М.Турғунбоева, Тамарахоним уй музейларини мисол қилиб келтирса бўлади. Мемориал хусусиятга эга (типга мансуб) бундай музейлар кишилар учун ибрат, сабоқ нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Фарғона филояти, Қўқон шаҳри, жиззах вилоятидаги ўлкашунослик музейларида ҳозирги кунда санъат бўлимлари очилган. Умуман олганда, ҳозирги даврда музейларимизда табиат, илмий-оқартув, санъат, заҳира, тарих бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимлар томонидан ташкил этилган кўрғазмалар савияси давр талабига мос равишда юксалтирилмоқда. Буни музейларга қизиқувчилар доираси кенгайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

1999 йил 1 январгача бўлган маълумотларга қараганда, Республика музейлари фондида 1.305.786 экспонат сақланмоқда. Ўтган йил давомида уларнинг асосий фондига 7.544 та экспонат қабул қилинган.

Республика музейлари умумий майдони – 137.150,4 кв.м., экспозиция майдони – 56.195,5 кв.м., фонд сақланадиган майдонлари эса 2.791 кв.м.ни ташкил этади.

Музейларда илмий текшириш, тўплаш ва экспозицион ишлардан ташқари турли-туман илмий-оқартув ишлари: экскурсиялар, маърузалар, музей кунлари, уруш ва меҳнат фаҳрийлари билан учрашувлар, ўлкашунослик викториналари, турли мавзулардаги тематик кечалар ва бошқа тадбирлар ўтказилади.

Музейларда доимий равишда давлат миқёсидаги Наврўз ҳамда Мустақиллик байрамларига бағишланган ҳамда ўлкамиз тарихи, улуғ замондошларимиз ҳақида халқ амалий санъати асарларидан иборат этнографик кўрғазмалар ташкил этиб турилади. 1998 йил давомида Андижон

вилоятида – 79 та, Тошкент вилоятида – 70 та, Қорақалпоғистон Республикасида – 38 та ва Тошкент шаҳри бўйича 37 та кўргазма ташкил этилиб, кенг жамоатчиликка намоиш қилинди.

Республикада музейларига ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1999 йил 1 январдаги маълумотга кўра, музейларимизни 1.655.400 киши келиб кўрган. Вилоятлар бўйича бу кўрсаткич қуйидагича: Андижон вилоят музейларини – 356.000 киши, Бухоро вилоят музей-кўриқхонасини – 180.000 киши, Тошкент вилояти музейларини – 174.000 ва Тошкентдаги музейларни 176.000 киши томоша қилган.

Борган сари мамлакатимизда таълим-тарбия вазифаларига эга бўлган музей тизими тараққиётига объектив эҳтиёжлар ортиб бормоқда. АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, Россия ва бошқа мамлакатлар энг тараққий этган музей тизимига эга.

Музейнинг халқаро майдонга чиқиши билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Бунда кўргазмалар айирбошлаш биринчи ўринда туради. Музей жаҳоннинг турли мамлакатларига ўз хазиналарини юборади, айти пайтда чет мамлакатларнинг кўргазмаларини ўзларида қабул қилади ва кўргазма ҳамда музейда намоиш этади. Музей халқаро маданий алоқаларни кенгайтиришга ёрдам бермоқда, миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва халқлар ўртасида ҳамфикрликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон музейи халқаро ташкилотига бирлашган ЮНЕСКО таркибида Музейлар халқаро кенгаши (ИКОМ) мавжуд, унинг таркибига миллий музейнинг қўмиталари кирган.

ИЛОВА

Жадвал

Туристтик ташрифлар сони бўйича энг етакчи мамлакатлар рўйхати, млн. киши ҳисобида

Мамлакатлар	1994	1996	1998	2000	2002	2003	2003 йилда 1994 филга нисбатан, %
Франция	60,6	61,5	70,0	75,6	77,0	75,0	123,8
Испания	24,4	41,4	47,7	47,9	52,3	52,5	214,3
АҚШ	25,4	44,8	47,1	50,9	41,9	40,4	159,0
Италия	25,0	35,5	34,8	41,2	39,8	39,6	158,4
Хитой	7,1	26,0	24,0	31,2	36,8	33,0	464,8
Буюк Британия	14,4	25,8	25,5	25,2	24,2	24,8	172,2
Австрия	15,2	17,1	17,3	18,0	18,6	19,1	125,6
Мексика	11,9	21,7	19,3	20,6	19,7	18,7	147,2
Германия	12,7	14,8	16,5	19,0	18,0	18,4	144,9
Канада	13,2	17,3	18,7	19,7	20,1	17,5	132,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, туристик ташрифлар сони бўйича Франция яққол пешқадам саналади. 2003 йилда мазкур мамлакатга 75 миллион турист ташриф буюрган бўлиб, бу 1994 йил кўрсаткичига нисбатан 23,8 фоизга кўпдир.

Туристтик ташрифлар сони бўйича иккинчи ўринда Испания бўлиб, бу мамлакатга 2003 йилда 52,5 млн турист ташриф буюрган ва бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан 2,1 мартага ўсган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Испания 2001 йилдан бошлаб туристик ташрифлар сони бўйича мустақкам иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бунга, бир томондан, АҚШда 2001 йил 11 сентябрда юз берган воқеалардан сўнг туристлар соннинг камайиши иккинчи томондан, Испания ҳукумати томонидан туризмни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон минтақаларининг туризм ривожланишидаги ҳиссаси, %

Минтақалар	Жами хизматлар		Туристларга хизмат кўрсатиш										Хизматлар экспорти	
			Туристларни қабул қилиш				Туристларни жўнатиш							
			Хорижий туристлар		Маҳаллий туристлар		Хорижий туристлар		МДҲ мамлакатлари		Ўзбекистонга			
	1995	2004	1995	2004	1995	2004	1995	2004	1995	2004	1995	2004	1995	2004
Қорақалпоғистон Республикаси	0,1	0,06	0,02	0,1	0,04	0,3	0,07	0	3,4	0	1,13	4,3	0	0,02
Андижон	4,0	0,4	0,3	0	14,9	3,0	2,4	0,06	0,4	0	4,5	2,7	0	0
Бухоро	7,2	12,2	11,4	14,5	10,3	8,2	22,3	0,81	3,4	0,36	26,2	9,0	0	6,5
Жиззах	1,3	0,5	0,5	0,4	9,2	8,4	1,7	0,13	0,07	1,5	10,5	13,1	0	0,1
Қашқадарё	2,4	0,5	2,4	1,5	6,5	10,1	1,6	0	6,8	0	14,0	8,3	0	0,1
Навоий	0,2	0,3	0,3	0,5	0	0	0,2	0	0	0	1,07	0,57	0	0,04
Наманган	1,7	0,3	0,2	0	5,2	3,7	5,5	0,01	0,2	0	7,5	5,6	0	0
Самарқанд	8,1	20,9	16,0	12,8	7,6	17,2	21,0	8,2	6,8	6,9	0,21	7,8	0	16,2
Сурхондарё	0,8	7,8	0,4	6,7	0	0,7	0,8	0	0	0	1,06	7,6	0	6,1
Сирдарё	0,2	0,03	0	0	0	0	1,0	0	0,8	0	0,22	0,66	0	0
Тошкент	2,7	1,5	0,06	0,2	5,4	23,9	1,5	0	8,7	0,49	2,7	8,3	0	0,04
Фарғона	4,1	1,2	1,9	0,4	4,8	3,9	4,0	0,09	28,9	0	4,8	0,08	0	0,2
Хоразим	4,0	1,4	6,4	9,3	4,1	6,2	3,0	0	4,2	11,7	7,0	12,1	0	3,0
Тошкент шаҳри	63,1	52,8	60,1	53,7	31,1	14,0	34,8	90,6	36,2	68,5	17,9	20,8	100	
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Мнба: «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси маълумотлари асосида ҳисобланган



1.1-расм. Саёҳат қилувчи шахсларнинг таснифи.

Халқаро туризмнинг хусусиятли жиҳати шундаки, бу соҳага сарфланган инвестициялар чет эл валютаси сифатида қайтиб келади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра чет эл туризми маълум мамлакатга ва қтинча ташриф буюрганлар учун моддий ва маданий бойликлар, товар ва хизматларнинг алоҳида истеъмоли бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон туризми ривожланишининг динамикаси

№	Минтақалар	Туристтик ташрифлар (млн. киши ҳисобида)				Туризмдан тушумлар (млрд. АҚШ доллари ҳисобида)	
		1990 й.	1995 й.	2000 й.	2004 й.	2002 й.	2004 й.
1	Жаҳон бўйича	455,9	565,4	687,3	712,4	447,0	449,3
2	Европа	280,6	338,3	392,7	411,0	240,5	244,6
3	Америка	93,0	108,9	128,0	122,3	114,3	116,5
4	Африка	15,0	20,0	27,4	32,3	11,8	13,4
5	Яқин Шарқ	9,7	12,4	24,0	30,6	13,0	14,2
6	Жанубий Осиё	3,2	4,2	6,1	6,8	5,0	5,9

2002-2004 йилда Европа, Америка халқаро туризм бўйича пешқадамликни сақлаб қолдилар; туристик ташрифларнинг 80% ва 78% тушумлар уларнинг улушига тўғри келган.

2000 йилнинг ўрталаридаги маълумотга кўра мавжуд номер фондларининг 29 фоизга яқини жаҳон андозаларига, жавоб беради. Булар «Интерконтинентал», «Ля-Меридиан», «Афросиёб», «Шодлик» ва қисман «Ўзбекистон», «Саёҳат» меҳмонхоналарида амалга оширилади. 1996-2000 йиллар давомида Самарқанд, Бухоро шаҳарларида яна янги меҳмонхоналарнинг ишга туширилиши натижасида жаҳон андозаларига жавоб берадиган номер фондлари сони кўпайди ва бу ҳақда жадвалдан кўрса бўлади.

Жадвал

1996-2000 йй. Ўзбекистонда хорижий туристлар учун мўлжалланган меҳмонхоналардаги жойлар сони динамикаси (дона)

Меҳмонхоналар	1996й	1997й	1998й	1999й	2000й
Ўзбекистон	848	424	430	460	460
Ля-Меридиан	646	646	646	646	646
Интерконтенентал	-	492	492	492	492
Шодлик плас	-	178	178	178	178
Афросиёб	-	500	500	500	500
Самарқанд	366	366	366	366	366

Зарафшон	100	100	100	100	100
Бухоро	-	434	434	434	434
Хоразим	-	80	80	80	80
Хива	30	173	173	173	173
Жайхун	104	412	412	412	412
Бахт	40	40	40	40	40
Зиёрат	120	145	145	145	145

Жадвалдан кўриниб турибдики кейинги йилларда меҳмонхоналарда амалга оширилаётган амалий ишлар натижасида, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда ва туристлар учун мўлжалланган ётиш жойлари кўпайиб бормоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». Т., «Ўзбекистон» 1995 йил
2. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т., «Шарқ» 1999 йил
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». Т., «Ўзбекистон» 1996 йил
4. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин». Т., «Ўзбекистон» 1996 йил
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Т., «Ўзбекистон» 1999 йил
6. Асқаров А. «Ўзбекистон тарихи». Т., «Ўқитувчи» 1994 йил
7. Аҳмедов Э. «Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида». Т., «Абу Али ибн Сино» 2002 йил
8. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Марказий Осиёда ислом маданияти». Т., «Шарқ» 2005 йил
9. Қораев С. «Ўзбекистон вилоятлари топонимлари». Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2005 йил
10. Нафасов Т. «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий туманлари)». Т., «Ўқитувчи» 1988 йил
11. Набиев А., Бўриев О., Шоймардонов И. «Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш». Т., «Ўқитувчи» 1996 йил
12. Бегматов Э. «Жой номлари – маънавият кўзгуси». Т., «Маънавият» 1998 йил
13. Зоҳидов П.Ш. «Меъмор санъати». Т., «Ғофур Ғулом» 1978 йил
14. Зоҳидов П.Ш. «Меъмор олами». Т., «Қомуслар бош таҳририяти» 1996 йил
15. Иномов И. «Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари». Т., «Меҳнат» 1991 йил
16. Исмоилова Ж. «XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисми тарихи». Т., «Фан ва технология» 2004 йил
17. Охунов Н. «Жой номлари таъбири». Т., «Ўзбекистон» 1994 йил
18. Бўриев О. «Темурийлар даври ёзма манбааларида Марказий Осиё». Т., «Ўзбекистон» 1997 йил
19. Саидкулов Т.С. «Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар» (1-қисм). Т., «Ўқитувчи» 1993 йил
20. Сагдуллаев А. «Қадимги Ўрта Осиё тарихи». Т., «Университет» 2004 йил
21. Бухорий Садриддин Салим. «Табаррук зиёратгоҳлар». Т., «Ёзувчи» 1993 йил
22. Камалова Д.М. «Узбекская художественная культура». Т., «Ибн Сино» 1995 йил
23. Тўхлиев Н., Таксанов А. «Экономика большого туризма». Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2001 йил

24. «Темур ва Улуғбек даври тарихи». Т., «Қомуслар бош таҳририяти» 1996 йил
25. Набизода Муҳаммадқошим. «Исмларимиз хосияти». Т., «Ғофур Ғулом» 2003 йил
26. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. «Очерки искусства Средней Азии». М., «Искусство» 1982 йил
27. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2006 йил, 1-, 10-, 12- сонлар.
28. «Амир Темур жаҳон тарихида». Т., «Шарқ» 2001 йил
29. Жабборов Исо. «Ўзбеклар турмуш тарзи ва маданияти». Т., «Ўқитувчи» 2003 йил
30. Жабборов Исо «Ўзбек халқи этнографияси». Т., «Ўқитувчи» 1994 йил
31. Ўлжаева Ш. «Музейшунослик». Т., «Университет» 2002 йил
32. Раҳимов Ж. «Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбааларидан фойдаланиш». Т., 1995 йил
33. «Хива минг гумбаз шаҳри». Т., «Шарқ» 1997 йил
34. «Шаҳрисабз минг йиллар мероси»